

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 336.22:004(575.1)

Акбаров Сухроб Азаматович

**АКТ СОҲАСИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**5A350301-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида
иқтисодиёт ва менежмент**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доцент Ш.Ш.Тўраев

ТОШКЕНТ 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: АКТ соҳасида
иқтисодиёт ва менежмент
Кафедра: АКТ соҳасида
иқтисодиёт
Ўқув йили: 2014-2015

Магистратура талабаси: С.А.Ақбаров
Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Ш.Ш.Тўраев
Мутахассислиги: 5А350301-Ахборот-
коммуникация технологиялари соҳасида
иқтисодиёт ва менежмент

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги: Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузасида 2015 йилда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифалари ҳақида тўхталиб, “Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профитсит билан бажарилди”¹ деб таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар томонидан тўланаётган солиқлар давлат бюджети даромадларининг ҳал қилувчи қисмини ташкил этмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳукуматимиз томонидан корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришга қаратилган сиёсат олиб борилмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, “солиқ тизимини

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Халқ сўзи, 2015 й. 18 январ.

Ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил - корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир². Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтириш давлат бюджети даромадларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин ва аксинча, солиқ юкини ошириш ишлаб чиқаришга ва макроиқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан солиқ юкининг корхоналар учун энг оптимал миқдорини қўллаш лозим. Бу эса корхоналарда оптимал солиқ юкини ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш ва унинг миқдорини оптималлаштиришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, корхоналар солиқ юкининг пасайтириш борасидаги муаммони мажмуавий тарзда ўрганиш, республикада маъқул солиқ муҳитини яратиш, корхоналарининг корхоналар фаолиятига солиқларнинг таъсирини оптималлаштириш масалалари ҳамда корхоналарнинг солиқ юкини пасайтириш ва оптималлаштириш бўйича амалий таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: Тадқиқот мақсади мамлакатни модернизация қилиш шароитида АКТ соҳасидаги корхоналарни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот иши белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишни кўзда тутди: Ўзбекистон иқтисодиётида солиқларнинг тутган ўрни ва моҳиятини очиқ бериш; солиқ юкининг назарий асослари ва унинг корхоналар фаолиятига таъсирини ёритиб бериш; солиқ ва макроиқтисодий барқарорликнинг ўзаро муносабатлари асосларини ўрганиш; Ўзбекистонда корхоналарни солиққа тортишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ўрганиш; Ўзбекистон миллий иқтисодиётида солиқ юки ва уни таҳлил қилиш; иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарида солиқ юкининг қиёсий

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998. 359-бет.

тахлилини амалга ошириш; АКТ соҳаси корхоналаридаги солиқ юкини ҳисоблашнинг замонавий амалиёти таҳлили амалга ошириш; АКТ соҳаси корхоналари фаолиятига солиқлар таъсирини оптималлаштириш масалаларини ўрганиш; АКТ соҳаси корхоналарининг солиқ юкига таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш услубиётини ишлаб чиқиш; АКТ соҳаси корхоналарида солиқ юкини ҳисоблашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш асосий вазифалар қаторида туради.

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқот ишида объект сифатида алоқа корхоналари танлаб олинган. Алоқа корхоналари фаолиятига солиқларнинг таъсирини оптималлаштириш масалалари ҳамда солиқ юкини пасайтириш ва оптималлаштириш тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва услублари: Ушбу ишни тайёрлаш жараёнида асосан молиявий ва статистик таҳлил, иқтисодий-математик, сегментлаш усулларидан фойдаланилди. Қўшимча усул сифатида ижтимоий сўров, ахборот тўплаш ҳамда кузатиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси: диссертация ишини бажаришда магистрант томонидан: Ўзбекистон иқтисодиётида солиқларнинг тутган ўрни ва моҳияти очиқ берилди, солиқ юкининг корхоналар фаолиятига таъсири ёритиб берилди, иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарида солиқ юкининг қиёсий таҳлили амалга оширилди, АКТ соҳаси корхоналаридаги солиқ юкини ҳисоблашнинг замонавий амалиёти таҳлили амалга оширилди, АКТ соҳаси корхоналарининг солиқ юкига таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш услубиёти ишлаб чиқилди, АКТ соҳаси корхоналарида солиқ юкини ҳисоблашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди ва таклифлар берилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи: ушбу диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий-амалий натижалар бевосита амалиётга тадбиқ қилиниши, шу билан бирга уларни тадбиқ қилиш билан алоқа корхоналари фаолиятига солиқларнинг таъсирини оптималлаштириш

масалалари ҳамда солиқ юкини пасайтириш ва оптималлаштириш ишнинг аҳамиятлилигини билдиради.

Иш тузилиши ва таркиби: мазкур диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари: Ўзбекистон иқтисодиётида солиқларнинг тутган ўрни ва моҳиятини очиб берилган, Ўзбекистон миллий иқтисодиётида солиқ юки ва уни таҳлил қилинган, иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарида солиқ юкининг қиёсий таҳлилини амалга оширилган, АКТ соҳаси корхоналаридаги солиқ юкини ҳисоблашнинг замонавий амалиёти таҳлили амалга оширилган. Қолаверса тадқиқот объекти атрофлича таҳлил қилиниб, АКТ соҳасидаги корхоналарни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси: Амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди. Корхоналарнинг зиммасидаги номинал ва реал солиқ юкининг даражалари ўртасида ўзаро мутаносибликка эришиш лозим. Корхоналарнинг солиқ юкини давлат бюджетига тўланган барча солиқлар, тўловлар ва ажратмаларнинг қўшилган қийматга нисбати орқали аниқлашни мақсадга мувофиқ. Шунда солиқ юкининг реал даражасини аниқлаш имконияти туғилади. Тадқиқот натижалари кўрсатмоқдаки, қўшилган қийматнинг юқори бўлиши солиқ юки даражасига тескари пропорционал бўлгани учун, солиқ юки даражасини камайтиради, аммо солиққа тортиладиган базанинг кенгайиши ҳисобига давлат бюджетига кўпроқ солиқ тушади. Юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар келгусида мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади.

**MINISTRY FOR DEVELOPMENT OF INFORMATION TECHNOLOGIES
AND COMMUNICATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT UNIVERSITY OF INFORMATION TECHNOLOGIES**

Faculty: Economy and
Management in the sphere of ICT
Department: Economy
In the sphere of ICT
Academic year: 2014-2015

Master: S.A. Akbarov
Scientific adviser: PhD. Sh. SH. Turaev
Specialty: 5A350301-Economy and
management in the sphere of Information
Technologies.

ANNOTATION OF MASTERS DISSERTATION

Actuality of theme: In the meeting devoted to 2014 social-economic development results and the most primary directions of social economic development of 2015, our President I.A. Karimov: “To carry out complete changes in our economy in 2015, to continue modernization and diversification process rapidly, to create possibilities for private property and business is our primary task” mentioned that to carry out economic improvements in 2015 is our main task. Furthermore he added that “Last year tax burden decreased from 20, 5% till 20%, and profit headquarters fallen from 9% till 8%. Nevertheless, it composed 0, 2 % of state budget DGP”³.

Taxes paid by working companies in our country made the most part of state budget. Due to this, policy which is directed to decrease the tax on them is worked out in our state. As our President said: “the main factor in changing the tax system is decreasing the tax burden of companies”⁴. Decreasing the tax burden of companies may affect the state budget both negatively and positively, and to increase tax rate may affect to micro economy producing negatively. From this point of view, tax rate of companies should be optimal. It requires to develop the method of counting tax rate optimally and to elaborate modern directions of optimizing its quantity.

³ Каримов И.А. 2015 йилда иктисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Халқ сўзи, 2015 й. 18 январ.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998. 359-бет.

According to this, to learn the problem of decreasing tax rate of companies as a complex, to create suitable tax atmosphere in Republic, the issues of optimizing tax rate in companies, and to elaborate practical suggestions and conclusions to decrease tax rate of companies are the main issue of current time.

Objective and tasks of research: The aim of research is to analyze taxing of companies in the sphere of ICT and its features in condition of modernization of our country, to determine prospects and consequences, and to work out practical suggestions for its development. According the objective of research, it tends to set up the following tasks: To disclose the point and importance of tax in Economy in Uzbekistan; theoretical basis of tax burden and to enlighten its affect to companies; to learn tax and basis of micro economic stability and its relations; to learn regulatory legal basis of taxing companies in Uzbekistan, to analyze tax burden in national economy of Uzekistan; to carry out tax burden comparative analyzes in companies working in several economic networks; to carry out analyzes of modern practice of tax burden calculating in ICT sphere companies; to learn issues of optimizing tax effect on companies in the sphere of ICT; to work out affection factors to tax burden of companies in the sphere of ICT and to elaborate methodic for analyzing them; and to develop methods of calculating tax burden is one the major task.

Research object and subject: As an object of research communication companies are chosen. The subject of research is optimizing tax effect on activity of communication companies and to decrease tax burden.

Research methods and methodic: In preparing current work, especially financial and statistic analyzes, economic mathematical, segment methods are used. As a secondary method, social questionnaires, gathering information and observation are used.

The scientific novelty of research: in writing dissertation, by master: the role and sense of tax in Uzbekistan economy are enlightened; effect of tax burden on companies are disclosed; comparative analyses of tax burden of companies working in several direction are carried out; analyzes of modern practice of

calculating tax burden of companies in the sphere of ICT is worked out; factors affected on tax burden of companies in the sphere of ICT and methods of analyzing are elaborated, the ways of calculating tax burden of companies in the sphere of ICT are worked out and suggestions are given.

Implementation and practical value of research: scientific practical results worked out in current dissertation could be directly implemented; and the issues of optimizing effect of tax to companies activity; to decrease tax burden and importance of optimizing is significant.

Structure and contents of research: current dissertation consists of introduction, three chapters , conclusion and references.

The main results of research: the role and sense of tax in Uzbekistan economy are enlightened; effect of tax burden on companies are disclosed; comparative analyses of tax burden of companies working in several direction are carried out; analyzes of modern practice of calculating tax burden of companies in the sphere of ICT is worked out; factors affected on tax burden of companies in the sphere of ICT and methods of analyzing are elaborated. Furthermore, the ways of calculating tax burden of companies in the sphere of ICT are worked out and suggestions for comparative analysis are given.

Conclusion and summary of suggestions: Conclusion and suggestions are worked out by the results of research. It is important to achieve similarity between nominal and real tax burden level in companies. Tax burden of companies should be determined by correlation of added value to all paid taxes, payments and deductions to government. Then it would be possible to determine real level of tax burden. Research results show that, high percent of added value is against proportional to tax burden, and it decreases the level of tax burden, but because of the base expansion, the taxes paid for government increases. Above mentioned suggestions, will help to develop taxing mechanism of companies in our country in future.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	10
I БОБ. СОЛИҚ ЮКИ ВА УНИНГ КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	14
1. Солиқ юкининг назарий асослари ва унинг корхоналар фаолиятига таъсири.....	14
2. Солиқ юки ва макроиқтисодий барқарорликнинг ўзаро муносабатлари.....	26
3. Ўзбекистонда корхоналарни солиққа тортишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.....	35
I боб бўйича хулоса.....	45
II БОБ. АКТ СОҲАСИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	47
1. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида солиқ юки ва унинг таҳлили.....	47
2. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарида солиқ юкининг қиёсий таҳлили.....	54
3. АКТ соҳаси корхоналаридаги солиқ юкини ҳисоблашнинг замонавий амалиёти таҳлили.....	63
4. АКТ соҳаси корхоналари фаолиятига солиқлар таъсирини оптималлаштириш масалалари.....	74
II боб бўйича хулоса.....	80
III БОБ. АКТ СОҲАСИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ВА СОЛИҚ ЮКИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	82
1. АКТ соҳаси корхоналарининг солиқ юкига таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш услубиёти.....	82
2. Солиқ юкини корхона молиявий ҳолатига таъсирини баҳолаш – солиқ юкини оптималлаштиришнинг муҳим омили сифатида.....	89
3. АКТ соҳаси корхоналарида солиқ юкини ҳисоблашни такомиллаштириш йўллари.....	102
III боб бўйича хулоса.....	109
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	111
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	115

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузасида 2015 йилда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифалари ҳақида тўхталиб, “Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профитсит билан бажарилди”⁵ деб таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар томонидан тўланаётган солиқлар давлат бюджети даромадларининг ҳал қилувчи қисмини ташкил этмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳукуматимиз томонидан корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришга қаратилган сиёсат олиб борилмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, “солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил - корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир”⁶. Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтириш давлат бюджети даромадларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин ва аксинча, солиқ юкини ошириш ишлаб чиқаришга ва макроиқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан солиқ юкининг корхоналар учун энг оптимал миқдорини қўллаш лозим. Бу эса корхоналарда оптимал солиқ юкини ҳисоблаш услубиётини

⁵ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Халқ сўзи, 2015 й. 18 январ.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998. 359-бет.

такомиллаштириш ва унинг миқдорини оптималлаштиришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда иқтисодий эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида корхоналарнинг молиявий ҳолатига солиқларнинг таъсирини таҳлил қилиш ва шу асосида ушбу субъектлар солиқ юкини ўсиш (камайиш) тенденцияларини тадқиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ушбу диссертацияда корхоналарда солиқ юкини оптималлаштириш масалалари тадқиқ этилган бўлиб, солиқ юкининг назарий асослари, солиқ юки ва макроиқтисодий барқакорликнинг ўзаро алоқалари, корхоналарни солиққа тортишни ҳукукий-меъёрий асослари, миллий иқтисодиётдаги солиқ юкининг таҳлили, иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарда солиқ юкининг қиёсий таҳлили, корхоналар фаолиятига солиқларнинг таъсирини оптималлаштириш масалалари ҳамда корхоналарнинг солиқ юкини пасайтириш ва оптималлаштиришнинг асосий йўналишлари каби масалалар илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда корхоналар солиқ юкининг пасайтириш борасидаги муаммони мажмуавий тарзда ўрганиш, республикада маъқул солиқ муҳитини яратиш, корхоналарининг корхоналар фаолиятига солиқларнинг таъсирини оптималлаштириш масалалари ҳамда корхоналарнинг солиқ юкини пасайтириш ва оптималлаштириш бўйича амалий маслаҳатлар ва ечимлар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот ишида объект сифатида алоқа корхоналари танлаб олинган. Алоқа корхоналари фаолиятига солиқларнинг таъсирини оптималлаштириш масалалари ҳамда солиқ юкини пасайтириш ва оптималлаштириш тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади мамлакатни модернизация қилиш шароитида АКТ соҳасидаги корхоналарни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларини

аниқлаш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот иши белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишни кўзда тутди:

- Ўзбекистон иқтисодиётида солиқларнинг тутган ўрни ва моҳиятини очиқ бериш;
- солиқ юкининг назарий асослари ва унинг корхоналар фаолиятига таъсирини ёритиб бериш;
- солиқ ва макроиқтисодий барқарорликнинг ўзаро муносабатлари асосларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда корхоналарни солиққа тортишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ўрганиш;
- Ўзбекистон миллий иқтисодиётида солиқ юки ва уни таҳлил қилиш;
- иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарида солиқ юкининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш;
- АКТ соҳаси корхоналаридаги солиқ юкини ҳисоблашнинг замонавий амалиёти таҳлили амалга ошириш;
- АКТ соҳаси корхоналари фаолиятига солиқлар таъсирини оптималлаштириш масалаларини ўрганиш;
- АКТ соҳаси корхоналарининг солиқ юкига таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш услубиётини ишлаб чиқиш;
- АКТ соҳаси корхоналарида солиқ юкини ҳисоблашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ўзбекистон иқтисодиётида солиқларнинг тутган ўрни ва моҳияти, солиқ юкининг назарий асослари ва унинг корхоналар фаолиятига таъсири, солиқ ва макроиқтисодий барқарорликнинг ўзаро муносабатлари асослари, Ўзбекистонда корхоналарни солиққа тортишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, АКТ соҳаси корхоналаридаги солиқ юкини ҳисоблаш, АКТ соҳаси корхоналари фаолиятига солиқлар таъсири, АКТ соҳаси корхоналарининг

солиқ юкига таъсир этувчи омиллар ушбу диссертациянинг асосий масалалари ва фаразлари ҳисобланади.

Мавзу бўйича адабиётларнинг қисқача таҳлили. Тадқиқот ишида тадқиқот мавзусига таалукли бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, асосий ва қўшимча адабиётлар, даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар ҳамда Интернет сайтлари маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишида қўлланилган услублар. Диссертацияда иқтисодий, мантикий, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, статистик ўлчам ва математик метод, қиёслаш ва гурухлаш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишини бажаришда магистрант томонидан:

- Ўзбекистон иқтисодиётида солиқларнинг тутган ўрни ва моҳияти очиқ берилди;
- солиқ юкининг корхоналар фаолиятига таъсири ёритиб берилди;
- иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарида солиқ юкининг қиёсий таҳлили амалга оширилди;
- АКТ соҳаси корхоналаридаги солиқ юкини ҳисоблашнинг замонавий амалиёти таҳлили амалга оширилди;
- АКТ соҳаси корхоналарининг солиқ юкига таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш услубиёти ишлаб чиқилди;
- АКТ соҳаси корхоналарида солиқ юкини ҳисоблашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди ва таклифлар берилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Магистрлик диссертацияси таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация иши 116 бетдан иборат.

I БОБ. СОЛИҚ ЮКИ ВА УНИНГ КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1. Солиқ юкининг назарий асослари ва унинг корхоналар фаолиятига таъсири

Солиқ тизими муаммолари ичида солиқ юки муаммоси марказий ўринни эгаллайди. У ўзида маълум давлатнинг солиқ сиёсати ва тизимининг пировард баҳосини акс эттиради, мамлакат солиқ ислоҳотининг натижавий кўрсаткичи бўлиб, иқтисодиётда муҳим ўрин тутди.

Давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондирувчи оқилона солиқ тизими солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча, хўжалик юритишнинг самарали йўлларини топишга ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли солиқ тўловчининг солиқ юки кўрсаткичи мамлакат солиқ тизимининг сифатини баҳолаш учун етарли бўлади.


Солиқ юки мамлакат солиқ тизими кўрсаткичларининг мажмуасини ифодалайди. Алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар ёки бошқа солиқ тўловчиларнинг даромадидан муайян фоизи давлатга солиқ ёки тўлов шаклида тўланади.

XVIII асрда яшаб, ижод қилган А.Смит ўзининг «халқлар табиати ва бойиш сабабларини ўрганиш» китобида солиқ юки даражаси билан давлат бюджетига тушувчи маблағлар ўртасидаги боғлиқликка алоҳида эътибор берган. «Давлат йиғиб олинishi қийин бўлган солиқларни юклашдан кўра солиқ юкини пасайтиришдан кўпроқ ютади. Бўш қолган маблағлар эса келгусида ғазнага солиқ тўланадиган қўшимча даромад сифатида қолиши мумкин. Шу билан бирга давлатнинг жазолаш ва мажбурий тўлатиш билан боғлиқ қўшимча харажатлари камайиб, солиқ тўловчилар ушбу тўловларни осонлик билан амалга оширишлари мумкин⁷» деб айтиб ўтган.

⁷ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз. 1962.

Икки юз йилдан ортиқ давр мобайнида молия фани солиқларнинг аҳоли даромадалари ва иқтисодиётга таъсири масаласини ўрганмоқда. Шу пайтгача, олимлар солиққа тортиш даражасининг асосийлигини ва солиқ юки кўрсаткичини белгилаш масаласини аниқлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Америка иқтисодчиси Артур Лаффер солиқларни камайтириш натижасида иқтисодиёт ва давлат даромадларининг ўсишини исботлаб берган. Бу тарихда Лаффер эгри чизиги, деб аталади (1-расм).



R - солиқлар миқдори, Γ - фоиз ставкаси, %

1-расм. Лаффер эгри чизиги⁸

Агар $\Gamma=0$ бўлса, давлат ҳеч қандай солиқ тушумига эга бўлмайди. Агар $\Gamma=100\%$ бўлса, натижа давлат учун яна шунга тенг бўлади, чунки ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамма даромади бюджетга олиб қўйилади. Ишлаб чиқаришга ҳеч қандай қизиқиш бўлмайди. Солиқ ставкасининг бошқа ҳамма ҳолатларида давлат у ёки бу миқдорда даромадга эга бўлади ($0 < \Gamma < 100\%$). Солиқ ставкаси Γ^0 бўлганда солиқ тушумлари максимал даражага етади ($R_0 = R_{\max}$). Хулоса шуки, солиқ фоизи ставкасининг маълум даражага етиши солиқ тушумларини кўпайтиради, унинг янада оширилиши аксинча, солиқ тушумларини камайтиради. Иқтисодий субъектларнинг солиқ ставкасининг динамикасига таъсири бир ондаёқ сезилмайди, балки қандайдир вақт ўтгандан сўнг

⁸ Маманазаров А.Б. Солиқ сиёсати. Т.: Молия, 2003й.

сезилади. Лаффер эгри чизиги давлат даромадларининг ўсиши солиқ ставкаларининг камайишига объектив боғлиқ эканлигини кўрсатади.⁹

XVIII-XIX асрларда хорижлик олимлар бюджет ва миллий даромад ўртасидаги пропорцияни, корхоналар ва фуқаролардан солиқ олиш ўлчамларини таҳлил қилиб беришган. Солиқ юки кўрсаткичи ва иқтисодиётга таъсири ҳақида илк бор XVIII-асрда ишора қилинган. Бу борада Ф. Юсти (1705-1771) солиқ юкини бюджет ва давлатнинг миллий даромади ўртасидаги боғлиқликни макродаражада ўрганган. Шу ўринда у мамлакат бюджети миллий даромаднинг 1/6 қисмини ташкил қилиши керак деган фикрни олға сурган¹⁰.

К.Гок эса, давлат бюджети харажатлари ва даромадлари билан миллий даромад ўртасидаги пропорцияларини асослаб берди. У аниқ мамлакат учун реал бўлган, иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида ҳаққоний бўлган солиқ юкини ягона, универсал ва шу билан бирга оптимал кўрсаткичи бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаган¹¹.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, айти бир мамлакат ёки солиқ тўловчилар учун солиқ юки кўрсаткичини аниқ ва оптимал аниқлаш мумкин эмас, буни фақат эмпирик аниқлаш мумкин. Чунки, бошқача аниқлашнинг йўли йўқ. Алоҳида бир мамлакат учун солиқ юкини конкрет аниқлаш учун ягона методологиянинг ўзи мавжуд эмас.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг репарацион тўловлар миқдори, иттифокдошлар қарзларини тўлаш учун солиқ юки оғирлигини ўлчаш учун аниқ усулларини ишлаб чиқиш заруриятини туғдирди. Бу усуллар методологик база сифатида, ҳисоблаш техникаси номукамал бўлишига қарамай, унинг роли ва мақсади бўлиб, ҳам умумий иқтисодиётда, ҳам аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари кесишмаларида ва ишлаб чиқариш


⁹ Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Фан ва технологиялар нашриёти, 2003 й. 20-бет.

¹⁰ Соловей Г.Г. Государственные бюджеты. – М. – Л., 1928. – С. 5.

¹¹ Пансков В.Г. Налоги и налоговая система Российской Федерации: Учебник. М.: Финансы и статистика, 2006. – 464 с.: ил. стр 93.

тармоқлари доирасида келгусида солиқ юки оғирлигини ўрганиш учун асос яратиб берди.

Иқтисодиётда назарий ва амалий жиҳатдан солиқ юки кўрсаткичига кизиқиш бежиз эмас. Ҳар бир мамлакат учун солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблашнинг заруриятини схематик равишда қуйидаги 2-расм ёрдамида ифодалашимиз мумкин.



2-расм. Иқтисодиётда солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблашнинг зарурияти¹²

Юқоридаги расмдан келиб чиқиб, солиқ юки кўрсаткичининг роли ва аҳамиятини қуйидагича асослашимиз мумкин.

Биринчидан, солиқ юкини ҳисоблаш ва аниқлаш ҳар бир давлатнинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиши учун керак. Эски солиқларни бекор қилиб, янги солиқларни жорий этиш, солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзларини белгилаш орқали давлат иқтисодиётга босим ўтказишга йўл қўймайди. Макроиқтисодий нуқтаи-назардан давлат солиқ юки орқали бюджетнинг даромад қисмини, солиққа тортиш базасини ва иқтисодиётга солиқларнинг таъсирини белгилашда фойдаланилади.

Иккинчидан, солиқ юки кўрсаткичи давлатнинг бошқа турли давлатлар солиқ юки ва солиқлари кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлил қилиш учун

¹² Муаллиф томонидан шакллантирилган.

керак. Мамлакат худудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш, инвестицияни тақсимлаш ҳамда капитал ҳаракатини йўлга қўйиш учун зарур. Шунингдек, мамлакат ичкарисиди ва худудлар бўйича ҳам қиёсий таҳлилни олиб бориш учун бу маълумотлардан фойдаланилади.

Солиққа тортишни босқичма-босқич ўзгартириб бориш муҳим омилга – турли даврлардаги солиқ юкини аниқлаб олишга имкон яратади.

Солиқ юки солиқларнинг жамият ҳаётида тутган ролини умумий кўрсаткичини билдиради. Кўпгина давлатларда макроиқтисодий даражада солиқ юкини ҳисоблаш ЯИМга кўра солиқлар ва йиғимлар умумий суммасига нисбатан амалга оширилади¹³. Унинг кўриниши қуйидагича:

$$CЮ = \frac{C + T}{ЯИМ} \times 100\% \quad (1.1)$$

Бу ерда:

СЮ – солиқ юки;

С – солиқлар;

Т – тўловлар;

ЯИМ – мамлакатдаги ялпи ички маҳсулот.


Таъкидлаш лозимки, солиқнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли географик ва иқлимий омилларга боғлиқ бўлади. Чунки бу омиллар миллий иқтисодиёт ривожига таъсир кўрсатади ва ўзга давлатлар иқтисодиётидан фарқлаш ва қиёслаш имкониятига эга бўлади.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, солиқ юки ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга давлатларда юқори даражада. Бошқача қилиб айтганда, у ёки бу даражадаги солиқ юки давлатга қайтариш воситаси сифатида намоён бўлади. Чунки иқтисодиётни давлат томонидан динамик ривожлантириб боришда солиқ юкининг муҳим омили сифатида давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлик даражаси юзага чиқади.

Учинчидан, солиқ юки кўрсаткичлари давлатнинг ижтимоий сиёсати таъсир кўрсатади. Давлат бу кўрсаткичнинг натижаларига асосланиб ўзининг

¹³ Налоги и налогообложение. Под ред. Б.Х.Алиева. –М.: Финансы и статистики. 2004. С.85

ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқади. Мудофаа, кўриқлаш хизматлари, маориф, тиббиёт, фан ва таълим харажатлари режалаштиради. Яъни, давлат аҳолига турли хил хизматлар кўрсатади. Шунинг ҳисобига солиқ тўловчи, аҳоли ва юридик шахслардан солиқ ундиради. Бу ердаги муаммоли масаланинг моҳияти шундаки, солиқ миқдорини оптимал даражасини белгилаш, чунки, солиқ тўловчи давлатга тўлаган солиқлари миқдорида ижтимоий хизматлар олишни хоҳлайди. Давлат ва солиқ тўловчиларнинг ўзаро муносабатлари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Давлат ва солиқ тўловчиларнинг ўзаро муносабатлари¹⁴

Шундан келиб чиқиб, давлат солиқ юкини белгилайди ва солиқ тўловчиларга турли хизматлар орқали бу маблағларни қайтаради. Бунини қуйидаги чизмада янада яққолроқ кўришимиз мумкин.

Солиққа тортиш асосларига диққат қилиш, уни пухта аниқ ишлаб чиқиш, тўлов муддатларини ва ҳажмини тўғри белгилаш адолатли солиқ юкини таъсис қилишга олиб келади.


Тўртинчидан, солиқ юки кўрсаткичларидан корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини белгилашда фойдаланилади. Айнан шу кўрсаткич ишлаб чиқаришга капитал қўйиш йўналишларини белгилаб беради. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва пасайтириш, иқтисодиётни тартибга солиш, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этиш, янги иш ўринларини яратиш, корхоналарни истеъмол ва жамғариш жараёнларини

¹⁴ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

меъёрлаштириш, инвестицияларини йўналтириш каби масалаларни ҳал этишда солиқ юки кўрсаткичи катта ёрдам беради.

Иқтисодиётда назарий жиҳатдан солиқ юкини белгилаш икки йўналишда олиб борилади. Яъни, макро ва микродаражада белгиланади.

Макродаражада солиқ юки иккига бўлишимиз мумкин, яъни, умумий, бутун иқтисодиёт ва аҳоли зиммасига тушадиган солиқ юки (4-расм). Бу кўрсаткич умумий бўлиб, юқорида келтириб ўтганимиздек ЯИМга нисбатан солиқлар ва тўловларнинг улуши сифатида белгиланади.



4-расм. Солиқ юки даражасини белгилашнинг асосий йўналишлари¹⁵

Макродаража бутун мамлакатнинг солиққа тортиш тизимини билдиради, бошқача айтганда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини, унинг солиқ босимини англатади. Бу ўринда солиқ юки корхоналар, соҳалар ва тармоқларга тақсимланади.

Шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳар бири учун макродаражадаги солиқ юки аҳамиятсиз ҳисобланади. Чунки улар бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва тўловларни ўз даромадларидан тўлашади.

Умумий аҳоли зиммасидаги солиқ юки бу аҳолининг тўлайдиган барча солиқлари йиғимларининг ЯИМга нисбати сифатида ҳисобланади. Аҳолига солинадиган солиқ юкини дунё тажрибаси яна микро ва макро даражага бўлиб кўрсатади. Микро даража бу бир кишининг, макро даража бу умумий

¹⁵ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

аҳолининг солиқ тўловидир. Биз ўз тадқиқотимизда мамлакатимизда аҳоли зиммасига тўғри келадиган солиқ юки хусусида ҳам тўхталишни лозим топдик. Чунки, мамлакатдаги солиқ юкини икки субъект, яъни юридик шахс ва жисмоний шахс тўлайди. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, солиқ юкининг асосий қисми бориб жисмоний шахсларга тушади.

Юқоридаги фикрларимизни давлатимиз бюджет даромадлари мисолида кўриб чиқишимиз ҳам мумкин. Бюджет даромадлари кўрсаткичларидан эгри солиқларни, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларни, юридик шахслар томонидан маҳсулот (иш, хизмат) лар таркибига киритиладиган мол-мулк ва ер солиқларини олиб йиғиндисини олганимизда жисмоний шахслар зиммасидаги умумий солиқ юки келиб чиқади ёки улар бюджет даромадларини қанча қисмини шакллантиришини кўришимиз мумкин.

Аҳоли зиммасидаги солиқ юкини аниқроқ таҳлил қилсак, жисмоний шахслар тўлайдиган барча солиқларни аҳолининг йиллик ўртача сонига бўлсак, аҳоли жон бошига тўғри келадиган солиқ суммаси келиб чиқади.

Бу ҳар бир кишига тўғри келадиган ўртача солиқ суммасини белгилаб беради. Иқтисодий адабиётларда ва амалиётда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ кўрсаткичи ҳисобланади. Солиқлар ЯИМнинг бир қисмини тақсимлаб бюджетга туширади. Демак, бу икки иқтисодий категория ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, аҳоли жон бошига тўғри келадиган солиқ суммасини ҳисоблаш ҳам иқтисодий мазмунга эга бўлган кўрсаткичдир.

Биз юқорида назарий жиҳатдан ёндошиб, давлат бюджети даромадлари кўрсаткичларини олиб, уларнинг йиғиндисини аҳоли сонига бўлиб топдик. Бундан ташқари аҳолининг солиқ юки кўрсаткичини қуйидаги формула асосида ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$C_d = \frac{C : Ж_n}{D : Ж_n} \quad (1.2)$$

Бунда: C_d – солиқ юки даражаси;

C – аҳолининг барча солиқлари;

J_n – мамлакат аҳолиси сони;

D – аҳоли олган барча даромадлари суммаси.

Аҳолига солиқ юкини баҳолашда аҳолининг тўлаган барча солиқларини суммасидан келиб чиқиш лозим. Юқоридаги формулага асосан ҳисоблашнинг мураккаблиги шундаки, аҳолининг бевосита ва билвосита тўлаган солиқ ҳажмини аниқлаш қийин. Шу маънода аҳоли асосий истеъмолчи ҳисобланади ва шу сабабли унинг зиммасига асосий солиқ юки тушади.

Ишчининг (меҳнат ҳақи олиб ишловчининг) солиқ юки даромад солиғидан иборат бўлади. Бу кўрсаткичдан турли мамлакатларда даромад солиғига тортишни таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда юқори ҳисобланади. Биргина шу солиқ ҳисобига АҚШ Федерал бюджетининг 45 фоизидан кўпроғи молиялаштирилади.

Корхоналарда қўлланиладиган солиқ юки уларнинг оладиган даромадларига қараб белгиланади. Унга кўра, солиқ юки маҳсулот сотиш ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бу кўрсаткичга асосан фойда солиғи белгиланади.

Шунингдек, сотишдан олинган фойда ҳамиша ҳам солиққа тортиш манбаси бўлиб ҳисобланмайди. Шу сабабли хўжалик юритувчи субъектнинг айрим солиқларининг бу кўрсаткичга таъсири бўлмайди.

Ҳар бир солиқ тури ўз манбасидан қатъий назар баҳолаш мезонига эга. Энг асосийси бу – корхона фойдасидир. Яъни, хўжалик юритувчи субъект томонидан тўланадиган солиқлар ва тўловларнинг фойда кўрсаткичига таъсири ёки уларнинг улуши сифатида аниқланади. Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъектнинг тўловлари унинг соф фойдасига нисбатан ҳам аниқланади. Бу учун қуйидаги формулага таянишимиз мумкин:

$$C_d = \frac{D\phi + Ic + Mc + Tc}{\phi} \quad (1.3) \quad \text{ёки:} \quad C_d = \frac{D\phi + Ic + Mc + Tc}{C\phi} \quad (1.4)$$

Бунда:

Сд – хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ юки даражаси;

Дф – даромад (фойда) солиғи;

Ис – ишлаб чиқаришга солиқлар;

Мс – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар учун солиқ;

Тс – тушумдан ёки оборотдан тўланадиган солиқлар;

Ф – ҳисобланган фойда; маҳсулот сотишдан тушган тушумдан эгри солиқлар ва ишлаб чиқариш ҳамда сотиш харажатларини айириб ташлаган ҳолда;

Сф – соф фойда, солиқлар ва тўловлар тўлангандан кейин.

Кўпчилик иқтисодий адабиётларда фойда ёки соф фойда кўрсаткичи корхоналарнинг солиқ юкини аниқ ифодалаб бера олмайди деган фикр олға сурилади. Биз юқоридаги формула хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ юкини аниқ ифодалаб беради деган фикрда эмасмиз. Юқоридаги формула хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ва соф фойда кўрсаткичларига солиқларнинг таъсирини қандайлигини аниқлаб беради. Бу фақат хўжалик юритувчи субъектга нисбатан солиқ юки ва унга солиқларнинг таъсирини ифодалаб берувчи формулаларнинг бир йўналиши ҳолос.

Юқоридаги формуладан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг сотишдан тушган тушум ва фойда кўрсаткичларини шаклланиш босқичини қуйидагича ифодалашимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

АКТ соҳаси корхоналарининг тушум ва фойда кўрсаткичларининг шаклланиши¹⁶

Тўлиқ таннарх			Фойданинг шаклланиши				
Материал харажатлар	Иш хақи	Амортизация	Солиқлар, жумладан ижтимоий ажратмалар билан биргаликда	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар учун солиқ	Тушумдан ёки оборотдан олинадиган солиқлар	Даромад (фойда) солиғи	Солиқлар ва тўловлар тўлагандан кейинги фойда ёки соф фойда

¹⁶ Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. Монография, Академия, Т.: 2005 й.

ҚҚС ва акцизлар корхона даромадини оширувчи солиқлар сифатида қаралади. Шу маънода ҳамиша корхонанинг фойда кўрсаткичларига асосий эътибор қаратилади.

Корхоналарга солиқ юки белгилашнинг яна бир усули қўшилган қийматга нисбатан белгилашдир. Қўшилган қиймат хўжалик юритувчи субъектининг маълум бир даврда янгидан яратган қиймати ҳисобланади. Яъни, хўжалик юритувчи субъект маълум нархдаги товарни ёки хом ашёни сотиб олиб, уни қайта ишлаш давомида унга қўшимча қиймат қўшади. Бу шу даврда янгидан яратилган қиймат ҳисобланади. Бу кўрсаткич барча солиқларнинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Агар хўжалик юритувчи субъект қўшилган қиймат яратмаса, у ҳеч қандай солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланмайди (мол-мулк ва ер солиқларидан ташқари), солиқ тўлайдиган манба ярата олмайди. Қўшилган қийматга асосан ҳисобланган солиқ юки кўрсаткичи хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ юкини кенгроқ ифода қилади.

$$C_d = \frac{C}{K_k} \quad (1.5)$$

Бунда:

С-тўланган солиқлар ва тўловлар суммаси;

Кк – қўшилган қиймат.

Қўшилган қиймат таркиби тўғрисида тўхталадиган бўлсак, бизнингча, уни қуйидагича ифодалаш лозим бўлади:

$$K_k = A_m + M_x + I_a + E_s + C_t + \Phi \quad (1.6)$$

Бунда:

Ам – амортизация ажратмаси;

Мх – меҳнат ҳақи харажатлари;

Иа – ижтимоий ажратмалар;

Эс – эгри солиқлар;

Ст – бошқа солиқлар;

Ф – фойда;

Кўшилган қиймат таркибига амортизация ажратмалари, меҳнат ҳақи тўловлари, ижтимоий ажратмалар, эгри ва бошқа солиқлар ҳамда фойда ҳам кўшилади. Шу сабабли бу усулга кўра солиқ юкини ҳисоблаш мураккаброк кечади.

Зеро, солиқ юки аниқ солиқ тўловчининг фаолиятига зарар келтирмаслиги лозим. Шунинг учун давлат солиқ юкини белгилашда ўртача кўрсаткичлардан фойдаланиши лозим.

Албатта, ҳар бир мамлакат ўзининг турли миллий хусусиятлари ва ишлаб чиқаришидан келиб чиқиб, солиқ юкини белгилайди. ҳар бир мамлакатда турли хусусиятларга эга ўн минглаб фаолият юритаётган корхоналар бор. Уларнинг ҳар бири солиқ тўлашда турлича имкониятларга эга. Шу сабабли давлатлар миқёсида солиқ юкини қиёсий таҳлил қилишда ва макродаражада солиқ юкини ҳисоблашда солиқлар ва тўловларнинг ЯИМга нисбатини олиш орқали ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ривожланган давлатларда солиқ юки юқори даражада. Фақатгина Япония ва АҚШда солиқ юкини пастроқ даражасини кўришимиз мумкин. Бу давлатларда солиқ юкининг юқори бўлишининг асосий сабаби мамлакатдаги ЯИМнинг ҳажми билан бевосита боғлиқдир. Чунки, дунё ЯИМнинг асосий қисми шу мамлакатларда ишлаб чиқарилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, солиқ юки кўрсаткичлари давлатнинг солиқ, инвестиция ва ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқишда асосий омиллардан ҳисобланади. Жумладан:

- мамлакат иқтисодиётидаги солиқ юки давлат солиқ сиёсатининг натижаси бўлиб, ҳар қандай солиқ тизимининг сифат тавсифини ифодалайди. Шу билан бирга олинаётган солиқлар даражаси, бир томондан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига, бошқа томондан эса, давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи миқдори билан белгиланади. Шу сабабли солиқ юкининг оғирлигини камайтириш, биринчи навбатда, давлат харажатларини қисқартириш билан боғлиқдир;

- давлат ўзининг ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқишда солиқ юки кўрсаткичига асосланади ва бу унинг учун асосий манба бўлиб хизмат қилади;

- тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарда солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблашда аниқ бир ягона услубиёт йўқ. Уни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш учун бир неча усулларга асосланиш лозим.

2. Солиқ юки ва макроиқтисодий барқарорликнинг ўзаро муносабатлари

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш жараёнида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириб бориш, бир қатор анча мурқаб иқтисодий муаммоларни ҳал қилишни тақозо этмоқда. Булар ичида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инвестиция муҳитини яхшилаш алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Солиқ ислохотларини амалга оширишнинг асосий мақсади макроиқтисодий самарадорликка эришиш ҳисобланиб, давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда хизмат қиладиган бир қатор солиқ имтиёзлари, солиқ ставкалари ва солиққа тортиш базаларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Лекин, булар иқтисодий ривожланишга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Улардан фойдаланишда эҳтиёткорлик билан, яъни иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир этиш муаммоларини ҳал этиш билан ёндошмоқ лозим.

Солиқ юкининг ва солиқ сиёсатининг макроиқтисодий ҳолатга таъсири жуда катта бўлиб, мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг ўзгариши солиқ сиёсатининг самарасига бевосита боғлиқдир. Солиқ юкининг макроиқтисодий ҳолатга таъсири солиқларнинг ялпи талаб ва ялпи таклифга, инвестицион муҳитга, истеъмолга, иқтисодий барқарорликка таъсири каби масалалар билан баҳолаш мумкин.

Солиқлар ҳар бир давлат учун муҳим молиявий манба бўлиб, бюджетни шакллантиришда ва иқтисодий тартибга солишда муҳим вазифаларни бажаради. Дунёнинг барча мамлакатларида солиқлар давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Солиқ юки ва мамлакатнинг бюджет-солиқ сиёсати макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омилларидан саналади. Иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва инвестиция муҳитини яхшилашда мамлакатдаги солиқ юки ва солиқ сиёсати алоҳида ўрин тутди ва бу масалаларни такомиллаштириш лозимлиги бугунги кун иқтисодийнинг асосий талабидир.

Иқтисодий назария курсидан маълумки, барча макроиқтисодий жараёнлар микродаражадан, қуйидан бошланади. Яъни, корхоналарнинг молия-солиқ муносабатлари қанчалик такомиллашса, улардаги давлат билан бўладиган иқтисодий муаммолар ечилса, яъни солиқ юки камайтирилса, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади ва мамлакатдаги инвестиция муҳити яхшиланади. Чунки, корхоналарда солиқ юки қанча енгиллашса, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ривожланади, инвестицион жамғариши ошиб боради. Бунинг натижасида миллий ишлаб чиқариш ҳажми ортади, пул муомаласи яхшиланади, инфляция даражаси пасаяди ва бюджет даромадлари барқарорлиги таъминланади.


Солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши, яъни солиқ юкининг ўзгариши бевосита талаблар йиғиндисига таъсир қилади. Истеъмолнинг ҳам, инвестицияларнинг ҳам ҳажми солиқларнинг катта кичиклигига боғлиқ бўлади. Масалан, бюджетга солиқ тушуми камайиб, давлат харажатлари аввалгича қолган пайтда истеъмол ва инвестиция харажатларининг ўсиши рағбатлантирилади.

Солиқ тушумларининг даражаси нафақат ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида юзага келади, балки солиқ тизимидан самарали фойдаланишга ва унинг ўз вазифаларини қандай бажаришига ҳам боғлиқ бўлади. Бу функцияларнинг таъсири ҳақида мамлакат иқтисодийидаги солиқ юки

орқали мулоҳаза қилиш мумкин.

Давлат миқёсида солиқ тушумидан йиғилган маблағдан фойдаланиш ва маблағни давлат миқёсида қайта тақсимлаш, давлатни бошқаришга, такрор ишлаб ишлаб чиқаришга ресурс сифатида сарфлаш жараёни солиқларнинг макроиқтисодий ҳаракатини ифодалаб беради.

Бу макроиқтисодий ҳаракат ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида солиқдан тушган маблағларнинг ҳаракатини ифодалайди (5-расм).



5-расм. Солиқ тушумининг макроиқтисодий ҳаракати¹⁷

Юқоридаги расмадан кўриниб турибдики, солиқларнинг макроиқтисодий ҳаракати ишлаб чиқаришни, ишлаб чиқарилган маҳсулотни бозорда сотишни, оила хўжалигининг даромадларини ва пировард натижада давлат бюджетининг харажатларини қоплашда фаол иштирок этади. Солиқлар ушбу ҳаракат жараёнида уй хўжаликларини ижтимоий ҳимоялашда иштирок этади.

Давлатнинг бир қанча макроиқтисодий муаммоларини ҳал этишда, яъни, пул муомаласини яхшилашда, давлат бюджетини даромадлар билан

¹⁷ Тошмуродов Т. Солиқлар изоҳли луғат. «Мехнат», -Т.: 2003 й. 68 бет.

таъминлашда, давлат бюджети камомadini қоплашда ва инфляция даражасини ушлаб туришда катта амалий ёрдам беради. Агарда, давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда кичкина бир хатоликка йўл қўйса, ёки солиқ юкини озгина оширса, макроиктисодий мувозанат йўқолади. Иқтисодиёт изидан чиқади. Бунинг энг оддий кўринишларидан бири яширин иқтисодиётнинг юзага келишидир. Яширин иқтисодиёт ўз-ўзидан давлатга ҳам, фуқароларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун маълум даврдаги солиқ сиёсатини пухта ва аниқ ишлаб чиқиши лозим.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётидаги солиқ юки давлат солиқ сиёсатининг натижаси бўлиб, ҳар қандай солиқ тизимининг сифат тавсифини кўрсатади. Шу билан бирга олинаётган солиқлар даражаси, бир томондан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, бошқа томондан эса, давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи миқдори билан белгиланади. Шу сабабли солиқ юкининг оғирлигини камайтириш, биринчи навбатда, давлат харажатларини қисқартириш билан боғлиқдир.

Давлат ЯИМнинг бир қисмини мажбурий тўлов сифатида олиб қўйиши солиқларнинг иқтисодий моҳиятини ташкил этади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, солиқ юки ЯИМга нисбатан камайтириш бу давлатнинг иқтисодиётга аралашуви камайди деб тушуниш нотўғри. Бу бир томонлама қараш. Чунки, давлат миқёсида бир қанча солиқлар ҳисобланиб, ундирилмасдан қолиб кетади.

Яъни, боқимандалик суръати ҳам ўсган бўлиши мумкин. Бу кўрсаткични ҳисобга олмасдан солиқ юкини аниқлаш, мамлакат миллий солиқ тизими тўғрисида нотўғри хулоса чиқаришга олиб келади.

Солиқ юки 1991 йилда ЯИМга нисбатан 49,1 фоизни ташкил этган. 1992 йилда эса бу кўрсаткич 31,6 фоизгача тушган. 1993 йилда бу кўрсаткичда бироз ўсиш суръати кузатилган. 1998 йилдан бери солиқ юки мамлакат миқёсида пасайиш суръатига эга. Бу сиёсат натижасида мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш кузатилмоқда ва биз бунинг бевосита оқилона солиқ сиёсатининг натижаси дейишга ҳақлимиз.

2005 йилда ЯИМга нисбатан солиқ юки кўрсаткичи мамлакатимизда 22,6 фоизни ташкил этган бўлса, бу ривожланган давлатлар кўрсаткичларига яқин келади ва улардан паст даражада ҳам дейишимиз мумкин.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузасида 2015 йилда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифалари ҳақида тўхталиб, “Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профитсит билан бажарилди”¹⁸ деб таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизда бюджет-солиқ сиёсатининг оқилона қўлланиши туфайли 2014 йилда давлат бюджети профицти ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида якунланди.

ЯИМнинг ўсиши 2014 йилда 8,1 фоизни ташкил этди. Бу олдинги йилларга нисбатан энг юқори кўрсаткичдир.

Йиллик инфляция даражаси эса 6,1 фоиз бўлди. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга камайтирилди. Бу олдинги йилларга қараганда ижобий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Албатта, кейинги йиллардаги макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилган бу ижобий натижалар жамиятимиз иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини, авваламбор, амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини, янгича жараёнлар ва сифат ўзгаришларни ҳисобга олиб чуқур таҳлил этиб, керакли хулосалар чиқариб боришни тақозо этади.

¹⁸ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Халқ сўзи, 2015 й. 18 январ.

Дунёнинг ривожланган давлатларида ЯИМга нисбатан солиқ юки 30 фоиз атрофида тебранади. Яъни, ривожланган давлатлар ишлаб чиқарган маҳсулотини учдан бир қисмини солиқлар қайта тақсимлаб давлат бюджетига туширади. Бизнинг республикамызда солиқлар (давлат бюджетининг мақсадли жамғармаларисиз) ЯИМнинг бешдан бир қисмини қайта тақсимлаб давлат бюджетига туширмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1991 йилда ЯИМнинг иккидан бир қисмини ташкил этар эди.

Ўзбекистонда давлат бюджетини ЯИМни қайта тақсимлашдаги ролини характерловчи маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, солиқлар алоҳида турларининг ўзгариш суръати жуда нотекис бўлиб, охириги йилларда солиқлар ва солиқсиз тушумлар ўсиш тамойилига эга бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, 2000-2014 йилларда мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари солиқларининг ЯИМни қайта тақсимлашдаги улушининг ўсиши, бож тўловлари ва экспортга солиқлар улуши эса пасайиши кузатилади. Республикада солиқларнинг бошқа турларини улуши эса, пасайиш характерига эга. Масалан, даромад (фойда) солиғи 2000-2014 йилларда бюджетга тушуми ЯИМга нисбатан 11 фоизгача камайди. Албатта, бу солиқ тури бўйича солиқ юкининг пасайиши республикамызда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ижобий натижасидир. Ялпи ички маҳсулотни тақсимлашда солиқлар алоҳида турлари бўйича улушининг ўзгариши, биринчидан, республика бозор иқтисодиётига ўтиб бориш жараёнида давлат бюджетини орқали қайта тақсимлаш жараёнларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириб бориш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бу республика ЯИМни қайта тақсимлашда бюджетдан ташқари фондлар ролининг ортиб бораётганилигини характерлайди.

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш учун давлат бюджетини даромадлари ва харажатлари мувозанатда бўлишини таъминлаш лозим. Лекин, кўпчилик ҳолларда давлат бюджетини харажатлари даромадларидан ортиқчалиги кузатилади, бунинг оқибатида бюджет тақчиллиги юзага


келади. Бунинг сабаблари кўп бўлиб, улар ичида, давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ўрнининг узлуксиз ошиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши алоҳида ўрин тутди.

Келажакда республикада давлат бюджети тақчиллигининг кўзда тутилган даражасини ушлаб туриш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- солиқ имтиёзларини қисқартириш;
- харажатларнинг самарадорлик даражасини ошириш;
- бошқарув харажатларини имконият даражасида камайитириш.

Солиқ механизмидаги ўзгаришлар ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўзгаришига таъсир қилиши билан биргаликда, инвестициялар ўзгаришига ҳам таъсир қилади.

Барча давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришда ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида турли сармояларни жалб этади ва маҳсулотлар (товарлар, ишлар) ҳажми ўсишини таъминлайди. Бу ўз навбатида давлат бюджетига кўпроқ солиқ тушишини таъминлайди. Қуйидаги 6-расмда кўриниб турганидек, инвестиция ҳажми оширилмаса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам давлат бюджетига солиқ тушуми ҳам ошмайди.



6-расм. Инвестицияларнинг солиқ тушуми ўсишига таъсири¹⁹

¹⁹ Тошмуродов Т. Солиқлар изоҳли луғат. «Меҳнат», Т.: 2003 й. 68-бет.

Расмда кўрсатилганидек, умумий инвестицияларнинг ҳажми ортиши давлат бюджетига солиқ тушумини ўсишини таъминлайди. Чунки инвестиция ҳажми талабга нисбатан T_2 нуктага етказилмаса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, солиқ тушуми ҳам барқарор ўсмайди. Солиқ тушуми T_1 нуктадан бошлаб ўса бошлайди ва T_2 нуктагача муттаносиб равишда юксалишда давом этиб, кейин камайса ҳам солиқ тушуми кўпайиши ҳисобига ошиб боради.

Аслида солиқлар, солиқ юки ва инвестициялар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Солиқлар воситасида янгидан яратилган қийматнинг давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида тақсимланиши солиқ юки ва инвестициялар ўртасидаги алоқадорликни таъминлайди. Солиқ юкининг енгиллашиши кўп жихатдан солиқ тўловчиларни ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиради, уларда ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни кучайтиради. ўз навбатида солиқлар воситасида инвестицияларнинг рағбатлантирилиши келажакда давлат бюджетига тушадиган солиқ суммасини кўпайтиради. Биргина 2005 йилнинг 11 апрелидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»²⁰»ги Фармонида мувофиқ 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди.

Бундан ташқари тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилди:

²⁰ «Халқ сўзи», 2005 йил, 12 апрель, № 69 (3614).

- 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида — 3 йил муддатга;

- 3 млн АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида — 5 йил муддатга;

- 10 млн АҚШ долларида ортиқ бўлганда — 10 йил муддатга;

Бу ўз навбатида инвестицияларнинг жалб қилинишига ва уларнинг миқдорини оширишига ўзининг катта таъсирини кўрсатди.

Солиқлар орқали қўшилган қиймат кўпроқ миқдорда давлат томонидан ўзлаштирилса, яъни солиқ юки кўпайса, корхоналарнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятларини шунчалик чеклайди.

Бугунги кунда ҳукуратимиз томонидан иқтисодиётнинг айрим оқибатларига соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш сиёсати олиб борилмоқда. Инвестицияларни жалб қилишнинг энг оптимал усули бу имтиёзлар бериш усулидир. Давлат томонидан солиқ соҳасидаги берилган бир қанча имтиёзлар ана шу соҳаларда инвестициялар кўламини оширади. Бу келажакда давлат бюджетига Янги солиққа тўғнайдиган базани шакллантиради. ўз навбатида ишсизлик камаяди, аҳолининг пул даромадлари ортади, ишлаб чиқариш суръатлари ўсади ва шунга ўхшаган бир қанча макроиқтисодий муаммолар ечилади. Ана шунинг учун ҳам шундай соҳаларга инвестицияларнинг киритилиши қайсидир маънода солиқлар, солиқ юки, инвестициялар ва макроиқтисодий барқарорлик ўртасидаги алоқадорликнинг бир кўриниши сифатида изоҳлаш мумкин.

Республикада оқилана бюджет-солиқ сиёсати орқали макроиқтисодий барқарорликка эришиш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ўйлаймиз:

– фискал сиёсатни амалга ошириш мақсадида солиқ тизимини шакллантириш, солиқ ставкасини оптимал чегарасини аниқлаш ва табақалаштириш;

– солиқ имтиёзларини белгилаш иқтисодий фаолликни рағбатлантириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ўстириш.

3. Ўзбекистонда корхоналарни солиққа тортишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари

Иқтисодиётнинг давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиниши давлат бюджетини шакллантириш, солиқ солиш воситасида давлатдаги у ёки бу жараёнларни ривожланишига таъсир кўрсатиш усули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган солиқ тизими кўп томонлама миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириши билан бирга, жаҳоннинг солиқ солиш тамойилларига мос келади.

Ҳозирги кунда солиқ сиёсатидаги муҳим муаммолардан бири бу солиқ муносабатларини тартибга солувчи солиқ қонунчилиги ва унинг меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш ҳисобланади. Бугунги кунда солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги, ундаги ҳаддан зиёд йўриқномалар, фармойишлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бу тизимнинг самарали ишлашига салбий таъсир кўрсатаёпти. Шундан келиб чиққан ҳолда солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ва шу соҳага доир ягона ҳужжатни таёрлаш ва амалиётга киритиш бугунги куннинг талабидир.

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари давлат мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб яратила бошланган. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги қонунида Ўзбекистон Республикаси бундан буён ўзининг мустақил солиқ сиёсатини олиб боради, - деб кўрсатилган²¹. қолаверса, давлат солиқ сиёсатининг асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам баён этилган.

1991 йилда бир қатор солиқ соҳасида қонунлар қабул қилинган эди. Булар ичида энг асосийлардан ҳисобланган 1991 йил 15 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги қонуни ҳисобланиб, унга кўра мулкчилик шакли, хўжалик юритиш услубидан қатъи назар барча

²¹ Яхёев +. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: 2003 й. 27 бет.


корхоналар умумий тарзда солиққа тортиладиган бўлди. Шундан кейинги даврларда давлат мулкани хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг авж олиши, мулкчилик соҳасидаги давлат монополиясига барҳам берилиши билан турли шаклдаги мулкчиликка асосланган корхоналар кескин кўпайгани натижасида солиқ муносабатлари соҳасида ҳам тўб ўзгаришлар амалга оширилди. Солиққа тортиш соҳасида мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотлар бир хил шароитга эга бўлдилар, уларнинг солиққа оид ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тенг бўлди. Бундан ташқари 1993 йил 7 майда эса, «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида» ги қонун қабул қилинди.

Солиқларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берувчи ҳужжат бу 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ҳисобланади. Бу Кодекс мамлакат миқёсида корхоналар ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўйича меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

1997 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Бу қонунда солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ундиришни ташкил қилишдаги солиқ идораларининг ҳуқуқ, вазифа ва мажбуриятлари белгилаб берилди.

Давлат солиқ идоралари ва солиқ тўловчилар (корхоналар ва жисмоний шахслар) ўртасидаги муносабатлар, давлат бюджетининг мажбурий тўловларини солиқ соҳасидаги ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси бўйича солиққа тортишга оид қонунларни қабул қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади (7-расм).

Унга кўра солиқ тўғрисидаги қонунларнинг дастлаб, лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бу вазифани бизнинг республикамизда Олий Мажлис қонунчилик палатасининг «Бюджет ва иқтисодий ислохотлар» қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси амалга ошириши мумкин. қонун лойиҳаси тайёрлангандан сўнг Олий Мажлис қонунчилик Палатаси депутатлари муҳокамасига тақдим этилади. Шундан сўнг қонун лойиҳаси



7-расм. Солиқ тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши тартиби²²

муҳокамадан ўтгандан кейин қонун белгиланган тартибда ва муддатда кучга киритилади.

Ҳар бир янги солиқ, тўлов, бож ва йиғимлар махсус тартибда юқори ташкилот томонидан тасдиқланади ва жорий қилинади.

Шу ўринда биз солиқ қонунчилигини ишлаб чиқишда Германия тажрибасини эътиборга лойиқ деб ўйлаймиз. Германияда ҳар солиқ соҳасидаги қонунларни жорий этишдан аввал, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда солиқ соҳасидаги 5 та олим-мутахассисларга 5-6 ой муддат берилади.

Изланувчи олимларга ишнинг натижасидан қатъи назар, муаллифлик ҳақи олдиндан тўлаб қўйилади. Тайёрланган солиқ қонунлари лойиҳалари кўриб чиқилиб, ягона лойиҳани танлаш учун беш кишидан иборат экспертлар гуруҳи ишлаб, энг маъқул лойиҳани танлаб, парламентга ўтказилади ва у томонидан тасдиқланади. Хулоса қилиб айтсак, лойиҳанинг илмий асосланганлиги ва тўғрилигига жавобгар шахс бор, керак бўлса,

²² Тошмуродов Т. Солиқлар изоҳли луғат. «Мехнат», -Т.: 2003 й. 139 б.

лойиха муаллифи ҳамма жойда шу солиқ бўйича маслаҳатлар беради ҳамда тушунтиришлар олиб боради. Мамлакатимизда ҳам Германия солиқ қонунчилигининг ушбу тажрибаси жорий этилса, бугунги кунда солиқ тўловчилар ўртасида катта муаммога айланиб бораётган солиқ тизимининг нобарқарорлиги анча такомиллашар эди. Молия йилининг бошида Давлат бюджетнинг параметрлари қабул қилинганда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган солиққа тортиш ставкалари ва ҳаттоки солиқ услублари ҳам йилнинг ўртасига келиб ўзгариб қолаётганлиги солиқ тўловчиларга жиддий муаммолар келтириб чиқармоқда. Бу ўзгаришлар уларнинг молия-хўжалик фаолиятларига салбий таъсир этяпти.

Бизнингча солиқ тўғрисидаги меърий ҳужжатларни аниқ ва пухта ишлаб чиқиш лозим. Бу самарали солиқ сиёсатини ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатда солиқ тўловчиларнинг ҳам солиқ сиёсати тўғрисида ижобий хулоса чиқаришга ундайди.

Бугунги кунда корхоналарни солиққа тортишнинг ҳуқуқий асослари ҳукуматимиз томонидан мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 11-моддасида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари баён этилган. Бунга қуйидагилар киради:

- солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш;
- қонунларда белгилаб қўйилган тартибда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;
- ўзи томонидан ортиқча тўлаб юборилган солиқ ва йиғимлар суммасини қайтаришлари учун сўралган ёзма ариза билан мурожат қилиш;
- солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятлари (қарзлари) ҳақидаги солиқ идорлари ихтиёрида бўлган маълумотлар билан танишиш;
- солиқ идоралари томонидан ўз фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш материаллари билан танишиб чиқиш, далолатнома нусхаларини

олиш, текширув натижаларидан норози бўлганида эса ўн кунлик муддат ичида ўз норозилиklarини солиқ идораларига билдириш;

- солиқ идораси қарорлари ва уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ идорасига ёки судга шикоят қилиш;

- солиқ объектларини ҳисобга олиш, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни солиқ идоралари томонидан аниқлангунга қадар мустақил равишда аниқлаш ва тузатиш ҳуқуқларига эгадирлар. Солиқ қонунчилигида бундан ташқари бошқа ҳуқуқлар ҳам берилиши мумкин.

Солиқ тўловчиларга қонунчиликда кўрсатилган бир қанча ҳуқуқлар биргаликда бир қатор мажбуриятларга ҳам эга бўладилар. Унга қуйидагилар киради:

- белгиланган тартибда ва муддатда солиқ идорларида рўйхатдан ўтиш, юридик манзили ўзгарганда эса бу ҳақда 10 кун ичида солиқ идорасига хабар бериш;

- солиқлар ва йиғимларни тўла ҳамда ўз вақтида бюджетга тўлаш;

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш;

- молиявий ҳисоботларни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонунларга белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ идораларига тақдим этиш;

- солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни, маълумотларни, шунингдек, солиқ ва йиғимлар юзасидан имтиёзга эгалик тўғрисидаги ҳужжатларни солиқ идорасига ўз вақтида тақдим этиш;

- солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ идораларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришга рухсат бериш;

– солиқ ҳақидаги қонун талаблари бузилишига барҳам бериш тўғрисида солиқ идораси берган фармойишларни, солиқ идораси мансабдор шахси талабларини дарҳол бажариши лозим. қонун ҳужжатларида солиқ тўловчиларга бошқа мажбуриятлар белгиланиши мумкин.

Солиқ тўловчилар корхоналар ва жисмоний шахслар Солиқ Кодексида белгилаб берилган Ушбу мажбуриятларини тўла даражада бажаришлари лозим. Акс ҳолда уларга нисбатан қаттиқ молиявий жазолар қўлланилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ соҳасидаги муносабатларни қонун асосида қуйидаги тизим амалга оширади (8-расм).

Қуйидаги 8-расмда солиқ қонунчилигининг айрим манбалари ифодалаб берилган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасининг Солиқ қонунчилигининг асосини республикамиз Конституцияси ташкил этади. Солиқ Кодекси, Давлат Солиқ хизмати тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси ҳужжатлари, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тайёрланадиган йўриқномалар, фармойишлар ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг айрим тўловларга оид қарор ва фармойишлари шунинг негизида амал қилади.

Бу ҳужжатлар мамлакатимизда солиқ қонунчилигининг асосларини ташкил этади.

Ушбу ҳужжатларда солиққа тортишнинг ҳуқуқий жиҳатлари, солиқ тўловчилар ва солиқни ундирувчи муассасаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби, маҳаллий ва умумдавлат солиқлари ўртасидаги фарқлар келишиб олинган, солиқларни яширганлик ва тўламаганлиги учун қўлланиладиган жазо чоралари кўрсатилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жисмоний ва юридик шахслардан ундирилган асосий солиқлар тафсифлаб берилган.



8-расм. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқий-меъёрий тизим манбалари²³

Ҳозирги кунгача мамлакатимизда бўлган солиқ қонунчилигини шаклланишини тўрт босқичга бўлиб таҳлил этишимиз мумкин.

Солиқ қонунчилигининг дастлабки босқичи, яъни биринчи босқич 1991-1994 йилларни ўз ичига олиб, бунда Республика солиқ органлари ишлаб чиқаришнинг пасайиши шароитида солиққа тортиладиган базани камайтириб бориб, асосий эътиборни давлат бюджетини маблағ билан тўлдириш, яъни солиқларнинг фискал функциясини тўла даражада ишлатишга ҳаракат қилишди. Бу босқичда солиқлар сонининг кўплиги ва солиқ ставкаларининг юқорилиги, шунингдек, корхона ва ташкилотлар даромадининг 45 фоизи

²³ Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. Монография, Академия, Т.: 2005 й.

бюджетга олиниши билан характерланади. Бундан ташқари, солиқ қонунларимиз корхона ва ташкилотларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини жиҳозланишини чеклаб қўйган, солиқ қонунчилигидаги имтиёзлар ҳам бу муносабатга ўз таъсирини кўрсатмаганлиги яққол намоён бўлади.

Мамлакатимизда Солиқ қонунчилиги шаклланишининг иккинчи босқичи 1995-1996 йилларни ўз ичига олади. Иккинчи босқичда объектив зарур бўлган вазифаларни ҳал этиш амалга оширилди ва буларни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин:

- солиқлар тўғрисидаги кўпчилик қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларга ўзгартишлар киритилиб, солиқларнинг кўпчилиги қисқартилди;
- ер ости бойликлари солиғи фондларни минерал хом ашё базасини кенгайтириш учун мажбурий тўлов билан бирлаштирилди;
- транспорт солиғи билан мулк солиғи бирлаштирилди;
- қимматли қоғозлар билан операция учун солиқ бекор қилинди;
- кичик корхоналар учун ялпи даромаддан 25 фоизли ягона солиқ ўрнатилди;
- ресурс ва хом ашё учун 6 фоизли тўлов бекор қилинди;
- 20 фоизли амортизация ажратмасидан бюджетга тўлов бекор қилинди;
- ўрмончилик даромадидан солиқ бекор қилинди;
- фуқаролардан олинадиган даромад солиғи шкаласи ўзгартирилди ва прогрессив шкала ўрнатилди;
- даромад солиғидан солиқ юки сиғимини ресурслар ва мулк солиғига ўтказилди;
- сув учун тўловни олдинги солиқ қонунчилигимизга асосан фақатгина саноат корхонлари ва электростанциялар тўлаган бўлса, эндиликда барча халқ хўжалиги тармоқлари тўлаши лозим қилиб қўйилди;
- солиққа тортиладиган база аниқланди ва солиқ ставкалари такомиллаштирилди, яъни «Солиққа тортиладиган базани аниқлашда,

махсулот таннархига киритиладиган харажатлар тўғрисида»ги Низом кучга кирди;

- халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида даромад солиғи ўрнига фойдадан солиқ олишга ўтилди;

- қўшилган қийматдан олинадиган солиқнинг роли ва тартиби ўзгартирилди. Бунда 18 фоизли ставкадан 20 фоизли солиқ ставкасига ўтилди.

Халқ хўжалигининг баъзи тармоқларини ривожлантириш учун солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясидан фойдаланилди, яъни, кишлоқ хўжалик учун халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун, болалар кийим-кечаги ишлаб чиқариш учун, қўшма корхоналар, чет эл инвесторлари учун солиқ қонунчилигида ва сиёсатимизда қулай шароитлар яратилди. Мамлакатимиз солиқ сиёсати ва қонунчилигида ўтказилган чуқур ислохотларнинг барчаси давлатимиз иқтисодиётини таназулдан олиб чиқди ва халқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қилди.

Мамлакатимиз солиқ қонунчилиги шаклланишининг учинчи босқичи 1996-1997 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда солиқ кодексининг лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси қабул қилинди.

Солиқ қонунчилигининг тўртинчи босқичи 1998 йилнинг 1 январидан бошланиб, ҳозирда ҳам Солиқ кодексига асосан йўриқномалар ишлаб чиқилиши сақланиб қолинмоқда.


Солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун солиқ тўловчилар (корхоналар, уларнинг мансабдор шахслари, фуқаролар), ҳам давлат солиқ органлари (уларнинг мансабдор шахслари) ҳам юридик жавобгар бўлишлари мумкин. Бу ҳол Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ органлари тўғрисидаги Низомда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомда, республиканинг айрим солиқ турлари тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган.

Солиқ тўғрисидаги қонунлар бузилиши муносабати билан интизомий, моддий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш чоғида тегишлича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жазо чоралари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 13-бобида (164-179-моддалар) солиқ ва тадбиркорликка оид қонунларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 184-моддасида ва бошқа баъзи моддаларида солиқ ҳамда тадбиркорлик соҳаларида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик чоралари кўзда тутилган (9-расм).

Солиқ тўламаганлик учун жазо чоралари мавжуд бўлиб, солиқ тўлашдан бош тортган шахсларга қўлланилади. Демак, солиқ тўлаш қонунларини бузганлик учун қўриладиган жазолар молиявий, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик турларига бўлинади.



9-расм. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланиладиган жавобгарлик турлари²⁴

²⁴ Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. «Молия», -Т.: 2000 й. 57-бет.

Бугунги кунда солиқ интизоми, солиқ тўланганлиги тўғрилигини текшириш яқунлари бўйича тегишли ҳужжатлар нашрида молиявий чораларни қўллаш ҳам назарда тутилган. Солиқ идораларига тўлов муддатини кечиктириб тўлаган шахслар эса солиқ миқдоридан ташқари, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз миқдорида пеня тўлайдилар.

Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг солиқлар, носолиқ тўловлар бўйича бюджет олдидаги қарзлари юзасидан уларнинг мол-мулкларидан ҳақ ундириш тартиби тўғрисида»ги Низомда назарда тутилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, солиқ муносабатларида қонун ва қоидаларни ҳурмат қилиш ва унга амал қилиш ҳар бир субъектнинг ҳам маъмурий, ҳам молиявий жарималардан ҳоли қилади ва улар фаолиятини янада ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

I боб бўйича хулоса

Биринчи боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак, солиқ тизими муаммолари ичида солиқ юки муаммоси марказий ўринни эгаллайди. У ўзида маълум давлатнинг солиқ сиёсати ва тизимининг пировард баҳосини акс эттиради, мамлакат солиқ ислоҳотининг натижавий кўрсаткичи бўлиб, иқтисодиётда муҳим ўрин тутди.

Солиқ юки кўрсаткичининг роли ва аҳамиятини қуйидагича асослашимиз мумкин:

Биринчидан, солиқ юкини ҳисоблаш ва аниқлаш ҳар бир давлатнинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиши учун керак. Эски солиқларни бекор қилиб, янги солиқларни жорий этиш, солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзларини белгилаш орқали давлат иқтисодиётга босим ўтказишга йўл қўймайди. Макроиқтисодий нуқтаи-назардан давлат солиқ юки орқали бюджетнинг

даромад қисмини, солиққа тортиш базасини ва иқтисодиётга солиқларнинг таъсирини белгилашда фойдаланилади.

Иккинчидан, солиқ юки кўрсаткичи давлатнинг бошқа турли давлатлар солиқ юки ва солиқлари кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлил қилиш учун керак. Мамлакат ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш, инвестицияни тақсимлаш ҳамда капитал ҳаракатини йўлга қўйиш учун зарур. Шунингдек, мамлакат ичкарисида ва ҳудудлар бўйича ҳам қиёсий таҳлил олиб бориш учун бу маълумотлардан фойдаланилади.

Албатта, ҳар бир мамлакат ўзининг турли миллий хусусиятлари ва ишлаб чиқаришидан келиб чиқиб, солиқ юкини белгилайди. ҳар бир мамлакатда турли хусусиятларга эга ўн минглаб фаолият юритаётган корхоналар бор. Уларнинг ҳар бири солиқ тўлашда турлича имкониятларга эга. Шу сабабли давлатлар миқёсида солиқ юкини қиёсий таҳлил қилишда ва макродаражада солиқ юкини ҳисоблашда солиқлар ва тўловларнинг ЯИМга нисбатини олиш орқали ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

II БОБ. АКТ СОҲАСИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

1. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида солиқ юки ва унинг таҳлили

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси иқтисодий ўсишни таъминлашдир. Иқтисодий назариядан маълумки, иқтисодий ўсишга бир қанча объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи асосий омиллардан бири мамлакатнинг солиқ ва солиққа тортиш сиёсати бўлиб, бу иқтисодий ривожланишга тўғридан-тўғри таъсир этади. Бу ҳолат жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатлари тажрибасидан яхши маълум.

Ҳар бир мамлакатнинг солиқ ва солиққа тортиш сиёсатининг самарадорлигини ифодалайдиган кўрсаткич мамлакатда амал қилиб турган солиқ юки кўрсаткичи ҳисобланади. Чунки, солиқ юкининг қанча юқори бўлиши иқтисодий ривожланишни шунча пасайтиради ва унинг қанчалик меъёр даражасида бўлиши иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги солиққа тортиш сиёсатини стратегик мақсади солиқ юкини камайтириш ва бу орқали иқтисодий ўсишни таъминлашдир. Хўш, мамлакатда олиб борилаётган бу борадаги ислохотлар қандай натижа бермоқда? ҳақиқатда мамлакатимизда солиқ юки камаяптими ёки ошаяптими? Бу борадаги саволларга жавоб топиш учун амалдаги солиққа тортиш тизимини таҳлил қилиш лозим. Шу нуқтаи назардан бу масала долзарб ҳисобланади ва мамлакатимиздаги солиққа тортиш тизимини бугунги аҳволини таҳлилини кўриб чиқишини тақозо этмоқда.

Солиққа тортиш тизимини самарадорлик кўрсаткичи солиқ юки ҳисобланар экан, уни таҳлил қилишда қуйидагича ёндошиш керак:

- макроиқтисодий даражада;
- мезоиқтисодий даражада;
- микроиқтисодий даражада.

Бу йўналишларда олиб борилган таҳлиллар натижаси мамлакатдаги солиқ юки умумий иқтисодиёт бўйича, тармоқлар даражасида ва хўжалик юритувчи субъектлар даражасида солиқ юкини ўрганиш имконини беради.

Бундан ташқари мамлакатдаги солиқ юкини ўрганишда ва таҳлил қилишда фақатгина умумий кўрсаткичларга таянмасдан, таҳлилни чуқурроқ амалга ошириш учун солиқ юкини қуйидаги йўналишларда ҳам олиб бориш мумкин:

- иқтисодиётдаги умумий солиқ юки;
- тармоқлар бўйича солиқ юки;
- ҳудудлар бўйича солиқ юки;
- алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ юки;
- алоҳида корхоналар учун солиқ юки;
- солиқ тўловчилар ўртасидаги солиқ юки.

Бу йўналишлардаги солиқ юкини ўрганиш мамлакат иқтисодиётидаги солиқ юкини қай даражада тақсимланганини ва унинг асосий юки кимларга бориб тушаётганини ва иқтисодий ривожланишга солиқ юкини салбий таъсир қилаётган томонларини кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётдаги умумий солиқ юки давлат бюджетига келиб тушган барча солиқ ва тўловларнинг умумий ҳажмини ЯИМга нисбати орқали ўлчанади. Бу усул деярли дунёнинг барча мамлакатларида бир хил қўлланади. Бу ЯИМнинг қанча қисмини солиқлар қайта тақсимлаб давлат бюджетига туширишини ифодлайди. Кўпчилик иқтисодчилар томонидан бу ҳолдаги солиқ юкининг меъёрий даражаси 30 фоизгача деб эътироф этилади. Яъни, агарда мамлакатдаги умумий солиқ юки 30 фоизгача бўлганда иқтисодиёт яхши ривожланади, солиқлар иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатмайди деган фикрлар юради. Аммо, дунёда бирор бир мамлакат йўқки солиқ юкини меъёрий даражасини аниқлаган ёки солиқ юки мана бу даражада турса, иқтисодий ривожланиш юқори бўлади, деган амалий фикрлар йўқ. Кўпгина давлатларда бу кўрсаткични таҳлил қилиб бунга амин бўласиз (2-жадвал).

**Дунёнинг айрим мамлакатларида солиқ юки даражаси
(ЯИМга нисбатан % да)²⁵**

№	Мамлакатлар	Солиқ юки даражаси
1	Дания	60
2	Швеция	58,4
3	Норвегия	55,3
4	Финляндия	53,1
5	Бельгия	51,5
6	Голландия	51,4
7	Австрия	47,5
8	Португалия	45,7

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, юқоридаги давлатларда солиқ юкининг даражаси энг ками 45,7 фоизни ташкил этади. Бу солиқ юкининг назарий жиҳатдан талқин қилинган меъёрий даражаси 30 фоиздан анча юқори. Аммо бу мамлакатларда аҳолининг турмуш даражаси жуда юқори ва энг асосийси солиқларни ундириш ва унинг ишлаш механизми солиқ юки анча паст бўлган мамлакатларникидан жуда яхши ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш ҳам юқори даражада таъминланади.

Бизнинг мамлакатимизда 20 фоизлик солиқ юки²⁶ амал қилиб турган бир пайтда юқоридаги кўрсаткичлар бундан анча фарқ қилади. Бу ерда бир нарсани ҳисобга олиш лозимки, истаган давлатнинг солиқ юки кўрсаткичи билан бошқа бир давлат солиқ юки кўрсаткичини солиштириш мумкин эмас деб ўйлаймиз. Чунки, ҳар бир давлатнинг географик жойлашган жойи, унинг аҳолисини таркиби, давлат бюджетининг тузилиши, манбалари, таркиби, давлатнинг бошқариш тузилмалари таркиби ва унинг харажатлари тузилиши солиқ юки кўрсаткичига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, Яқин Шарқ мамлакатларида солиқ юки даражаси бир мунча паст. Чунки, уларнинг

²⁵ Маликов Т. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми?. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 4-бет.

²⁶ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Халқ сўзи, 2015 й. 18 январ.

давлат бюджети даромадлари таркибида табиий бойликларни сотишдан катта даромад келиб тушади. Бу ўз-ўзидан уларда солиқ юкини пасайтириш имкониятини туғдиради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ислохотлари натижасида солиқ юки охирги йилларда бир неча пунктга камайтирилди.

Мамлакатдаги солиқ юкини ва унинг камайиш тенденциясини янада чуқурроқ таҳлил қилиш учун алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ юкини ўрганиш лозим. Бу солиқ юкининг камайиши асосан қайси солиқ турларида юз бераётганини кўрсатади.

Эгри солиқлар бўйича солиқ юкини таҳлил қиладиган бўлсак, асосий солиқлардан ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқларида ҳам солиқ юки пасайиши кузатилган. Бу пасайиш асосан уларни ундириш механизмини такомиллаштиришда ва ЯИМ ҳажмининг юқори суръатларда ортиши билан изоҳлаш мумкин.

Солиқ юкини таҳлил қилишда бундан ташқари унинг ҳудудлар бўйича тақсимотини ҳам ўрганиш лозим. Бу албатта, ҳудудларни ривожлатиришда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда, аҳолини жойлаштиришда ва инвестицияларни йўналтиришда қўл келади. Мамлакатимиз давлат бюджети ва маҳаллий бюджети даромадлари таркибини таҳлил қилганимизда кўпгина регионлар давлат бюджети ҳисобидан дотация олиб ўз харажатларини молиялаштирар экан.

Шундан келиб чиқиб, вилоятлар бўйича солиқ юки тақсимотини таҳлил қилиб унинг жойлашишини ўрганишни лозим топдик (3-жадвал).

Қуйидаги 3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республикаимиз ҳудудлари бўйича солиқ юки тақсимоти нотекис тақсимланган.

Мамлакат бўйича асосий солиқ юки 3-4 вилоятга бориб тушмоқда. Бошқа вилоятларда эса солиқ юкининг жуда паст даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Асосий солиқ юки Тошкент шаҳрига бориб тушмоқда.

Ўзбекистон Республикасида вилоятлар бўйича солиқ юки тақсимоти²⁷

№	Вилоятлар	2013 йил	2014 йил	Ўтган йилга нисбатан ўзгариш, пункт
1	Қорақалпоғистон Республикаси	10,3	13,2	+2,9
2	Андижон вилояти	8,1	8,6	+0,5
3	Бухоро вилояти	18,2	21,4	+3,2
4	Жиззах вилояти	5,8	7,2	+1,4
5	Қашқадарё вилояти	12,3	17,2	+4,9
6	Навоий вилояти	16,3	42,9	+26,6
7	Наманган вилояти	10,5	12,6	+2,1
8	Самарқанд вилояти	9,6	10,7	+1,1
9	Сурхондарё вилояти	9,6	10,4	+0,8
10	Сирдарё вилояти	15,4	16,7	+1,3
11	Тошкент вилояти	18,9	26,3	+7,4
12	Фарғона вилояти	16,7	18,6	+1,9
13	Хоразм вилояти	10,3	11,9	+1,6
14	Тошкент шаҳри	27,3	29,0	+1,7

Яъни, 2013 йилда бу регионда солиқ юки 27,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 29 фоизни ташкил этган ёки 1,7 фоизли пунктга кўпайган. Бундан ташқари солиқ юки энг юқори бўлган регионлар қаторига Бухоро, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятлари киради. Бу вилоятларда солиқ юкининг юқори бўлишининг асосий сабаби бу регионларда юқори солиқ тушумлари мавжуд. Чунки, юқоридаги вилоятларда кўпгина ишлаб чиқариш кучлари жойлашган, заводлар, фабрикалар ва ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Бундан ташқари бу ҳудудларда давлат стратегик аҳамиятига эга бўлган нефтни қайта ишлаш заводи, металлургия ва бошқа шунга ўхшаган кўпгина ишлаб чиқариш бирлашмалари мавжуд. Бу вилоятлар давлат бюджетидан дотация олмасдан маҳаллий бюджетини ўзи молиялаштиради.

²⁷ www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2014 йилда вилоятлар бўйича солиқ юкининг тақсимланишида Навоий вилоятида кескин ўзгариш кузатилган. Чунки, 2013 йилда бу вилоятда солиқ юки 16,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 42,9 фоизга тенг бўлди. Бу солиқ юкининг назарий жиҳатдан эътироф этилган 30 фоизлик меъёридан анча юқори ҳисобланади. 2014 йилда солиқ юкининг энг паст даражаси Андижон вилоятида юзага келган. Чунки бу регионда бу кўрсаткич 8,6 фоизни ташкил этган.

Мамлакатимизда ҳудудлар бўйича солиқ юкини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида солиқ юкининг тақсимланишига қараб қуйидагича гуруҳлашни амалга ошириш мумкин. Биз солиқ юкининг даражасини учта гуруҳга бўлишни лозим топдик. Яъни, паст, ўртача ва юқори даражалар (4-жадвал).

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида солиқ юкининг тақсимланишини
ҳудудлар бўйича гуруҳлаш²⁸**

Солиқ юкининг даражаси	№	Вилоятлар
Паст (10 фоизгача)	1	Андижон
	2	Жиззах
	3	Самарқанд
	4	Сухондарё
Ўртача (10-15 фоизгача)	1	Қорақалпоғистон Республикаси
	2	Қашқадарё
	3	Наманган
	4	Хоразм
Юқори (15 фоиздан юқори)	1	Бухоро
	2	Навоий
	3	Сирдарё
	4	Фарғона
	5	Тошкент
	6	Тошкент шаҳри

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, солиқ юкининг энг паст даражаси Андижон, Жиззах, Самарқанд ва Сухондарё вилоятларида. Солиқ

²⁸ Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. Монография, Академия, Т.: 2005 й.

юкининг ўртача даражаси Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилоятларида кузатилган. Солиқ юкининг энг юқори даражаси эса Бухоро, Навоий, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида эканлиги аниқланди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган солиқ ислохотлари юқорида таъкилаганимиздек солиқ юкини анча пасайишига олиб келди. Бунинг натижасида охириги йилларда иқтисодий барқарорлик таъминланди. Ўзбекистонда амал қилаётган солиқ юки кўрсаткичи билан бошқа мамлакатлар солиқ юки кўрсаткичларини солиштирганимизда биздаги кўрсаткичлар ўртачани ташкил этади. Бугун мамлакатимизда солиқ юки 20 фоизни ташкил этаётган бир вақтда дунёнинг кўпгина давлатларида бу кўрсаткич юқоридир. Масалан, Германияда 39,0 фоиз, Буюк Британияда 36,5 фоиз, Швецияда 40,0 фоиз, Францияда 46,0 фоиз, Бельгияда 43,9 фоиз, Нидерландияда 46,0 фоиз ва Японияда 36,1 фоизни ташкил этади. Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда бу кўрсаткичлар биров пастроқ даражада. Масалан, Қозоғистонда 23,0 фоиз, Украинада 27,0 фоиз Россияда 30,7 фоиз ва Беларусияда 33,9 фоизни ташкил этади. Аммо шуни айтиш жоизки, Қозоғистон ва Украинада иқтисодий ўсиш суръатлари анча юқори. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг миқдори ҳам бошқа МДҲ мамлакатларидан анча юқори ҳисобланади. Демак, солиқ юки қанча паст бўлса, иқтисодий ўсиш суръатлари шунча юқори бўлади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, солиқ юкини имконият даражасида пасайтириш иқтисодий ўсишни таъминлашга ёрдам беради. Мамлакат ҳудудлари бўйича солиқ юки жуда нотекис тақсимланган. Солиқ юкининг асосий қисми 4-5 та вилоятга бориб тушар. Солиқ юкини имконият даражасида ҳудудлар бўйича тенглаштириш лозим. Бу келажакда аҳоли турмуш даражасини тенглашишига ва ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштиришга олиб келади.

2. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарида солиқ юкининг қиёсий таҳлили

Бугунги кунда миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий вазибаларидан бири ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва шунинг негизида хусусий секторнинг улушини оширишдир. Бу масалани ечишда асосий эътиборни иқтисодиётга давлатнинг аралашувини камайтиришга, яъни солиқ юкини камайтиришга қаратиш лозим. Солиқ юкини камайтириш учун эса, аввало, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва корхоналарида солиқ юкининг қай даражада эканлигини аниқлаш талаб қилинади.

Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларнинг инвестицион салоҳиятларини ошириш, албатта, солиқ сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқларнинг корхоналар фаолиятига таъсир этишнинг қулай иқтисодий воситаси бу солиқ юки ҳисобланади.

Солиққа доир муаммолар ичида солиқ юки муаммоси марказий ўринни эгаллайди. Чунки у корхоналарнинг молиявий ҳолатига бевосита таъсир этади. Уларнинг фойда олиш жараёни айнан солиқ юкига бориб тақалади.

Иқтисодиёт тармоқларида солиқ юкининг ҳисоблашнинг моҳияти бу тармоқлар тенденциясини ўрганиш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, ҳалқ хўжалигининг орқада қолаётган соҳаларини иқтисодий юксалтиришга шароит яратиш билан боғлиқ. Чунки иқтисодиётнинг айрим тармоқларида солиқ юкининг оғир ёки енгил бўлиши уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқ корхоналарида турли солиқ ставкалари амал қилади. Солиқларни ундириш механизмлари ҳам турличадир. Шунинг эътирофи этиш керакки, барча тармоқларда солиқ ставкаларини ёки ундириш механизмларини, солиқ имтиёзларини ва пировардда солиқ юкини тенглаштиришнинг иложи йўқ. Агарда шундай ҳолатни жорий керак бўлганда ҳам бу ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатади.

Биз иқтисодиёт тармоқларида солиққа тортишни ва улардаги солиқ юкини қиёсий баҳолашда уларни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиб олдик:

- саноат;
- қишлоқ хўжалиги;
- транспорт;
- қурилиш;
- савдо ва умумий овқатланиш.

Чунки юқоридагилар халқ хўжалигининг асосий тармоқлари ҳисобланади ва улар ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисмини ташкил этади.

Иқтисодиётнинг турли тармоқ корхоналарида солиқ юкини аниқлашда асосий эътиборни солиқ юкини ҳисоблашнинг услубиётига қаратиш лозим. Чунки, айрим тармоқларда солиқ юки бошқа бир формула асосида ҳисобланиб, бошқа бир тармоқда яна бир бошқа формула асосида ҳисоблаш солиқ юки кўрсаткичини ҳам миқдорий томондан, ҳам сифат жиҳатидан бузиб кўрсатади. Бу ўз-ўзидан юритилаётган солиқ тизими тўғрисида салбий хулосалар билдиришга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам солиқ юкини ягона ҳисоблаш методологияси асосида аниқлаш лозим.

Илмий адабиётларда корхоналар учун солиқ юкини ҳисоблашнинг бир неча хил услублари келтирилган. Шу мақсадда солиқ юкини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган айрим услубларни кўриб чиқиб, корхоналар зиммасидаги солиқ юкини аниқлаш бўйича ягона методология йўқлигини гувоҳи бўлдик.

Мамлакатимизда корхоналар зиммасидаги солиқ юкини аниқлаш аynи пайтда расмий қабул қилинган усул ёрдамида ҳисобланади. Бу Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан чиқарилган йўриқнома ҳисобланади. Унга кўра солиқ юки барча солиқлар ва ажратмаларнинг маҳсулот сотишдан тушган тушумдаги салмоғи сифатида аниқланади.

Биз юқорида айтиб ўтган усул, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси тавсия этган солиқ юкини ҳисоблаш формуласи асосида Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқларнинг корхоналарнинг молиявий хўжалик

фаолиятига таъсири бўйича олиб борилган таҳлилларда кўрсатилишича солиқларнинг салмоғи ўртача 46 фоизни ташкил этган²⁹. Бу кўрсаткич меъёр даражасидан анча юқори ҳисобланади. Солиқ юкининг меъёрий даражаси тўғрисида профессор Т.С.Маликовнинг фикрига таянишимиз мумкин. Яъни у “Фанда солиқ юкининг оғирлиги 30-33 фоизга етгунга қадар унинг бу даражаси ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмаслиги исботланган”³⁰ деган фикрни олға суради. Демак, Давлат солиқ қўмитасининг таҳлилий материалларига асосланадиган бўлсак, корхоналарда солиқ юки анча юқорилининг гувоҳи бўламиз. Солиқ юкининг юқорилиги бу ишлаб чиқариш фаолиятига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатаяпти деган хулоса келиб чиқади. Шунинг учун солиқ юкининг тармоқлар бўйича таркибини ўрганиш лозим деган фикрга келдик.

Б.Тошмуродованинг «Солиқ муносабатларини оптималлаштириш» ўқув қўлланмасида иқтисодиётнинг айрим тармоқлари корхоналари учун солиқ юки ҳисобланган. Муаллиф бу ерда солиқ ва тўловларни ялпи тушумдаги ва қўшилган қийматдаги салмоғларини ҳисоблаб чиққан. Уни қуйидаги 5-жадвалда кўриб чиқамиз.

5-жадвал

Солиқ ва тўловларнинг ялпи тушумдаги ва қўшилган қийматдаги салмоғи³¹

(фоиз ҳисобида)

Тармоқлар	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
	Ялпи тушумдаги салмоғи	Қўшилган қийматдаги салмоғи	Ялпи тушумдаги салмоғи	Қўшилган қийматдаги салмоғи	Ялпи тушумдаги салмоғи	Қўшилган қийматдаги салмоғи
Саноат	28,9	50,2	29,0	51,3	28,6	61,5
Қурилиш	12,2	46,7	16,1	50,0	18,4	72,1
Транспорт	34,0	45,1	28,3	54,4	30,5	64,0
Маиший хизмат	28,8	77,0	33,2	40,0	38,6	56,0

²⁹ Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. -Т.: 2005 й. 41 бет.

³⁰ Маликов Т.С. «Солиқ юки». «Халқ сўзи». 2006 йил 24 январь, 15-сон.

³¹ Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. Монография, Академия, Т.: 2005 й.

Жадвал маълумотларидан барча тармоқлардаги солиқлар ва тўловларнинг қўшилган қийматдаги салмоғи ялпи тушумдаги салмоғидан юқори эканлигини кўрамиз ва бундан ташқари тармоқлар ўртасидаги солиқ юкининг юқорилигини ҳамда айрим тармоқларда солиқ юкининг йиллар давомида ўсганлигини кўрамиз. Бу ўсиш ўз-ўзидан корхоналарнинг фойдасига таъсир кўрсатади. Чунки, қўшилган қиймат таркибида солиқлар ва тўловларнинг улуши 40 фоиздан 77 фоизгача тебраниб турибди. Демак, янгидан яратилган қийматнинг 23 фоизидан 60 фоизига қадари корхоналар ихтиёрида қоляпти. Ваҳоланки, қўшилган қиймат таркибида фойдадан ташқари бир нечта кўрсаткичлар бор. Масалан, ишловчиларнинг иш ҳақиси, амортизация, ижара ҳақи ва фоизлар қўшилган таркибида бўлади. Демак, мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарда солиқ юки даражаси юқорироқ экан.

А.Пардаев ва Б.Азимов ўзларнинг «Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида бошқариш» номли монографиясида иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида солиқ юкини ҳисоблашда улар солиқлар ва тўловларни солиққа тортилиш давригача бўлган фойдага нисбатан ҳисоблаб чиқишган. Муаллифлар келтираётган маълумотлар 1999-2002 йиллар давомида Бухоро вилояти бўйича ҳисобланган. Вилоятда иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўртача солиқ юки 2000 йилда 35,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб 22,6 фоизга тушган³². Муаллифларнинг фикрича, бундай ўзгаришга сабаб биринчи навбатда корхоналар сотув рентабеллиги даражаларининг ошиши бўлса, иккинчидан корхоналарнинг тобора кўпроқ қисми умумий тартибда солиқ тўлашга ўтаётганлиги таъсир қилган.

Бизнингча иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида солиқ юкини ҳисоблаш бўйича Б.Тошмуродова таклиф этган усул унинг моҳиятини кенгроқ очиб беради. Унинг фикрича, солиқлар ва тўловларнинг солиқ тўлагунча олинган фойдага нисбатан ҳисоблаб чиқсак, корхоналари учун аниқ солиқ юки кўрсаткичи келиб чиқмайди.

³² Пардаев А., Азимов Б. Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида бошқариш. Zar qalam. -Т.: 2005 й.

М.И.Альмардонов ўзининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири» докторлик диссертациясида солиқ юкини ҳисоблашга бошқача ёндошади. Унинг фикрича, иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида солиқ юкини ҳисоблашда солиқлар ва тўловларнинг маҳсулот сотиш ҳамжмига нисбатан ҳисоблашни таклиф этади. Муаллиф ўзининг таклиф этган усул ёрдамида иқтисодиётнинг турли тармоқ корхоналарида солиқ юкини ҳисоблаб чиққан. Унга кўра солиқ юки қишлоқ хўжалиги корхоналарида 1996-2002 йилларда 6-7 фоизни ташкил этган. Алкогол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун эса 50-53 фоизгача тебранаётганини таъкидлайди³³. Бизнингча бу ерда солиқ юкини ҳисоблашда муаллифнинг ёндошуви солиқ юки даражасини пасайтириб кўрсатмоқда. Чунки, маҳсулот сотиш ҳажмига нисбатан иқтисодиёт тармоқларида ҳисобланган солиқ солиқ юки ҳақиқатдаги солиқ юкидан анча паст бўлиб чиқади ва чиққан ҳам. Бу келажакда иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш пасайишига олиб келувчи омил бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, республика ички миллий бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш ва уни ташқи бозор таъйиқларидан ҳимоялаш мақсадида ҳукуматимиз солиқ тизими орқали бир қанча ислохотларни олиб бормоқда. Бу иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида солиқлар орқали бир қанча иқтисодий имтиёзлар бериб, келажакда уларни молиявий ҳолатини яхшилаб, рентабеллик даражаларини кўтариб ва пировардда соҳаларда товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга олиб келади. Шунинг ҳам айтиш жоизки, иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида солиқ юкини ўрганаётганда уларнинг давлат томонидан қанча имтиёзлар олаётганини ва бюджет олдидаги боқимандалик суммаларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки боқимандалик суръатлари ҳам охириги йилларда мамлакатимизда ўсиб

³³ Альмардонов М.И. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва уни тадбиркорлик фаолиятига таъсири. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2004 й.

бормоқда. Бу солиқ юкини ҳисоблаётганда солиқ ва тўловлар суммаси таркибида ҳисобга олиш лозим. Бу яна бир бор солиқ юки кўрсаткичини бузиб кўрсатишга олиб келади.

Мамлакатимиз солиқ ислохотларининг эътиборли томони шундаки, солиқ тизимида солиқ тўловчилар учун муқобил махсус солиқ тизимлари ташкил қилинган ва уни тўловчилар эркин танлаш имкониятига эгадирлар. Бу айниқса, қишлоқ хўжалиги корхоналари, кичик бизнес субъектлари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиққа тортиш тизимини ўрнатилганлигидир. Биз иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида солиқ юкини қиёсий таҳлилида ушбу солиққа тортиш тизимларига эътибор қаратдик. Яъни, умумий тартибда ва махсус тизими асосида солиқ тўлаётган солиқ тўловчилар фаолиятига солиқ юкининг таъсири қандайлигини аниқлашга уриндик. Республикамиз халқ хўжалигининг етакчи соҳалари ҳисобланган саноат ва қурилиш соҳасида солиққа тортишнинг иккала тартибида солиқ юкини ҳисоблаб чиқдик (6-жадвал).

6-жадвал

Саноат ва қурилиш тармоқларида ўртача солиқ юки³⁴

Солиққа тортиш тизими	Солиқ юки (қўшилган қийматга нисбатан фоизда)			
	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Умумий белгиланган тартибда солиқ тўловчи корхоналар	60-65	65-70	60-65	57-63
Махсус тизим асосида солиқ тўловчи кичик корхоналар	30-34	25-28	23-25	22-24

Таҳлил маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, солиққа тортиш тизимлари ўртасида катта фарқ мавжуд экан. Чунки, 2011 йилда умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи саноат ва қурилиш корхоналарида солиқ юки 60-65 фоизни ташкил этган. 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 57-63 фоизга тушиб

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг таҳлилий материаллари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

қолган. Буни мамлакатимизда ўтказилаётган солиқ реформаларининг натижалари деб баҳолашимиз мумкин. Чунки, таҳлил қилинаётган даврда корхоналарнинг асосий солиқларидан ҳисобланган даромад (фойда) солиғи ставкаси бир неча пунктга камайтирилди. Яъни, ушбу солиқ ставкаси 2011 йилда 24 фоиз бўлган бўлса, 2014 йилга келиб 15 фоиз қилиб белгиланди. Солиқ ставкаси 9 фоизли пунктга камайди. Бу корхоналарнинг зиммасидаги солиқ юкининг камайишига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди.

Махсус солиқ тизими асосида солиқ тўловчи кичик корхоналарда солиқ юки кўрсаткичи 2011 йилда 30-34 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 22-24 фоизни ташкил этди. Шуниси эътиборлики, битта фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда солиқ юки кескин фарк қилмоқда. Бу биринчидан, солиққа тортишнинг тамойилларига тўғри келмайди, яъни, бир фаолият шуғулланиб бир корхонанинг 60 фоизга яқин даромади солиққа тортилса-ю, иккинчи бир корхонанинг 25 фоизга яқин даромади солиққа тортилса, бу адолатсизликни келтириб чиқаради. Иккинчидан, махсус солиқ тизими асосида солиқ тўлаётган корхоналар зиммасидаги солиқ юки умумий тартибда солиқ тўлаётган корхоналар зиммасига юк бўлиб тушаяпти. Янада соддароқ қилиб айтсак, кичик корхоналардаги солиқ имтиёзлари умумий тартибдаги солиқ тўловчилар зиммасига юкланаяпти. Бу уларда солиққа тортиш сиёсатига нисбатан салбий фикр уйғотиши мумкин ва пировардда яширин иқтисодиёт вужудга келади. Бу эса, мавжуд солиқ объектини йўқолишига олиб келади.

Биз бугунги кунда мамлакатимизда корхоналарга нисбатан қўлланилаётган солиққа тортиш тизимини қуйидаги гуруҳларга бўлдик:

- умумий тартибда солиқ тўловчилар (барча юридик шахслар);
- ялпи даромад солиғи тўловчилари (савдо ва умумий овқатланиш корхоналари);
- соддалаштирилган ягона солиқ тўловчилар (микрофирма ва кичик корхоналар);
- ягона ер солиғи тўловчилари (қишлоқ хўжалиги корхоналари).

Юқоридаги солиққа тортиш тизимлари асосида солиқ тўловчи иқтисодиёт тармоқлари корхоналар учун солиқ юкини ҳисолаб чиққанимизда, солиққа тортиш тизимлари ўртасида солиқ юки кўрсаткичлари бир-биридан анча фарқ қилади. Яъни, умумий тартибда солиқ тўловчи корхоналарда солиқ юки қарийиб 2 марта кўпдир. Энг кам солиқ юки қишлоқ хўжалиги корхоналарида, яъни 2011 йилда 16 фоиз бўлган бўлса, 2013 йилда 18 фоиз атрофида бўлган. 2014 йилга келиб эса, 16 фоизга тушиб қолган. Агарда таҳлил қилинаётган даврни олиб қарасак, республикамизда иқтисодий ўсиш суръатларида қишлоқ хўжалиги энг юқори кўрсаткичга эришган, яъни, ўтган йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 10,1 фоизга ўсганлигини кўрамыз³⁵. Бунга албатта солиқ юкининг камайтирилганлигини ўз таъсири кўрсатган. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси нуқтаи-назаридан бу ижобий ҳолат ҳисобланади.

Махсус солиқ тизими асосида солиқ тўлаётган савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида солиқ юки юқорилигича қолмоқда. Бу тизимга кирувчи корхоналар бугунги кунда ялпи даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларни амалга оширади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхонлари ушбу солиқ ва мажбурий ажратмаларни ҳисоб-китобини ҳар чоракда солиқ инспекцияларига топширса-да, тўловни ҳар ойда амалга оширади.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тўланаётган солиқ ва мажбурий тўловлар мос равишда савдо корхоналарида товар айланмаси ҳажмининг 5 фоизини ва умумий овқатланиш корхоналарида ялпи тушумнинг 10 фоизини ташкил этмоқда.

Савдо ва умумий овқатланиш корхонларини солиққа тортишнинг амалдаги ҳолати 7-жадвалда келтирилган.

³⁵ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005 й., 83-бет.

**Савдо ва умумий овқатланиш корхонларини солиққа тортишнинг
амалдаги ҳолати³⁶**

№	Солиқлар ва тўловлар	Тошкент ш. ва шаҳарларда	Қишлоқ худудларида	Олис ва тоғли худудларда
1	Ялпи даромад солиғи, %	20	18	16
2	Мол-мулк солиғи, %	3,5		
3	Бюджетдан ташқари фондларга товар айланмаси ҳажмидан мажбурий ажратмалар, %	2,7		

Фикримизча, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида солиқ солиш механизмини такомиллаштириш лозим. Яъни, улар томонидан тўланаётган ялпи даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларни бирлаштириб, ягона солиқ тўлови жорий этилса, бу тизимга кирувчи корхоналарда солиқ юки камайган ҳолда, уларнинг солиқ ва тўловлар бўйича ҳисоб-китоблари ҳам камаяр эди. Чунки, бугунги амалдаги тартибда савдо корхонлари ҳар солиқ ва тўловлар бўйича бир молия йили давомида умумий 12 марта ҳисоботлар топширадилар. Бундан ташқари бюджет билан ҳисоб-китоблари ҳар ойда амалга оширилишини ҳисобга олсак, бир молия йилида 36 марта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширадилар. Агарда улар учун ягона солиқ тўлови жорий этилса, ҳисобот топшириш 3 мартага, бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш эса 9 мартага қисқаради. Бундан ташқари савдо корхоналарида ягона солиқ тўлови жорий этилса, ушбу корхоналар ва давлат учун ҳам қуйидаги қулайликлар туғилади:

- солиқни ҳисоблаш тартиби соддалашади ва солиқ ҳисобини юритиш такомиллашади;

- қишлоқ, олис ва тоғли худудларда жойлашган корхоналарда солиқ юки

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори.

пасаяди ва ушбу ҳудудларда жойлашган савдо корхоналари ривожланиши таъминланади.

Бу йўл билан солиқ юкини камайиши натижасида, уюшган савдони ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи ва улгуржи савдо корхоналари билан чакана савдо корхоналари ўртасидаги тизимли савдони йўлга қўйиб, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмага чиқиб кетиши каби ҳолатларни олдини олишга эришилган бўлар эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тармоқлар ўртасидаги солиқ юки нотекис тақсимланган. Солиқ юкининг айрим тармоқларда юқори бўлиши бу ишлаб чиқаришни пасайишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари умумий тартибда солиқ тўловчи корхоналар ва махсус солиқ тизимлари асосида солиқ тўловчи корхоналар ўртасидаги солиқ юки ҳам бир-биридан кескин фарқ қилишини кўрдик. Иқтисодиёт соҳаларида ҳам солиқ юки паст баландлиги билан ажралиб туради. Бу мамлакат макроиктисодий барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади ва ишлаб чиқаришни ҳам тармоқлар ўртасида нотекис тақсимланишига олиб келади ҳамда айрим тармоқларда ўсиш суръатлари пасайиб кетиши мумкин.

Солиқ юкини тармоқлар ва солиққа тортиш тизимлари ўртасида имконият даражасида тенглаштириш лозимдир. Бу ўз навбатида тармоқлар ва соҳаларнинг бир хил иқтисодий ривожланишига олиб келади.

3. АКТ соҳаси корхоналаридаги солиқ юкини ҳисоблашнинг замонавий амалиёти таҳлили

Бугунги кунда корхоналар фаолиятини ўрганиш ва уларнинг молия-хўжалик фаолиятига солиқларнинг таъсирини ўрганиш ҳамда улардаги солиқ юкини таҳлил қилиш муаммоли масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Корхоналарда солиқ юкини ҳисоблашнинг бугунги аҳволи тўғрисида тўхталадиган бўлсак, бу масала хорижий адабиётларда ва айрим илмий ишларда ёритишга ҳаракат қилинган. Лекин шунга қарамасдан корхоналарда

солиқ юкини ҳисоблаш ва аниқлаш борасида ягона тўхтамга келинмаган. Бу эса мазкур мавзунинг ҳали ҳам тўла шаклланмаганлигидан ва аниқ хулосаларга келинмаганлигидан далолат беради. Шундан келиб чикиб айтишимиз мумкинки, корхоналарда солиқ юкини аниқлаш муаммоси бу борада илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Солиқ юкини ҳисоблаш ва унинг иқтисодиётга таъсирини ўрганиш масалаларига тўхталганда, авалламбор солиқ юкини қайси йўсинда ҳисоблашга ҳам эътибор қаратиш лозим. Биз солиқ юкини ҳисоблаш масаласида унга қуйидаги йўналишларда ёндашиш мумкин деб ўйлаймиз:

- макроиқтисодий даражада (давлат миқёсида) солиқ юки;
- мезодаражада (тармоқлар миқёсида) солиқ юки;
- микродаражада (корхоналар миқёсида) солиқ юки;
- солиқ тўловчилар ўртасида (юридик ва жисмоний шахслар ўртасида) солиқ юки;
- сотувчи ва истеъмолчи ўртасида солиқ юки;
- алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ юки;
- ҳудудлар бўйича солиқ юки.

Юқоридаги йўналишларда солиқ юкини ҳисоблаш хорижий адабиётларда ва ўзимизнинг маҳаллий адабиётларда ёритилган (10-расм).

Шунга қарамасдан бу кўрсаткичларнинг ҳисобланиш усуллари ва муаллифларнинг турли ёндошувлари бир-биридан фарқ қилади.

Дунёнинг турли мамлакатларида солиқ юкини давлат иқтисодиётига таъсири ўрганилганда, айрим мамлакатларда солиқлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳисобланса, айрим мамлакатларда ялпи миллий даромадга нисбатан ҳисобланади. Бу ўз-ўзидан кўрсаткичларнинг бузилишга ва мамлакатлардаги солиқ юкини солиштирма қиёсий таҳлилини бузилишига олиб келади.

10-расм. Иқтисодиётда солиқ юкини ҳисоблашнинг асосий йўналишлари³³



³³ Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. Монография, Академия, Т.: 2005 й.

Иқтисодчи олимларимизнинг фикрича, солиқ юки 30 фоиз атрофида тебранса, мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланади. Фикримизча, ривожланган давлатлардаги солиқ юки юқорилигини ҳисобга олсак, солиқ юкини ҳисоблаш масаласида ноаниқликлар мавжудлиги борлигига амин бўламиз.

Одатда, солиқ назариясидан маълумки, мамлакат миқёсида солиқ юки жами солиқлар ва йиғимларнинг суммасини ялпи ички маҳсулотга нисбати ҳисобланади. Бу кўрсаткич бутун жаҳонда кенг қўлланилиб, мамлакат иқтисодиётида давлатнинг қанчалик аралашувини кўрсатиб беради. Бунинг паст ёки баландлиги иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатади.

Мезодаражада солиқ юки, яъни иқтисодиётнинг турли тармоқлар ўртасидаги солиқ юки, бу тармоқларда солиқ юкининг қай даражада эканлигини кўрсатиб беради. У ҳар бир тармоқ бўйича давлатга тўланган солиқ ва йиғимларни ушбу тармоқда яратилган қўшилган қийматга нисбати орқали ҳисобланади. Давлат ушбу кўрсаткич орқали иқтисодиётда оқсаб қолаётган тармоқларни ривожлантириши ва аксинча секинлаштириши мумкин. Бу ўз-ўзидан иқтисодий мувозанатни таъминлашга ҳамда иқтисодиётни тартибга солишга ёрдам беради.

Микродаражада, яъни корхоналар ўртасида солиқ юки, иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналардаги солиқ юкидир. Бу хўжалик юритувчи субъектнинг давлатга тўлаган барча солиқ ва йиғимларининг ўзи яратган қўшилган қийматга нисбати орқали топилади. Бу кўрсаткич орқали давлат корхоналарда солиқ юкини пасайтириб, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мумкин.

Солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида, яъни юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тақсимланиши, бу корхоналар ва аҳоли ўртасида солиқ юкининг тақсимланишини англатади. Ривожланган мамлакатларда солиқ юкининг бундай тақсимланиши солиқ юкининг асосий оғирлиги жисмоний

шахсларга тушишини кўрсатади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг таҳлили ҳам айнан шуни кўрсатмоқда.

Солиқ юкининг истеъмолчи ва сотувчи ўртасида тақсимланиши алоҳида олинган товар (иш, хизмат)нинг охирги истеъмол қийматига киритилган барча солиқлар ва йиғимларнинг қанча қисмини истеъмол қилувчи ва қанча қисмини ишлаб чиқарувчи тўлаётганини англатади. Бу бир қарашда тўғри солиқлар ишлаб чиқарувчи зиммасига, эгри солиқлар эса истеъмолчи зиммасига тушишини кўрсатади. Аммо амалиётда ҳар доим бундай бўлавермаслиги мумкин. Бу талаб ва таклифнинг эластик ёки ноэластиклигига бориб тақалади.

Алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ юки ҳар бир солиқ тури суммасини ялпи ички маҳсулотдаги улушини ифодалайди. Микродаражада қараганимизда бу солиқларнинг қўшилган қийматдаги улуши ҳисобланади. Қўшилган қийматларнинг мамлакат миқёсидаги йиғиндиси ялпи ички маҳсулотни беради. Бу орқали иқтисодиётга қайси солиқ тури кўпроқ босим кўрсатаётганини аниқлаш мумкин.

Солиқ юкининг ҳудудлар бўйича тақсимотини ўрганиш ҳам иқтисодиётда муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Чунки солиқ юкининг ҳудудлар бўйича тақсимоти ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларининг жойлашишига бориб тақалади. Бу ёрдамида қолоқ ҳудудларни ривожлантириш ва уларнинг иқтисодий салоҳиятларини тенглаштириш мумкин.

Юқорида биз келтириб ўтган йўналишларда солиқ юкини ҳисоблаш мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳолатини тўғри баҳолаб барқарор ривожланишига асос бўлади.

Корхоналарда солиқ юкини ҳисоблашнинг замонавий ҳолати мамлакатимизда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган услубиёт асосида ҳисобланади. Унга кўра солиқлар ва тўловлар хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот сотиш ҳажмига нисбатан ҳисобланади.

У қуйидагича:

$$\text{СЮ} = \frac{\text{Солиқлар ва тўловлар}}{\text{Маҳсулот сотиш ҳажми}} * 100 \% \quad (2.1)$$

Бу ерда: СЮ – хўжалик юритувчи субъектдаги солиқ юки.

Ушбу усулда солиқ юкини ҳисоблаш корхоналарда солиқ юкини анча фоизли пунктга камайтириб кўрсатади ва натижада ушбу субъектлар фаолияти нотўғри баҳоланиб, бир қанча иқтисодий қийинчиликлар келтириб чиқаради. Яъни, давлатнинг ушбу соҳа билан шуғулланувчи ташкилотларининг маълумотларига таяниб давлат бюджет дастурини тузади ва унга асосланиб иш кўради. Натижада давлат корхоналарга нисбатан солиқ юкини янада оғирлаштириши мумкин. Бу албатта макроиқтисодий ҳолатга фақатгина салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

М.И.Альмардонов абсолют ва нисбий солиқ юкини фарқлашни таклиф этади. Муаллифнинг фикрича, абсолют солиқ юки – корхоналардаги солиқ ва ижтимоий суғурта бадаллари юкини ифодалаб, улар бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ўтказилади, корхоналар солиқ мажбуриятларининг абсолют миқдоридир. Нисбий солиқ юки абсолют миқдорнинг янгидан яратилган қийматга нисбати³⁷ деб қарайди. Унинг кўриниши қуйидагича:

$$\text{Дн} = \frac{\text{СТ} + \text{ИА}}{\text{ЯЯҚ}} * 100 \% \quad (2.2)$$

Бу ерда: Дн – хўжалик юритувчи субъектдаги нисбий солиқ юки.

СТ – солиқ тўловлари;

ИА – ижтимоий эҳтиёжларга ажратма;

ЯЯҚ – янгидан яратилган қиймат.

Юқоридаги формуладан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектнинг барча солиқ тўловлари ва ижтимоий эҳтиёжларга

³⁷ Альмардонов М.И. «Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири», иқтисод фанлари доктори даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 23-бет. Тошкент 2004 й.

ажратмаларининг янгидан яратилган қийматга нисбати хўжалик юритувчи субъектнинг нисбий солиқ юкини белгилаб беради.

Профессор Қ.Яҳёевнинг солиқ юкига берган таърифига кўра, «Солиқ юки фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди»³⁸. Бу таърифдан кўриниб турибдики, муаллиф солиқ юкига микродаражада тўланган барча солиқ ва тўловларнинг даромадга ёки фойдага нисбати деб қараяпти. Бу солиқ юкини ҳисоблашда ва белгилашда анча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Чунки, фойдага нисбатан солиқ юки ҳисобланса, унинг даражаси анча ошиб кетади. Даромадга нисбатан ҳисобланганда эса, солиқ юки кўрсаткичи пасайиб кетади. Бу бюджет даромадларини режалаштиришда анча ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Т.Тошмуродов ўзининг «Солиқлар изоҳли луғат» ўқув қўлланмасида солиқ юкига шундай таъриф беради: «Солиқ юки – хўжалик юритувчи субъект ёки фуқаро тўлайдиган барча солиқлар ва тўловлар йиғиндисининг даромадга нисбатидир»³⁹. Бу таъриф ҳам юқоридагилари сингари солиқ юкини ҳисобаш механизмини мураккаблаштиради. Чунки, бу ерда солиқ юкини ҳисоблашда асос қилиб даромад олинаёпти. Бу корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблашда ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Б.Исроилов ўзининг «Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари» монографиясида солиқ юкига қуйидагича таъриф бериб ўтади: «Солиқ юки деганда, хўжалик юитувчи субъект ёки фуқароларнинг давлат, маҳаллий бюджетга ҳамда турли жамғармаларга қатъий белгиланган тартибда тўлайдиган барча солиқлар ҳамда тўловлар йиғиндисининг тўловчилар иш ҳажмига, даромадга ёки бошқа солиқ объектига нисбати тушунилади»⁴⁰. Бу таърифда ҳам солиқ юкининг моҳияти кенг очилмаган.

³⁸ Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. – Т.: «Ғ.Ғулом», 2000 й. – 16 бет.

³⁹ Тошмуродов Т. Солиқлар изоҳли луғат. – Т.: «Меҳнат», 2003 й. – 116 бет.

⁴⁰ Исроилов Б. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари»- Т.: Ўзбекистон, 2006 . – 272 – бет.

Чунки, жами тўланган солиқлар ва тўловларнинг солиқ тўловчиларнинг иш ҳажмига, даромадга ёки солиқ солиш объектига нисбати дейиляпти. Бу ерда бир-бирига ўхшамаган учта объект кўрсатиляпти. Булар солиқ юкини ҳисоблаш учун етарли асос бўла олмайди.

Бизнинг фикримизча, корхоналарга нисбатан солиқ юкини ҳисоблашда хўжалик юритувчи субъект томонидан давлат бюджетига тўланган барча солиқлар, тўловлар ва ажратмаларнинг корхонанинг қўшилган қийматига нисбати орқали аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Шунда солиқ юкининг реал даражаси кўринади ва давлат бюджетига ҳам, хўжалик юритувчи субъектга ҳам салбий таъсири бўлмайди.

Юқоридаги таърифларни ўрганган ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳамда Давлат Солиқ Қўмитасининг корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблаш тўғрисидаги йўриқномаларини таҳлил қилган ҳолда айтишимиз мумкинки, корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблаш бўйича ягона услубий асос йўқлигини гувоҳи бўлдик. Бу ҳолат корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни янада тақозо этади.

Корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблаш бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар фикрини ва бу борадаги барча усулларни ўрганган ҳолда биз куйидагича фикрга келдик:

- корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблашда уларнинг барча тўлайдиган солиқ ва тўловларининг йиғиндисини янгидан яратилган қийматга нисбати орқали аниқлаш лозим;

- корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблашда соф ва умумий солиқ юкини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Бу ерда соф солиқ юки хўжалик юритувчи субъектнинг тўлайдиган барча солиқлари, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга қиладиган ажратмаларини юкини ифодалаб берса, умумий солиқ юки эса корхоналарнинг солиқ, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга қиладиган ажратмаларини ҳамда ишчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқлар ва бадаллар юкини ифодалаб беради.

Юқоридаги фикрларимизни формула кўринишида ифодаласак, фикримиз янада яққолроқ намоён бўлади:

а) Корхоналарнинг соф солиқ юки:

$$C_{c\sigma} = X_{m\bar{b}c} / K_{\kappa} \quad (2.3)$$

Бу ерда: $C_{c\sigma}$ – хўжалик субъектининг соф солиқ юки;

$X_{m\bar{b}c}$ – хўжалик субъекти тўлайдиган барча солиқлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар;

K_{κ} – хўжалик субъектининг янгидан яратган қиймати ёки қўшилган қиймат.

б) Корхоналарнинг умумий солиқ юки:

$$Y_{c\sigma} = (X_{m\bar{b}c} + I_{c\bar{b}}) / K_{\kappa} \quad (2.4)$$

Бу ерда: $Y_{c\sigma}$ – хўжалик субъектининг умумий солиқ юки;

$X_{m\bar{b}c}$ – хўжалик субъекти тўлайдиган барча солиқлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар;

$I_{c\bar{b}}$ – ишчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқлар ва бадаллар;

K_{κ} – хўжалик субъектининг янгидан яратган қиймати ёки қўшилган қиймат.

Юқоридаги формулалар корхоналарнинг соф ва умумий солиқ юкини ҳисоблашда асос бўлади. Бу формулалар орқали корхоналарнинг фаолиятига солиқларнинг таъсирини атрофлича таҳлил қилишимиз мумкин.

Айрим иқтисодий адабиётларда корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблаш жараёнида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва улар учун тўланадиган ижтимоий тўловлар ҳисобга олинмайди. Бу бир қарашда тўғридек кўринади. Аммо, шунинг эътиборига олиш лозимки, жисмоний шахснинг даромади ва унинг солиғи, у учун қилинадиган ижтимоий ажратмаларнинг яратилиш манбаси ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг қўшилган қиймати ҳисобланади. Аслида жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ишчига, фуқарога нисбатан солиқ юки ҳисобланаётганда ҳисобга олиш лозим.

ҳозирги кунда мамлакатимизда корхоналарда фаолият юритаётган жисмоний шахслар бюджетга даромад солиғи билан бир қанча ижтимоий тўловларни ҳам амалга оширадилар. Бу тўловларни жисмоний шахслар тўлагандек кўринса-да, буларнинг юки хўжалик юритувчи субъектга, корхонага тушади. Мисол учун бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъект иш ҳақиға 100 м.сўм ажратса, шунинг 25 м.сўми ижтимоий ажратмалар сифатида бюджетга ажратилади (жисмоний шахслар учун). Бу ажратмаларнинг юки корхонага тушади.

Давлат бюджети даромадларини режалаштиришда шу усул бўйича корхоналарга солиқ юки белгиланади. Бу уларда солиқ юкини паст даража қилиб кўрсатади ва уларнинг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Биз таклиф этган усулнинг асосли томони шундаки, хўжалик юритувчи субъект тўлайдиган барча солиқлар ва тўловларнинг асосий манбаи бу қўшилган қиймат ҳисобланади. Корхонада қўшилган қиймат яратилмас экан, ҳеч қандай солиқ манбаи вужудга келмайди. Бу жисмоний шахсларнинг даромад солиғига ҳам тегишли. Солиқ юкини маҳсулот сотишдан тушган тушумга нисбатан ҳисоблашнинг камчилик томони шундаки, бу унинг таркибида харажатлар ҳам ўтиради. Бу ўз-ўзидан ҳисобланаётган нисбий кўрсаткичнинг махражини катта қилади ва натижада солиқ юки даражасини пасайтириб кўрсатади. ҳақиқатда эса, солиқ юки юқоридир. Бу усулда солиқ юкини ҳисоблаб, уларнинг иқтисодий фаолиятига баҳо бериш келажакда салбий ҳолатни вужудга келтиради.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, биз қўшилган қиймат тушунчасини бироз нотўғри талқин қиламиз. Назарий томондан ёндашсак, қўшилган қиймат маълум товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш жараёнидан товарга янгидан ишлов бериш жараёнида товар устига қўшиладиган қиймат ҳисобланади. Масалан корхона 100 сўмлик хом ашёни сотиб олиб ишлаб чиқаришга киритди. Натижада 300 сўмлик тайёр маҳсулот яратди. Бу ерда қўшилган қиймат 200 сўмни ташкил этади. Бу шу қийматни яратиш жараёнида тўланган иш ҳақи, ажратилган амортизация, тўланган

фоизлар, қилинган материал харажатлар, ажратилган солиқ тўловлари ва олинган фойда кўрсаткичлари ҳисобига шаклланади. Аслида, қўшилган қиймат, яъни, янгидан яратилган қиймат жонли меҳнат ҳисобига яратилади. Амалиётда унга амортизация суммаси ҳам қўшилади. Амортизация аслида мавжуд бўлган қиймат, уни янгидан яратилган қиймат таркибига қўшиш нотўғри деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда қўшилган қиймат солиғи базасига амортизация суммалари ҳам киради. Бу қўшилган қиймат эмас, шу нуқтаи назардан янгидан яратилган қийматни ҳисоблашда амортизация суммаларини ҳам ҳисобга олмаслик лозим дегна фикрга ҳам келиш мумкин.

Шундай қилиб биз ушбу параграфда олиб борган тадқиқотларимиз натижасида қуйидагичи хулосаларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик:

- тадқиқотлар натижасида шу нарсага амин бўлдикки, корхоналарга нисбатан солиқ юкини ҳисоблашда ягона тўхтамга келинмаган ва бу келажақда борада янада тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилиб қўяди;

- фикримизча, корхоналарнинг солиқ юки деганда хўжалик юритувчи субъект томонидан давлат бюджетига тўланган барча солиқлар, тўловлар ва ажратмаларнинг корхонанинг қўшилган қийматига нисбатини тушуниш мумкин;

- таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, бугунги кунда мамлакатимизда амал қилаётган солиқ юкини ҳисоблаш механизмига ўзгартириш киритиш лозим. Бунда корхоналарнинг янгидан яратган қийматига нисбатан солиқ юкини ҳисоблаш уларнинг фаолиятига тўғри баҳо бериш имкониятини туғдиради;

- корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблашда соф ва умумий солиқ юкини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Бу ерда соф солиқ юки хўжалик юритувчи субъектнинг тўлайдиган барча солиқлари, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга қиладиган ажратмаларини юкини ифодалаб берса, умумий солиқ юки эса корхоналарнинг солиқ, бюджет ва бюджет ташқари фондларга қиладиган ажратмаларини ҳамда ишчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқлар ва бадаллар юкини ифодалаб беради.

4. АКТ соҳаси корхоналари фаолиятига солиқлар таъсирини оптималлаштириш масалалари

Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти турли мулкчилик шаклларида иқтисодиёт субъектлари фаолиятини эркинлаштиришга, тадбиркорликнинг ривожланишига яратилган шарт-шароитларга узвий боғлиқдир. Ушбу иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий мақсади республикаимиз миллий мустақиллигини таъминлаш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланиш ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишдан иборатдир. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг моддий асосини таъминлашда тадбиркорлик механизми алоҳида аҳамиятга эгадир. Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов «..солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки, биринчи галда, корхоналарни рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим»⁴¹, - деб бежиз таъкидламаган. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётига аралашувида, хусусан у томондан тадбиркорликни ривожлантиришда турли усуллардан фойдаланилади. Миллий иқтисодиётнинг у ёки бу даражада ривожланиши кўп ҳолатларда тадбиркорликка бўлган эътиборга бевосита боғлиқлиги жаҳон иқтисодиёти тажрибасида ўз аксини топган бўлиб, у ҳар бир давлатда миллий ўзига хосликдан, геостратегик ва жуғрофий ҳолатдан, ҳатто диний эътиқодлардан келиб чиққан ҳолда ўзига хос тартибда юз беради. Шу билан бирга давлатнинг тадбиркорликни ривожлантириш ёки тартибга солиш усули соф маъмурий ёки соф иқтисодий бўлиши, улар айрим ҳолатларда ўзининг ижобий самарасини бериши билан бирга бошқа вазиятларда эса ўзининг салбий оқибатларига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда солиқлар мамлакатимиз бюджет даромадларининг ҳал

⁴¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 89-б.

килувчи қисмини ташкил этмоқда. Солиқ тизимини самарали ташкил этиш ва унинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтириш бевосита корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатади. Шунинг учун солиқ тизимини имконият даражасида содда ва аниқ қилиб тузиш лозимки, натижада солиқ тўловчилар ўз олдиларидаги мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ амалга оширисклар.

Бугунги кунда илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт тармоқлари бўйича солиқ юки жуда нотекис тақсимланган. Солиқ юкининг бундай нотекис тақсимланишига асосий сабаб, биринчи навбатда турли тармоқларда солиққа тортиш тизимларининг турличалигидан далолат беради (8-жадвал).

8-жадвал

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида солиқ юки даражаси⁴²

(сотишдан тушган соф тушумга нисбатан фоизда)

Тармоқлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Саноат	17,1	16,6	19,6
Қишлоқ хўжалиги	4,6	4,6	4,3
Транспорт	17,4	36,1	15,7
Алоқа	27	30,5	23,2
Қурилиш	15,1	15,4	20,1
Савдо ва умумий овқатланиш	7,6	5,1	4,4
Коммунал хўжалик	5,9	8,5	11,5

Юқоридаги жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, солиқ юкининг асосий қисми саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш корхоналарига бориб тушмоқда. Солиқ юкининг энг паст даражаси қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда коммунал хўжалик корхоналарига белгиланган. 2012 йилда солиқ юкининг энг юқори даражаси алоқа корхоналарида бўлса, 2013 йилда бу транспорт корхоналарида кўринади. 2014 йилга келиб эса, алоқа тизимига кирувчи корхоналарда солиқ юки даражаси энг юқори 23,2 фоизни ташкил этган. Солиқ юкнинг бундай нотекис тақсимланишининг сабабларини ўрганишда корхоналарда солиқлар ва тўловлар таркибини

⁴² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

таҳлил қилиш лозим. Шу нуқтаи назардан биз тадқиқотлар жараёнида бугунги кунда шиддат билан ривожланиб борётган алоқа ва ахборотлаштириш тизимига кирувчи корхоналарда солиқ муносабатлари қандай даражада, улар тўлаётган солиқлар тақибда солиқ юкининг асосий қисми қайси солиқ турига бориб тушмоқда ва умумий равишда бу тизимдаги корхоналарда солиқ юки қанчани ташкил этаётганлигини тадқиқ этишга уриндик.

Биз бугунги кунда реал фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг республика ва маҳаллий бюджетга тўлаган солиқлар ва йиғимларининг таркибий тузилишини таҳлил этдик. Корхона маълумотларини маълум даражада конфеденциаллик хусусиятига эга эканлигидан, ҳамда тижорат сирини сақалаш нуқтаи назаридан келиб чиқиб корхонанинг номи ва рақамларини шартли равишда келитришни лозим топдик (9-жадвал).

9-жадвал

“А” корхонанинг республика ва маҳаллий бюджетга тўлаган солиқлар ва йиғимларининг таркибий тузилиши⁴³ (жамига нисбатан % ҳисобида)

№	Солиқлар ва йиғимлар	2013 йил	2014 йил
1	Жами солиқлар ва йиғимлар	100	100
2	Даромад (фойда) солиғи, шу жумладан:	33,7	21,8
	юримдик шахслардан	21,7	8,6
	жисмоний шахслардан	12	13,2
3	Қўшилган қиймат солиғи	49,6	55,6
4	Акциз солиғи	0,4	0
5	Ер ости бойликларида фойдаланганлик учун солиқ	0,3	0,4
6	Сув ресурсларида фойдаланганлик учун солиқ	0,1	1
7	Импорт товарларини олиб кирганликлари учун божхона божлари	1,2	3,6
8	Мол-мулк солиғи	4,6	5,5
9	Ер солиғи	0,5	0,8
10	Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	5,3	3
11	Бошқа солиқлар	1,2	3,3
12	Маҳаллий йиғимлар	0,4	4,5
13	Молиявий жарималар	0,2	0,3

⁴³ “А” корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, корхона томонидан тўланаётган солиқлар таркибида асосий ўринни ҚҚС эгалламоқда. 2013 йилда жами солиқлар таркибида 49,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 55,6 фоизни ташкил этган. Таҳлил қилинаётган даврда ушбу кўрсаткич 6 фоизли пунктга ошган. ҚҚС эгри солиқлар таркибига кирганлигига қарамай, уни тўлалигича бюджетга ундириб бериш солиқ қонунчилиги биноан корхоналар зиммасига юклатилган. Шу нуқтаи назардан бу солиқ тури корхоналар молиявий ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади ва таҳлил жараёнида уни ҳисобга олиш лозим. Яна шуни эътиборга олиш лозимки, ҚҚС маҳсулот (иш, хизматлар)нинг оборотидан ундирилади. ҚҚС улушининг таҳлил қилинаётган даврда ортиши корхонада маҳсулот (иш, хизматлар)нинг сотишдан тушган тушумни ортганлигини кўратади.

Бундан ташқари корхоналар томонидан тўланаётган даромад (фойда) солиғи ҳам корхона солиқлар таркибида асосий ўринни эгалламоқда. Корхонанинг бевосита ўзи тўлайдиган даромад (фойда) солиғи таҳлил қилинаётган даврда 13,1 фоизли пунктга камайган. Бунга асосий сабаб ушбу даврда даромад (фойда) солиғининг ставкаси давлат томонидан 3 фоизли пунктга камайтирилганлигидир. Корхона томонидан тўланадиган мол-мулк ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларидан ташқари бошқа солиқлар таркибида кам улушни эгаллайди ва уларнинг таъсири бир мунча паст ҳисобланади.

Юқоридаги 9-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мол-мулк солиғи ҳам корхона солиқлари таркибида сезиларли улушни эгалламоқда. Таҳлил қилинаётган даврда гарчи бу солиқ тури бўйича солиқ ставкаси ва уни ундириш механизмида ўзгаришлар вужудга келмаган бўлса-да, солиқлар таркибидаги улуши 0,9 фоизли пунктга ошган.

Корхоналарда солиқларнинг таъсирини атрофлича таҳлил қилиш ва ўрганишда улардаги солиқ юки кўрсатчини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Корхоналарда солиқ юкини ҳисоблашнинг замонавий ҳолати мамлакатимизда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган услубиёт асосида ҳисобланади. Унга кўра солиқлар ва тўловлар корхоналарнинг хизматлар, ишлар ва маҳсулотлар сотиш ҳажмига нисбатан ҳисобланади (10-жадвал).

10-жадвал

“А” корхонада солиқ юки динамикаси⁴⁴


(сотишдан тушган соф тушумга нисбатан фоиз ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил
1	Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	100	100
2	Жами солиқлар ва йиғимлар	26,1	22,6
3	Даромад (фойда) солиғи, шу жумладан:	8,8	4,9
	юримдик шахслардан	5,7	1,9
	жисмоний шахслардан	3,1	3,0
4	Қўшилган қиймат солиғи	12,9	12,6
5	Акциз солиғи	0,1	0,0
6	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,1	0,1
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,0	0,2
8	Импорт товарларини олиб кирганликлари учун божхона божлари	0,3	0,8
9	Мол-мулк солиғи	1,2	1,2
10	Ер солиғи	0,1	0,2
11	Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	1,4	0,7
12	Бошқа солиқлар	0,3	0,7
13	Маҳаллий йиғимлар	0,1	1,0
14	Молиявий жарималар	0,1	0,1

10-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 йилда корхона солиқ юки 26,1 физни ташкил этган. 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 22,6 фоизни ташкил этган. Солиқ юкининг 3,5 фоизли пунктга камайишида давлат томонидан тўғри солиқларнинг ставкаларини пасайтирилганлиги ва солиққа тортиш механизмларини такомиллаштирилганлиги асосий таъсир кўрсатган. Чунки, ҳукуматимиз томонидан корхоналар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатувчи тўғри солиқларнинг ставкалари бир неча фоизга камайтирилди. Масалан, даромад (фойда) солиғи ва жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиқлари ставкаларини пасайтирилиши корхонада ушбу солиқлар

⁴⁴ “А” корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

бўйича солиқ юкини камайишига олиб келди. Таҳлил қилинаётган даврда ушбу солиқлар бўча солиқ юки даражаси 3,9 фоизли пунктга камайган (11-расм).




11-расм. “А” корхонада асосий солиқ турлари бўйича солиқ юки даражасининг ўзгариши⁴⁵

Умуман олганда мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ислохотлари корхоналарда солиқ юки даражасини йилдан-йилга пасайишига олиб келмоқда. Бу келажакда уларнинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади ва инвестицион фаолиятини кенгайтишига олиб келади.

Солиқ юкининг пасайиши корхонанинг молиявий фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатган (12-расм). Яъни, корхонанинг пул маблағлари тежалиши билан биргаликда хизматлар сотиш рентабеллиги ҳам ошиб борган. Биз таҳлил қилаётган даврда корхонада солиқ юки 26,1 фоиздан 22,6 фоизгача камайганлигини кўрдик. Бу шу даврда солиқ юкини 14 фоизга

⁴⁵ “А” корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.



12-расм. “А” корхонада солиқ юки ва хизматлар сотиш рентабеллиги ўртасидаги боғлиқлик⁴⁶

камайганлигини кўрсатади. Шунга тескари равишда корхонанинг хизматлар сотиш рентабеллиги 2,1 фоиздан 4,2 фоизгача ошганлигини гувоҳи бўлди. Корхонада умумий солиқ юкининг олдинги йилга нисбатан 14 фоизга камайиши рентабеллик даражасини 2 баробарга оширди.

Демак, солиқ юкининг пасайиши хизматлар сотиш рентабеллигини оширади ва корхонанинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Рентабеллик даражаси ошиши билан ўз-ўзидан корхонанинг молиявий ҳолати ҳам яхшиланиб боради.

II боб бўйича хулоса

Иккинчи боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак, солиқ юкини ҳисоблаш ва унинг иқтисодиётга таъсирини ўрганиш масалаларига тўхталганда, авалламбор солиқ юкини қайси йўсинда ҳисоблашга ҳам эътибор қаратиш

⁴⁶ “А” корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

лозим. Биз солиқ юкини ҳисоблаш масаласида унга қуйидаги йўналишларда ёндашиш мумкин деб ўйлаймиз:

- макроиқтисодий даражада (давлат миқёсида) солиқ юки;
- мезодаражада (тармоқлар миқёсида) солиқ юки;
- микродаражада (корхоналар миқёсида) солиқ юки;
- солиқ тўловчилар ўртасида (юридик ва жисмоний шахслар ўртасида)

солиқ юки;

- сотувчи ва истеъмолчи ўртасида солиқ юки;
- алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ юки;
- ҳудудлар бўйича солиқ юки.

Юқоридаги йўналишларда солиқ юкини ҳисоблаш хорижий адабиётларда ва ўзимизнинг маҳаллий адабиётларда ёритилган (10-расм).

Шунга қарамасдан бу кўрсаткичларнинг ҳисобланиш усуллари ва муаллифларнинг турли ёндошувлари бир-биридан фарқ қилади.

Дунёнинг турли мамлакатларида солиқ юкини давлат иқтисодиётига таъсири ўрганилганда, айрим мамлакатларда солиқлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳисобланса, айрим мамлакатларда ялпи миллий даромадга нисбатан ҳисобланади. Бу ўз-ўзидан кўрсаткичларнинг бузилишга ва мамлакатлардаги солиқ юкини солиштирма қиёсий таҳлилини бузилишига олиб келади.

Фикримизча, корхоналарда солиқ юкини ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш лозим. Биз юқорида кўриб ўтган солиқ юкини ҳисоблаш усулимизда корхона томонидан тўланаётган солиқлар ва тўловлар корхонанинг сотишдан тушган тушумига нисбатан ҳисобланади. Ушбу усулда солиқ юкини ҳисоблаш корхоналарда солиқ юкини бир неча фоизли пунктга камайтириб кўрсатади ва натижада ушбу субъектлар фаолияти нотўғри баҳоланиб, бир қанча иқтисодий қийинчиликлар келтириб чиқаради.

III БОБ. АКТ СОҲАСИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ВА СОЛИҚ ЮКИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. АКТ соҳаси корхоналарининг солиқ юкига таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш услубиёти

Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари корхоналар ва давлат ўртасидаги муносабатлар фақатгина солиқлар орқали амалга оширилади. Корхоналар учун долзарб масалалардан ҳисобланган солиқ муносабатларининг таҳлили етарли даражада ишлаб чиқилмаган ёки кенг оммага тушунарли эмас.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ юкига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва уларни иқтисодий-статистик таҳлил қилиб, керакли ҳулосаларни чиқариш давлат нуқтаи назаридан ҳам, корхона нуқтаи назаридан ҳам объектив долзарб масалалардан ҳисобланади.

Солиқ юкини ва унга таъсир этувчи омилларни икки йўналишда иқтисодий-статистик таҳлил қилиш мумкин, яъни макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада. Ёки соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, давлат нуқтаи назаридан ва корхона нуқтаи назаридан иқтисодий-статистик таҳлил қилишимиз мумкин.

Солиқ юкини макроиқтисодий даражада иқтисодий-статистик таҳлил қилишда статистика ва макроиқтисодий статистика усуллари кенг фойдаланилади. Уни макроиқтисодий даражада таҳлил қилишнинг аҳамиятли томони шундаки, давлат бюджетини тузишда, режалаштиришда, давлатнинг қатор функцияларини бажаришда ушбу таҳлиллар асосида иш кўрилади. Ушбу таҳлиллар барча солиқлар устида олиб борилади. Унинг динамикаси, алоҳида солиқ турларини бюджет даромадларидаги салмоғи ва улар бўйича солиқ юки ўрганилади. Алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ юкини ўрганганимизда айрим солиқ турларида солиқ юки бўйича мунтазам ўсиш кузатилса, айримларида пасайиш ва ривожланиш кузатилмоқда.

Назарий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, солиқ юкига бир қанча омиллар таъсир этади. Албатта ушбу омилларни ҳисобга олиш керак ва таҳлил жараёнида уларнинг таъсирини ўрганиш лозим. Биз солиқ юкини таҳлил этиш жараёнида давлат ва корхоналар нуқтаи назаридан ёндашиб, унга таъсир этувчи омиллар деб қуйидагиларни эътироф этамиз:

- ✓ солиққа тортиладиган базанинг ўзгариши;
- ✓ солиқ ставкасининг ўзгариши;
- ✓ солиқларнинг йиғилиш даражаси;
- ✓ солиқ тўловчилар сонининг ўзгариши.

Юқоридаги омиллар ўртасида боғлиқлик ва уларнинг таъсирини аниқлашда қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

а) $CD_0 = B_0 * C_0 * D_0$ базис даврида;

б) $CD_1 = B_1 * C_1 * D_1$ ҳисобот даврида;

в) $\Delta CD = CD_1 - CD_0$ солиқ тушумларини мутлоқ ўзгариши.

бу ерда: CD - солиқ тушумлари, B - солиққа тортиладиган база, C - солиқ ставкаси, D - солиқларни йиғилиш даражаси.

Солиқ тушумларига таъсир этувчи омиллар таҳлилини алоҳида-алоҳида кўриб ўтишимиз мумкин:

1. Солиққа тортиладиган базанинг ўзгариши:

$$\Delta CD_{(B)} = (B_1 - B_0) * C_0 * D_0 \quad (3.1)$$

2. Солиқ ставкасининг ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta CD_{(C)} = (C_1 - C_0) * B_1 * D_0 \quad (3.2)$$

3. Солиқларнинг йиғилиш даражаси:

$$\Delta CD_{(D)} = (D_1 - D_0) * C_1 * B_1 \quad (3.3)$$

Бунда:

$$\Delta CD = \Delta CD_{(B)} \pm \Delta CD_{(C)} \pm \Delta CD_{(D)} \quad (3.4)$$

Ушбу таҳлилларни индекслар ёрдамида ҳам қилиш мумкин. Бу индекс солиқ тушумлари индекслари номини олади. Индекслар усулида жорий даврдаги солиқ тушумларини базис даври солиқ тушумларига бўлиш билан

топилади. Умуман, юқоридаги усуллар ёрдамида давлатнинг солиқ сиёсатига баҳо бериш ва улар ёрдамида солиқларни атрофлича таҳлил қилиш мумкин.

Маълумки, солиқ юки кўрсаткичи нисбий кўрсаткич бўлса-да, у бир канча солиқлар йиғиндисидан таркиб топади.

Агар хўжалик юритувчи субъект солиқни умумбелгиланган тартибдаги солиқ тўловчи бўлса, унинг бюджетга тўлайдиган барча солиқлари қуйидагилардан таркиб топади:

- даромад (фойда) солиғи;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- нафақа фондига ажратма;
- йўл фондига ажратма;
- меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажаратмалар;
- қўшилган қиймат солиғи;
- мактаб таълимини ривожлантириш фондига ажратмалар.

Ушбу солиқлар ва ажратмаларнинг ҳар қайси бўйича алоҳида-алоҳида солиқ юкини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ юкини ҳисоблаб, уларнинг йиғиндисини оладиган бўлсак, хўжалик юритувчи субъектнинг ёки давлатнинг умумий солиқ юки кўрсаткичи келиб чиқади. Бу таҳлилни осонлаштиради ва солиқ турлари бўйича ўзгаришлар яққол кўзга ташланади.

Охирги йилларда ушбу солиқнинг ставкаси бир неча пунктга пасайтирилди. Давлат бюджети даромадлари таркибини ўрганганимизда, даромад (фойда) солиғи бюджет даромадларидаги салмоғи охирги йилларда камайиб кетди. Даромад (фойда) солиғининг ставкасини пасайтиришдан ва уни ундирилиш амалиётини такомиллаштиришдан ҳамда солиқ юкини пасайтиришдан асосий мақсад корхоналарнинг даромадларини кўпайтириш,

бунинг натижасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва келажакда бюджетга кўпроқ солиқ тушумини олиб келиш кўзланган эди. Лекин, бу сиёсат ханузгача ўз натижасини бермаяпти.

Шу мақсадда корхоналардан олинадиган даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ юкини иқтисодий-статистик таҳлилини (микроиқтисодий нуқтаи-назардан) қуйидаги шартли мисолларда кўриб ўтамиз.

Корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$C_{ю} = \frac{C_m}{K_k} * 100\% \quad (3.5)$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, солиқ юки кўрсаткичига икки омил, яъни: солиқ тўловлари ва қўшилган қиймат.

Бу икки кўрсаткич базис даврда ва жорий даврда ўзгаради ҳамда бу ўзгаришлар солиқ юкига ўз таъсирини кўрсатади. Шу мақсадда қуйидаги жадвалдан фойдаланамиз (11-жадвал).

11-жадвал

“А” корхонасининг солиқ юки ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таҳлили⁴⁷

№	Кўрсаткичлар	Базис даврда	Жорий даврда	Фарқи (+;-)	Шу жумладан	
					Сс эвазига	Қк эвазига
1	Солиқ суммаси, минг сўм	86,01	94,78	+8,77	х	х
2	Қўшилган қиймат, минг сўм	2150,25	2961,87	+811,62	х	х
3	Солиқ юки %	4,0	3,2	-0,8	0,4	-1,2

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, “А” корхонаси давлат бюджетига 86,01 минг сўм миқдорда даромад (фойда) солиғи тўлаган. Жорий даврда бу кўрсаткич 94,78 минг сўмни ташкил этган. Таҳлил

⁴⁷ “А” корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

килинаётган даврда ушбу солиқ суммаси 8,77 минг сўмга кўпайган. Корхонанинг шу даврда янгидан яратган қўшилган қиймати 811,62 минг сўмга кўпайган. Солиқ юки даражаси эса 0,8 фоизга камайган.

Бу қуйидаги омиллар таъсирида юзага келган:

1. Жорий даврда солиқ суммасининг 8,77 минг сўмга ошгани солиқ юкини 0,4 фоизли пунктга кўпайтирган.

2. Қўшилган қийматнинг таҳлил қилинаётган даврда 811,62 минг сўмга кўпайиши солиқ юки даражасини 1,2 фоизли пунктга камайтирган.

Барча омиллар таъсирининг ўзгаришлари йиғиндиси умумий ўзгаришни беради:

$$0,4 + (-1,2) = -0,8$$

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, солиқ суммасининг ошиши корхонада солиқ юки даражасини оширади. Қўшилган қийматнинг юқори бўлиши солиқ юки даражасига тескари пропорционал бўлгани учун солиқ юки даражасини камайтиради. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, қўшилган қийматнинг ошиши корхонда солиқ юкини пасайтиради, аммо солиққа тортиладиган базанинг кенгайиши ҳисобига давлатга кўпроқ солиқ тушади.

Таҳлил жараёнларини чуқурлаштириш учун омиллар сонини кўпайтириш лозим. Шуни инобатга олган ҳолда бача солиқлар сингари даромад (фойда) солиғига ҳам таъсир қилувчи солиқ ставкасининг солиқ сумасига таъсирини кўриб ўтамыз.

Маълумки, даромад (фойда)дан олинадиган солиқ суммасига (C_d) даромаднинг солиқ тўланадиган қисми (D_c) ва солиқ ставкаси (C_t) ўз таъсирини кўрсатади. Натижа ва омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун қуйидагича формуладан фойдаланамиз:

$$C_d = D_c * C_m \quad (3.6)$$

Бу ерда омиллар таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланамиз:

1. Солиқ суммасининг даромадлар ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (ΔC_{dc}) аниқлаш учун даромадларнинг ҳисобот давридаги фарқини ($D_{cl} - D_{c0}$) солиқ ставкасининг режадаги миқдорларига (C_{T0}) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{dc} = (D_{cl} - D_{c0}) * C_{m0} \quad (3.7)$$

2. Солиқ суммасининг солиқ ставкаси эвазига ўзгаришини (C_{CT}) ҳисоблаш учун солиққа тортиладиган даромад суммасининг ҳақиқий миқдорини (D_{cl}) солиқ ставкасини ўзгаришига ($C_{T1} - C_{T0}$) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{cm} = D_{cl} * (C_{m1} - C_{m0}) \quad (3.8)$$

Агар ҳисоб-китоблар тўғри амалга оширилса, шу икки омилнинг таъсири натижаси ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta C_{\partial} = \Delta C_{dc} \pm \Delta C_{cm} \quad (3.9)$$

Корхоналарнинг солиқ юки кўрсаткичига солиққа тортиладиган даромад, солиқ ставкаси ва қўшилган қийматнинг таъсирини иқтисодий-статистик усуллар билан таҳлил қилиш учун қуйидаги «А» корхонасининг маълумотларини таҳлил қиламиз (12-жадвал).

12-жадвал

“А” корхонасининг солиқ юки ўзгаришига таъсир қилувчи

омилларнинг таҳлили⁴⁸

Кўрсаткичлар	Базис даврда	Жорий даврда	Жами фарқи (+,-)	Шу жумладан:		
				Ст эвазига	Стд эвазига	Ққ эвазига
Солиққа тортиладиган даромад, м.сўм	573,4	789,9	216,5	х	х	х
Солиқ ставкаси, %	15	12	-3	х	х	х
Солиқ суммаси, м.сўм	86,01	94,78	+8,77	-23,7	32,4	х
Қўшилган қиймат, м.сўм	2150,25	2961,87	+811,62	х	х	х
Солиқ юки, %	4,0	3,2	-0,8	-0,8	1,2	-1,2

⁴⁸ “А” корхонасининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

12-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, даромаддан олинадиган солиқ суммаси 8,77 минг сўмга кўпайган. Бунда иккита омилнинг таъсири қуйидагича бўлади:

1. Солиққа тортиладиган даромад суммасининг 216,5 минг сўмга кўпайганлиги, солиқ суммасининг 32,4 минг сўм $(216,5 \cdot 26,0 / 100)$ кўпайишига олиб келган.

2. Солиқ ставкаси ўзгариши (камайиши) таъсирида солиқ суммаси 23,7 минг сўмга камайишига олиб келди.

3. Одатда шу икки омил таъсири солиқ суммасининг умумий фарқига тенг бўлиши керак, яъни $32,5 - 23,7 = 8,77$ минг сўм. Демак, амалга оширган ҳисоб-китобларимиз тўғри.

Солиқ юкига юқоридаги омилларнинг таъсири қуйидаги бўлган:

1. Солиққа тортиладиган даромаднинг (Стд) 216,5 минг сўмга кўпайиши солиқ юкини 1,2 фоизли пунктга оширган.

2. Солиқ ставкасининг жорий даврда 3 фоизли пунктга камайиши солиқ юки даражасини 0,8 фоизли пунктга камайтирган. Ушбу икки омилнинг йиғиндиси солиқ суммасини ўзгаришини беради ва юқоридаги жадвалимизда солиқ юкини солиқ суммаси 0,4 фоизли пунктга ўзгаритишга эди. Шу ўзгаришнинг 1,2 фоизли пунктга ошиши солиққа тортиладиган даромаднинг эвазига ва -0,4 фоизли пункти эса солиқ ставкасининг эвазига. Иккаласининг йиғиндиси 0,8 фоизли пунктни беради.

3. Қўшилган қийматнинг 811,62 минг сўмга кўпайиши солиқ юки даражасини 1,2 фоизли пунктга камайтирган.

Омиллар ўзгаришларининг йиғиндиси умумий ўзгаришни беради:

$$(-0,8) + 1,2 + (-1,2) = -0,8$$

Юқоридаги жадваллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарда солиққа тортиладиган даромаднинг, яъни солиққа тортиш базасининг кенгайиши солиқ юкига салбий таъсир қилиб, корхоналарда солиқ юкининг ошиб кетишига олиб келади.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, солиқ ставкасининг пасайтирилиши эса солиқ юкини камайтиради. Корхоналарнинг инвестицион фаолияти кенгайди. Бу келажакда янги солиқ базасини яратилишига олиб келади. Яъни, бўш қолган маблағлар эвазига янги иш ўринлари яратилади, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилади. Солиққа тортиш амалиётида солиққа тортиладиган базани такомиллаштириб, ставкаларини имконият даражасида пасайтириш лозим.

Тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, солиқ суммасининг ошиши корхонада солиқ юки даражасини оширади. Қўшилган қийматнинг юқори бўлиши солиқ юки даражасига тескари пропорционал бўлгани учун солиқ юки даражасини камайтиради. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, қўшилаётган қийматнинг ошиши корхонада солиқ юкини пасайтиради, аммо солиққа тортиладиган базанинг кенгайиши ҳисобига давлатга кўпроқ солиқ тушади. Солиқ юкини таҳлил қилишни осонроқ амалга ошириш учун корхоналар томонидан мажбурий равишда топшириладиган ҳисобот кўрсаткичларининг таркибига қўшилган қиймат кўрсаткичини ҳам киритиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

2. Солиқ юкини корхона моливи ҳолатига таъсирини баҳолаш - солиқ юкини оптималлаштиришнинг муҳим омили сифатида

Маълумки, солиқ тўловчилар ўз даромадларидан давлат бюджетига муайян белгиланган қийматда солиқ тўлаб турадилар. Бу тўлов миқдори давлат томонидан белгиланади ва ушбу шартга мувофиқ мамлакат доирасида амал қилувчи турли хилдаги солиқлар жорий этилади ҳамда уларнинг ставкалари белгиланади. Корхоналардан ундириладиган турли хилдаги солиқларнинг давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари фондларга қиладиган тўловларининг умумий қиймати миқдорий жиҳатдан амалдаги солиқ юки даражасини белгилаб беради. Макроиктисодий нуқтаи назардан солиқ юки даражасини давлат бюджетига келиб тушган барча маблағларнинг

ЯИМдаги улуши ифодалаб беради.

Мамлакат миқёсидаги ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг статистика амалиётида бир қанча услублари мавжуд. Шулардан бири сифатида ишлаб чиқариш усулини олишимиз мумкин. Бунга кўра, мамлакат миқёсида иқтисодиётнинг барча секторларида яратилган қўшилган қийматнинг йиғиндиси тушунилади:

$$\text{ЯИМ} = \sum K_k \quad (3.10)$$

Бу миллий иқтисодиётнинг барча корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида янгидан яратилган қўшилган қийматларнинг умумий йиғиндисини ифодалаб беради.

Мамлакатдаги барча корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида қўшилган қийматларнинг умумий йиғиндисини ҳисоблаб чиқиш пировард натижада бутун миллий иқтисодиётдаги ҳамда алоҳида олинган корхоналар миқёсидаги солиқ юки даражасини ўзаро солиштириб ҳисоблаб чиқиш имкониятини беради.

Алоҳида олинган корхоналарда солиқ юки даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашга ҳамда унинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилишга нисбатан ўзгача муносабат бўлиш лозим. Сўнгги пайтларда корхоналарнинг зиммасига юклатилаётган солиқ юкининг ҳаддан ташқари оғирлиги ҳамда иқтисодий фаолият юритувчи субъектлар томонидан олинадиган даромадларнинг реал қийматини яширишга уринишлар хусусида жуда кўп фикрлар юритилмоқда. Аммо шунга қарамасдан, алоҳида корхоналар зиммасига юклатилаётган солиқ юки даражасининг таркибини, ўсиш динамикасини батафсил ва аниқ ўрганиб, таҳлил қилиш амалиётда йўлга қўйилмаган. Аксарият ҳолларда корхоналарнинг маъсул шахслари корхоналар солиқлари миқдори ва қиймати белгиланиб, улар ўз вақтида тўланса, шунинг ўзи кифоя қилади деб ҳисоблашади.

Умуман олганда, ушбу масалага нисбатан бу хилдаги муносабат балки асослидир, зеро расмий жиҳатдан ҳеч ким корхоналарда шундай иш олиб

борилсин деб талаб этмайди. Бизнинг назаримизда, хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ҳар қандай вазиятда ҳам ўзи бошчилик қилаётган ташкилий тузилма жорий ҳисобот йилининг якунлари бўйича солиқ юкининг қандай даражасига чиқиши мумкинлигини, аниқроқ қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъект давлат бюджетига қанча миқдорда маблағлар ўтказиши ҳамда қандай қилиб амалдаги солиқ юкини камайтириш мумкинлигини аниқ тасаввур этиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу мақсадда, биз ушбу параграфда алоҳида корхоналар зиммасига юклатилаётган солиқ юки даражасининг тузилишини, ўсиш динамикасини ўрганиб, таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Айрим корхоналар миқёсида белгиланадиган солиқ юкини мазмунан қуйидагича тавсифлаш мумкин.

Биринчидан, айрим корхоналар миқёсида белгиланадиган солиқ юки деганда, давлат бюджетига ва турли хилдаги бюджетдан ташқари фондларга тўланган (ҳисобланган) солиқлар ҳамда маҳсулот сотиш ҳажмига ўзаро нисбати тушунилади. Ушбу иқтисодий кўрсаткич барча иқтисодий фаолият субъектлари томонидан юритилиши шарт бўлган бухгалтерия ҳисоботларида қайд этилади ва айни хўжалик юритувчи субъект учун солиқ юкининг самарадорлиги қай даражада эканлигини аниқлашга имконият яратиб беради. Айрим корхоналар миқёсида белгиланадиган солиқ юки кўрсаткичини аниқлаш услубиётининг камчилиги шундаки, айни кўрсаткични ҳисоблаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилган маълумотлар тузилиши жиҳатидан макродаражада амалга ошириладиган худди шундай ҳисоб-китобларга мос тушмайди.

Иккинчидан, давлат бюджетига ва турли хилдаги бюджетдан ташқари фондларга тўланган (ҳисобланган) солиқлар ҳамда йиғимлар йиғиндисининг қўшимча қиймат йиғиндисига нисбати сифатида олиб қаралиши мумкин. Ушбу ҳолатда айрим корхоналар миқёсида белгиланадиган солиқ юки тузилиши жиҳатидан бутун иқтисодий тизим миқёсида олинадиган худди шундай кўрсаткичга мос келади. Бундай тартибда ҳисоб-китоб қилинса,

барча иқтисодий фаолият субъектлари томонидан бажарилиши шарт бўлган бухгалтерия ҳисоботларида ҳўжалик юритувчи субъект томонидан яратилган қўшимча қиймат ҳақидаги тўлиқ маълумотлар қайд этилмаса ҳам айрим корхоналар миқёсида белгиланадиган солиқ юкини аниқлаш мумкин.

Корхоналарда солиқ юкини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёни шуни кўрсатмоқдаки, корхоналар учун солиқ юкини ўрганишда солиқ юкининг реал ва номинал даражасига эътибор бериш лозим. Чунки, бу субъектларда бир қанча солиқлар ҳисобланди, лекин ундирилмай қолиб кетади. Бу ўз-ўзидан ҳўжалик юритувчи субъектнинг солиқ юкини даражасига бевосита таъсир этади. Солиқ юкининг реал даражаси реал равишда (тўланган) амалга оширилган солиқ тўловларига қараб аниқланади.

Номинал солиқ юки даражаси кўрсаткичи деганда, ҳўжалик юритувчи субъект томонидан олинадиган қўшилган қийматнинг ҳар бир сўмига нисбатан белгиланадиган ўртача солиқ ставкаси тушунилади.

Амалдаги солиқ тизими таркибида жорий этилган солиқ ва тўловларнинг турларини қўплиги эътиборга олинса, у ҳолда айрим ҳўжалик юритувчи субъектнинг зиммасига тушадиган ўртача солиқ ставкасини аниқлаш анча қийин кечади.

Солиқ ставкалари билан солиқ тушумлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик Артур Лаффер томонидан аниқланганди. Бунга кўра солиқ ставкалари маълум даражага етганида (оптимал нуқтага) бюджетга келиб тушадиган солиқ тушумлари максимал даражада бўлишлиги аниқланганди. Бироқ, ҳозирги пайтда солиқ юкининг даражаси Лаффернинг эгри чизиғи бўйича аниқланадиган оптимал ҳолатга қачон ва қандай қилиб эришади, деган масала ҳамон ўз ечимини кутмоқда.

Солиқ юкини ўрганишда алоҳида корхоналар ва бутун давлатимиз миқёсида олинган солиқ юки кўрсаткичларини ўзаро солиштириш лозим бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда олинган солиқ юки кўрсаткичлари, реал ҳолатда олинадиган бўлса, сўнгги йиллар мобайнида ЯИМнинг ёки миллий

иқтисодиётда фаолият юритаётган барча корхоналар яратган ялпи қўшилган қийматнинг 30-35 фоизини ташкил этади. Солиқ юкининг ҳозирги кўрсаткичлари либерал солиқ тизимига эга бўлган мамлакатларнинг айнан шу каби кўрсаткичларига жуда яқин. Масалан, Европа ҳамдўстлиги мамлакатларида ўртача солиқ юки кўрсаткичи ЯИМнинг 40 фоизини, АҚШда эса 30 фоизини ташкил этади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, расмий матбуотда реал солиқ тўловлари ҳақидагина маълумот берилади. Яъни, давлат бюджетига келиб тушган тушумлар тўғрисида. Бу ерда ҳисобланган, лекин ундирилмаган солиқлар ҳисобланмайди. Яъни боқимандалик кўрсаткичлари ҳисобга олинмайди. Аслида, ушбу кўрсаткични ҳам ҳисобга олиб солиқ юкини ҳисоблаш лозим.

Мамлакатимизда солиққа тортиш тизимининг фаолияти, солиқларнинг турлари ва йиғилиши хусусида солиқ тўловчиларнинг салбий фикрлари мавжуд. Шу сабабдан ҳам солиқ тўловчилар ўз тадбиркорлик фаолиятини хуфиёна амалга оширишга ва шу тариқа, солиқ тўлашдан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилишади. Оқибат натижада реал солиқ тўловларининг умумий ҳажми илгари айтиб ўтганимиздек, ЯИМнинг 30-35 фоизини ташкил этади. ўйлашимизча, бундай нохуш ҳолатнинг асосий сабабчиси мамлакат миқёсидаги номинал солиқ юкининг бироз юқори даражада эканлиги ҳисобланади.

Айрим олинган корхоналар миқёсида номинал ва реал солиқ юкларининг даражаси бир-биридан анча фарқ қилиши мумкин. Масалан, олинган ҳисоботларга қараганда, саноат соҳасидаги корхоналарда даромад сифатида олинадиган ҳар бир сўмга нисбатан белгиланадиган ўртача солиқ юки транспорт, алоқа тизими, қурилиш, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш тармоқларидагидан кўра ортиқроқ экан.

Бугунги кунда мамлакатимизда солиқ юки даражаси корхоналар томонидан олинадиган даромадлар қийматига нисбатан эмас, балки, янгидан яратилаётган қўшилган қиймат таркибига кирувчи – соф фойда, меҳнатга ҳақ

тўлаш фонди каби алоҳида элементларга нисбатан белгиланмоқда. Бундан хулоса шуки, турли хил солиқ тўловлари умумий йиғиндисининг қўшилган қийматга нисбати сифатида олиб қараладиган солиқ юкининг даражаси турли хил солиқ тўловчилар учун умумий ёки деярли бир хилда бўлиши мумкин. Аслида, корхоналар томонидан олинадиган даромадлар қийматининг бюджетга тўланадиган тўловлар қийматига нисбати турлича бўлиши лозим.

Корхоналар томонидан олинадиган даромадлар ҳажмида қўшилган қийматнинг миқдори қанчалик кичик бўлса, биз юқорида айтиб ўтган нисбатлар ўртасидаги тафовутлар шунчалик катта бўлиши лозим. Бундан шундай хулоса чиқариш лозимки, амалда ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект учун у ерда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар қиймати ва таннархининг оптимал тузилишини топиб, давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган турли хилдаги солиқларни минималлаштириш (камайтириш) мумкин.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларимиздан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, корхоналар зиммасидаги солиқ юкини олинадиган тушум ҳамда қўшилган қиймат кўрсаткичлари ёрдамида ҳисоблаб чиқиб, ўзаро солиштириш асосида корхоналар даражасида солиққа тортиш жараёнлари устидан назорат ўрнатса бўлади.

Бунинг учун қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- турли хил солиқ тўловчилар учун қўшилган қийматдан олинадиган солиқлар улуши бир хил бўлади;
- тушумлардан олинадиган солиқлар ҳажми ушбу даромадларнинг таркибига боғлиқ бўлади.

Тушимлардан олинадиган солиқлар ҳажмининг ошиб бориши ёки камайиши пировард натижада айтиш қийин. Тушумларнинг таркибий жиҳатдан ўзгаришига мос бўлиши керак. Масалан, ўтган йилда хўжалик юритувчи субъект давлат бюджетига қўшилган қийматнинг 60 фоизи миқдорида солиқлар тўлаган бўлса-ю, жорий йилда ушбу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этса, ҳар икки кўрсаткич ўртасидаги бундай тафовут солиққа тортиш

борасида йўл қўйилган хатоликдан дарак беради. Нима учун шундай хулоса чиқарганимизни изоҳлаб беришга ва шунинг асосида номинал солиқ юкининг оптимал даражасини топишга ҳаракат қиламиз.

Юқоридаги фикримизни исботлаш учун мисол тариқасида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланмайдиган, табиий ресурсларни казиб олишга ихтисослашмаган, давлат бюджетига тўланадиган барча турдаги солиқларининг 90 фоиздан ортиқроқ қисмини даромад солиғи, ижтимоий солиқлар, даромад (фойда)дан олинадиган солиқ ва ҚҚС ҳисобига шаклланадиган корхоналардан бирини оламиз. Шундан келиб чиқиб, ҳисоб-китобларимизни амалга ошириш чоғида қуйидаги шартларни инобатга оламиз:

- даромад солиғи ва ижтимоий солиқларни битта гуруҳга бирлаштирамиз. Бу ўринда қуйидагилардан келиб чиқамиз: олинадиган фойда ҳисобидан жисмоний шахсларга даромад сифатида ҳеч қандай маблағлар берилмайди, шунга мувофиқ равишда даромад солиғи ставкасини ўртача 20 фоиз ва ижтимоий солиқларни 25 фоиз ҳисоблаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи қийматларини МХФга тенг деб оламиз. Шундай қилиб, МХФга нисбатан белгиланадиган умумлаштирилган солиқ ставкаси 45,0% ни $(25,0 + 20,0)$ ташкил этади;

- даромад (фойда)дан олинадиган солиқ ставкаси 12 фоиз деб белгиланган;

- ҚҚС қиймати 20 фоизли ставка бўйича бевосита (тўғридан-тўғри) ҳисоб-китоб ёрдамида аниқланиб, $1,25 * \text{МХФ} + \Phi$ ифодасига тенг бўлади;

- ушбу ҳолатда солиқ юкининг умумий ҳажми МХФдан қилинадиган чегирма (ажратма)лар, даромад солиғи ва ҚҚС нинг ҳисоб-китоблари натижасидан ҳосил қилиниб, умумий жиҳатдан $0,32 * \Phi + 0,4 * \text{МХФ}$ ифодасига тенг бўлади;

- юқорида эътироф этилган эҳтимолий шартларни инобатга олган ҳолда барча қўшилган қийматни қуйидаги тенглик ёрдамида ифодалаймиз:

$$Q_k = 1,2 * (1,25 * \text{МХФ} + \Phi) = 1,5 * \text{МХФ} + 1,2 * \Phi$$

Юқорида таърифи келтирилган формулалар асосида аниқланган қийматлардан келиб чиқиб корхоналар томонидан олинадиган фойданинг соф тушумдаги улушининг ўзгариши ҳамда МХФнинг таннархдаги улушларининг ўзгаришига қараб корхоналарнинг зиммасига тушадиган солиқ юкининг ўзгаришларини ифода этувчи жадвал тузамиз (13-жадвал).

13-жадвал

Солиқ юки даражаларининг ўзаро солиштирилган таҳлилий ифодаси⁴⁹

МХФнинг таннархдаги улуши, %	Фойданинг соф тушумдаги улуши, %											
	0		10		20		30		40		50	
	А	Б	А	Б	А	Б	А	Б	А	Б	А	Б
10	7,5	45,7	10,4	41,4	13,6	39,5	16,6	38,5	19,6	37,8	22,5	37,3
20	14,0	45,7	16,4	43,1	18,8	41,4	21,2	40,3	23,5	39,4	25,7	38,7
30	20,5	45,7	22,2	44,0	23,9	43,2	25,6	41,5	27,2	40,6	28,8	39,8
40	26,7	45,7	27,8	44,4	28,8	43,3	29,9	42,3	30,9	41,5	31,9	40,7
50	32,6	45,7	33,1	44,7	33,5	43,8	34,0	43,0	34,5	42,2	34,9	41,5
60	38,3	45,7	38,2	44,9	38,1	44,2	38,0	43,5	37,9	42,8	37,8	42,2
70	43,8	45,7	43,1	45,1	42,5	44,5	42,0	44,0	41,3	43,4	40,7	42,8
80	45,8	45,7	45,1	45,1	44,5	44,5	3,5	44,1	42,6	43,5	41,8	43,0

Ушбу жадвалда солиқ юки кўрсаткичини корхоналар томонидан олинган фойда (жадвалнинг А устуни) ҳамда қўшилган қийматнинг (жадвалнинг Б устуни) ҳар бир сўмига нисбатан олинган солиқ юки ўртача катталиқдаги, ўзаро солиштирилиши мумкин бўлган қийматлари келтирилган. Қўшилган қийматнинг (жадвалнинг Б устуни) ҳар бир сўмига нисбатан олинган ўртача катталиқдаги солиқ юки кўрсаткичи тузилмавий жиҳатдан ЯИМни қайта тақсимлаш жараёнида тўланадиган солиқлар ҳақидаги статистик маълумотлар билан солиштирилиши мумкин.

Солиқ юки даражасини (13-жадвалнинг Б устунига қаранг) таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, қўшилган қийматнинг ҳар бир сўмига нисбатан олинган ўртача катталиқдаги солиқ юки кўрсаткичи (38-46 тийин) мамлакат миқёсида йиғиб олинган солиқлар (ЯИМга нисбатан солиқ

⁴⁹ “А” корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

юки 30-35%) ҳақидаги илгарироқ келтирилган расмий маълумотлардан кескин фарқ қилиб бормоқда.

Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, бугунги кунда солиқ тўловчи субъектлар зиммасидаги соф ҳолдаги солиқлар бўйича аниқланадиган ортиқча номинал солиқ юки ЯИМга нисбатан ҳисобланган солиқ юкидан 8-12 фоизли пунктга фарқ қилмоқда. Ортиқча номинал солиқ юкининг ҳажми корхоналарда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар таннархининг таркибидаги меҳнат ҳақининг улуши қай даражада ўзгаришига қараб ошиб бормоқда, бошқача қилиб айтганда, ортиқча номинал солиқ юкининг ҳажми меҳнатга катта миқдорда ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш тизимларида нисбатан каттароқдир. Лаффер эгри чизиғи бўйича ўлчанганида солиқ юки даражасини ифода этувчи икки хил кўрсаткичлар ўртасида шундай тафовут мавжудлигига қарамасдан реал равишда (аслида) йиғиб олинган солиқларнинг ҳажми максимал даражада бўлиши мумкинлигига ишониш қийинроқ.

Шунга қарамасдан, номинал солиқ юки кўрсаткичларининг корхоналар миқёсида янгидан яратиладиган қўшилган қиймат миқдорининг (38-46%) умумий йиғиндисига бевосита боғлиқлиги пировард натижада корхоналарда амалга ошириладиган солиқ тўловларини назорат қилиб бориш имкониятини яратиб беради. Фикр-мулоҳазаларимизни оддийроқ қилиб ифодаладиган бўлсак, корхоналарда солиқ тўловларини мунтазам равишда назорат қилиб бориш тизими йўлга қўйилса, у ҳолда хўжалик юритувчи субъект давлат бюджетига яратиладиган қўшилган қийматнинг 42 фоизга яқин миқдордаги пул маблағларини тўлаши лозимлиги аён бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан олинадиган тушум миқдорида нисбатан олинганида (13-жадвалнинг А устунига қаранг) солиқ юкининг номинал қиймати 6 маротабадан кўпроққа фарқланиши мумкин. Ушбу ҳолатда хўжалик юритувчи субъект томонидан олинадиган тушум қийматидаги МХФ ва фойданинг (қўшилган қийматнинг асосий элементлари) ҳамда қўшилган қийматдаги МХФ улушларининг миқдори

канчалик кам бўлса, солиқ юкининг номинал қиймати ҳам шунчалик паст бўлади. Охир оқибатда ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект учун олиниши мумкин бўлган соф фойда катта аҳамиятга эга бўлади, шундай экан, улар ҳар қандай вазиятда хўжалик юритувчи субъектнинг умумий даромадларида турли хилдаги солиқларнинг ҳажмини камайтиришга интилишади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган турли хилдаги солиқлар кўламини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳамма вақт конкрет хусусиятли бўлиб келган. Шунинг учун солиқ юки даражаларининг ўзаро солиштирилган таҳлилига қўшимча равишда алоҳида солиқ турлари бўйича номинал солиқ юкининг тузилишига оид маълумотларни жадвал тарзида ифодаб берамиз (14-жадвал).

14-жадвал

Алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ юкининг тузилиши⁵⁰ (%)

МХФнинг таннархдаги улуши, %	Фойданинг соф тушумдаги улуши, %								
	0			20			40		
	Жами солиқлар таркибида алоҳида турдаги солиқларнинг улуши			Жами солиқлар таркибида алоҳида турдаги солиқларнинг улуши			Жами солиқлар таркибида алоҳида турдаги солиқларнинг улуши		
	ҚҚС	МХФ	Фойдага	ҚҚС	МХФ	Фойдага	ҚҚС	МХФ	Фойдага
10	33,3	66,7	0	39,0	27,4	33,6	40,9	13,8	45,3
20	33,3	66,7	0	37,3	38,8	23,9	39,6	22,9	37,5
30	33,3	66,7	0	36,4	45,1	18,5	38,7	29,3	32,0
40	33,3	66,7	0	35,9	49,0	15,1	38,0	34,0	28,0
50	33,3	66,7	0	35,5	51,8	12,7	37,5	37,8	24,7
60	33,3	66,7	0	35,2	53,8	11,0	37,1	40,7	22,2
70	33,3	66,7	0	35,0	55,3	9,7	36,7	43,1	20,2
74	33,3	66,7	0	34,9	55,8	9,3	36,6	43,9	19,5

Давлат бюджети фойдасига ундирилиши эҳтимол тутиладиган солиқларнинг номинал тузилиши кўпчилик корхоналар учун деярли бир хил. Жадвалда кўриниб турганидек, ҚҚС улуши 33-40 фоизлик интервал билан

⁵⁰ “А” корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

чегараланган. Олдин кўриб чиққанимиздек, ҳисоб-китоб қилинадиган қийматлар хўжалик юритувчи субъект томонидан реал равишда амалга ошириладиган солиқ тўловлари тузилиши билан солиштирилиши мумкин. Солиштириш асосида аниқланган ҳар қандай ноаниқликлар солиқ тўловларини ҳисобга олиш жараёнларини жиддийроқ таҳлил қилиш учун асос бўлади. Амалга ошириладиган солиқ тўловларининг таркибини ўрганиб чиқиш асосида солиқларни тўлаш борасида тежамкорликни таъминлашга қаратилган устувор йўналишларни аниқлаш ҳамда зарур чораларини кўриш мумкин.

Шу билан бирга хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга ошириладиган солиқ тўловларининг таркибида ҚҚС ҳамда ишчи-ҳодимлар даромадларидан ундириладиган солиқлар улушининг катта эканлиги ўз вақтида ушбу турдаги солиқлар ҳажмининг камайтирилиши мумкинлигидан дарак беради. Давлат томонидан ушбу чора-тадбирлар амалга оширилаётган пайтда кўзланган пировард мақсад аввалига ишчи ва ҳодимларнинг даромадидан бевосита ва билвосита ундириладиган солиқлар юқини камайтириш, сўнгра корхоналар учун ҳам худди шундай имтиёзли шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтмоқчимизки, корхоналарда солиқ тўлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг якуний натижасини назорат қилиб бориш имконияти пайдо бўлсин учун жорий ҳисоботлар таркибига аслидаги солиқ юқи кўрсаткичларини киритиш лозим. Номинал ва реал солиқ юқи кўрсаткичлари ўртасида тафовутлар мавжудлиги турли хил корхоналар ўз зиммасидаги солиқ мажбуриятларини қай даражада виждонан бажаришаётганидан далолат беради. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, чинакамига солиқ юқи фақатгина ўз фуқаролик мажбуриятларини виждонан бажараётган шахслар зиммасига тушади.

Кейинчалик корхоналар томонидан мажбурий равишда топшириладиган ҳисобот кўрсаткичларининг таркибига хўжалик юритувчи субъектнинг

зиммасига тушадиган солиқ юки учун асос бўладиган ўлчамларни умумлаштириш имкониятини берувчи қўшилган қиймат кўрсаткичини ҳам киритиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди. Корхоналар миқёсида солиқ тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳамisha яратиладиган қўшилган қиймат ҳамда тайёр маҳсулотлар, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишлар, хизматлар таркибидаги Ққ улушини камайтиришга йўналтирилади. Шунинг учун, жорий ҳисоботлар асосида қўшимча қиймат (Ққ) улушини мунтазам назорат қилиб бориш зарур.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий фаолият юритувчи субъектларни солиққа тортиш борасида корхоналарнинг зиммасидаги номинал ва реал солиқ юкининг даражалари ўртасида тегишлича мослик ҳосил қилиш учун ҳали яна ишлаш лозим. ЯИМ ёки қўшилган қиймат (Ққ)нинг қандай даражасида корхоналарнинг зиммасидаги номинал ва реал солиқ юкининг даражалари ўртасида тегишлича мослик ҳосил қилиш мумкинлиги ҳозирчалик маълум эмас.

ЯИМнинг 30 фоиз даражасидаги солиқ юки миллий иқтисодиётнинг нисбатан жадал суръатлар билан ривожланишини ва шунинг баробарида келгусида давлат бюджетига нисбатан кўпроқ солиқ тўловларининг келиб тушишини таъминлайди (бу АҚШнинг таърибасидан маълум), ЯИМ нинг 40% даражасидаги солиқ юки жорий йил мобайнида давлат бюджетига келиб тушадиган солиқ тўловлари ҳажмининг нисбатан юқори бўлишини таъминласа-да, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши анчагина сусаяди.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юки даражаси ҳамда мамлакат миқёсидаги солиққа тортиш тизими фаолиятининг самарадорлиги нафақат давлат бюджетига тушириладиган солиқ тўловларининг умумий суммаси билан балки, солиқларни ундириш билан боғлиқ чора-тадбирларга қилинадиган умумий сарф-харажатлар кўлами билан ҳам белгиланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сўнгги йиллар мобайнида мамлакатимизнинг солиқ органлари хўжалик юритувчи субъектларни

солиққа тортишнинг янги шароитларга мос қонун-қоидаларини, регистрларини ва декларация шаклларини ишлаб чиқиш борасида анча жиддий ютуқларни қўлга киритишди.

Солиқ юки даражасини оптималлаштириш, солиқ тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиб бориш борасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилганига қарамай, солиқларни ундириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ташкиллаштиришга сарфланадиган харажатлар кўламини ҳамон бошқариб ва энг муҳими, камайтириб бўлмапти. Солиқ тўловларини амалга ошириш жараёнлари билан боғлиқ турли хилдаги ҳисоботларни тайёрлаш ва топшириш учун жуда кўп вақт талаб этмоқда, жорий ҳисоботларнинг шакли тез-тез ўзгартирилиб, бу ҳол вазиятни янада оғирлаштирмоқда.

Солиққа тортиш борасида бу хилдаги «янгиликлар»нинг жорий этилиши муносабати билан корхоналарнинг бухгалтерия бўлимларининг иши янада оғирлашади. Умуман олганда, солиқларни ундириш билан боғлиқ чора-тадбирлар корхоналарга ҳам, давлатга ҳам жуда қимматга тушмоқда. Шундан келиб чиқиб, солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлашимиз лозим.

Ушбу режада олиб борган тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

– фикримизча, корхоналарда номинал ва реал солиқ юкини фарқлаш лозим. Солиқ юкининг реал даражаси реал равишда (тўланган) амалга оширилган солиқ тўловларига қараб аниқланади. Номинал солиқ юки даражаси кўрсаткичи деганда, хўжалик юритувчи субъект томонидан олинадиган қўшилган қийматнинг ҳар бир сўмига нисбатан белгиланадиган ўртача солиқ юки тушунилади.

– тадқиқот давомида амалга оширилган ҳисоб-китобларимиз шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарнинг зиммасидаги номинал ва реал солиқ юкининг даражалари ўртасида тегишлича мосликка эришиш лозим.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз, мамлакатимиз иқтисодиёти тезроқ раванқ топиши учун, солиққа тортиш тизими

тамоийилларини, фаолиятини, солиқ тўловларининг амалга оширилишини ҳисобга олиш тизимини имкон қадар соддалаштириш зарур. Бизнинг назаримизда, бундай ислохотларни амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитлар етарли, фақатгина бунинг учун масъул давлат органлари тегишли қарор ва режани қабул қилишлари лозим.

3. АКТ соҳаси корхоналарида солиқ юкини ҳисоблашни такмиллаштириш йўллари

Корхоналарнинг солиқ юкини аниқлаш бўйича ҳозирги кунга қадар илмий адабиётларда турли хил йўналишлар мавжуд. Уларни ҳисоблаш корхоналар, ҳамда иқтисодиёт қай даражада солиқ юки таъсирида фаолият кўрсатаётгани аниқлаш имконини беради.

Ушбу солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблаш услубиётлари асосида солиқларнинг сони, ставкалари, имтиёзларининг ўзгаришларини ҳўжалик субъектининг фаолиятига қай даражада таъсир этишини аниқлашимиз мумкин.

Корхоналарда солиқ юкини ҳисоблашда ва уларнинг фаолиятига солиқларнинг таъсирини аниқлашда қуйидаги йўналишларда солиқ юкини ҳисоблаш мумкин:

Биринчи йўналиш. Бу йўналишга асосан солиқ юкининг оғирлигини жами тўланаётган солиқлар ва тўловларнинг йиғиндисини маҳсулотни сотишдан тушган тушумга нисбати сифатида аниқланади. Маҳсулотлар сотишдан тушган тушумга нисбатан солиқлар ва тўловларнинг улушини бу кўрсаткич кўрсатиши билан, у бу йўналиш орқали солиқлар ва тўловларни корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятига бўлган таъсирини тўлиқ кўрсатаолмайди, чунки бу йўналиш орқали маҳсулотларни сотишдан тушган умумий тушумнинг ичидаги солиқларнинг турлари ва таркибини ҳисобга олмайди. Сифатли иқтисодий таҳлилни ўтказиш учун, бизнинг назаримизда

солиқ юкини корхоналарнинг молиявий фаоллигини билан боғлайдиган кўрсаткич зарур бўлади.

Иккинчи йўналиш. Бу йўналиш асосида солиқ ва уни тўлов манбаси бири билан таққосланади. Ҳар бир солиқ гуруҳи бўйича ўзининг манбасига қараб солиқ юкининг оғирлиги аниқланади. Ушбу йўналиш қабул қилинган умумий фикрни инкор этади, яъни таннархга киритиладиган солиқлар корхона учун фойдалироқ, чунки, улар фойдани камайтиради ва бу билан фойда солиғи миқдори камаяди.

Корхонанинг фойдаси пасайиши билан бир қаторда бюджетга ҳам солиқ тушумларини пасайишига олиб келади.

Шундай қилиб, ушбу йўналишда солиқ юкини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$С_{\text{ю}} = [(T - X_{\text{т}} - \Phi_{\text{х}}) / (T - X_{\text{т}})] * 100\% \text{ ёки,}$$

$$С_{\text{ю}} = [(T - X_{\text{т}} - \Phi_{\text{х}}) / \Phi_{\text{х}}] * 100\% \quad (3.11)$$

Бу ерда: T – сотишдан тушган тушум (таннарх+фойда);

$X_{\text{т}}$ – солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда сотилган маҳсулотга кетган харажатлар;

$\Phi_{\text{х}}$ – солиқларни чегириб ташлагандан сўнг корхона ихтиёрида қолган ҳақиқий фойда.

Бу усулда жами тўланган солиқлар миқдори корхона ихтиёрида қолган фойданинг қанча қисми солиқлар ва тўловларга кетганини кўрсатади.

Бу йўналишда эгри солиқлар (ҚҚС ва акциз солиғи) эътиборга олинмайди, чунки улар корхонанинг фойдасига таъсир этмайди.

Солиққа тортиш назариясида эгри солиқларни солиқ юкининг миқдorigа таъсир этиши аниқланган. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, эгри солиқларнинг шундай хусусиятлари бор эканки, уларнинг манбаси осонгина ўзгартирилиши мумкин. Солиқни тўлайдиган корхона, уни маҳсулот, ишлар, хизматлар нарҳига киритади, шу билан улар истеъмолчилар зиммасига юкланади. Лекин, корхона маҳсулотнинг нарҳини фақатгина талабнинг тўлов қобиляти кўтараолганлигича кўтариш мумкин.

Агарда солиқни ўз ичига олган нарх жуда баланд бўлса, талаб пасаяди: харидорларнинг бир қисми бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларига ўтадилар, бошқа қисми эса – маҳсулотларни ўрнини босувчи бошқа маҳсулотларни истеъмол қилишга ўтадилар.

Шунинг учун ҳам истеъмолчиларни ушлаб қолиш учун корхона нархларни ўзгартирмаган ҳолда солиқ ва тўловларни миқдорига фойдани камайитишга мажбур бўлади.

Эгри солиқлар маҳсулотларнинг нархларига таъсир этади ва бу билан оқибатда талабга ҳам таъсир этади. Эгри солиқларнинг оғирлиги сотувчиларга ва истеъмолчиларга талабнинг хусусиятига қараб юкланади. Маҳсулотга бўлган талаб эгилувчан бўлган тақдирда эгри солиқларнинг катта қисми сотувчининг зиммасига тушади, чунки нархни кўтарган захоти у ўзининг харидорини йўқотади, агарда талаб ноэластик бўлса, сотувчи солиқнинг асосий қисмини истеъмолчига юклаши мумкин, чунки талабнинг миқдори нархга деярли боғлиқ эмас (масалан, электр лампочкалар, нон, гугурт ва ҳоказолар).

Ушбу назарияни амалда тадбиқ этиш жуда қийин кечади. Чунки, эгри солиқларнинг таъсирини аниқлаб олиш жуда мушкул. Шунинг учун бундай йўналиш орқали фақатгина алоҳида маҳсулот бўйича эгри солиқларнинг таъсирини аниқлаб олса бўлади.

Учинчи йўналиш. Бу йўналиш асосида солиқ юкини қўшилган қийматдаги солиқлар ва тўловларнинг улуши сифатида аниқлаш мумкин. Ушбу йўналишга асосан қўшилган қиймат даромад манбаси деб ҳисобланади ва, ўз навбатида, солиқни тўлаш манбаси деб ҳисобланади. Шундай қилиб бу йўналишга асосан солиқ унинг тўлов манбаси билан таққосланади. Ушбу кўрсаткич ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш учун солиқ юкини ўртача миқдорини кўрсатишга имкон яратади, шу билан ҳар хил иқтисодий тизимлардаги солиқ юкини таққосланишини таъминлаб беради.

Бу йўналишга асосан солиқ юкини ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим:

- ялпи тушум (Т)
- материал харажатлари (МХ);
- қўшилган қиймат (ҚҚ), унинг таркибига қуйидагилар киради:
- амартизация ажратмалари (АМ);
- меҳнат ҳақи харажатлари (МХ) (ижтимоий жамғармаларга мажбурий ўтказмалар ва меҳнат ҳақи жамғармаларига ҳисобланадиган солиқларни ҳам ҳисобга олган ҳолда);
- қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС);
- фойда (Ф).

Ушбу йўналишга асосан таҳлил қилишимиз учун қуйидаги коэффицентларни киритишимиз зарур:

– Ко – ялпи тушумда қўшилган қийматнинг улуши: $Ko = \frac{ҚҚ}{Т}$; (3.12)

– Кмх – қўшилган қийматдаги меҳнат ҳақи харажатларининг улуши:
 $K_{мх} = \frac{МХ}{ҚҚ}$ (3.13)

– Кам – амартизация ажратмаларининг қўшилган қийматдаги улуши:
 $K_{ам} = \frac{АМ}{ҚҚ}$. (3.14) Бу ишлаб чиқариш фондининг сиғимини аниқлаб берувчи коэффицент.

Шундай қилиб бу йўналишга асосан ва ҳозирги солиққа тортиш тизимига асосан корхона қуйидаги солиқларни тўлаши лозим:

1. Қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) = $(20\%/120\%) * ҚҚ$;

2. Меҳнат ҳақи фондидан ҳисобланадиган тўловлар = $(25\%/125\%) * K_{мх} * ҚҚ$;

3. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқ (ушбу солиқни корхона тўламаса ҳам, корхона ўзининг ишчисига кўпроқ маош бериш тарафдоридир, яъни солиққа тортилгандан кейинги даромад). Унинг ўртача миқдори тахминан 20% ташкил қилади. Ушбу солиқ миқдори = $0,20 * (1 - 0,25/1,25) * K_{мх} * ҚҚ$;

4. Фойда (даромад) солиғи (10%) = $0,10 * (1 - ҚҚС - K_{мх} - K_{ам}) * ҚҚ = 0,10 * (0,80 - K_{мх} - K_{ам}) * ҚҚ$.

Ҳамма юқорида келтирилган солиқлар ва мажбурий тўловларни қўшганимизда қуйидаги тенглама ҳосил бўлади. Ушбу тенглама орқали қўшимча қийматдан давлатга ажратиладиган улушни аниқлаб олиш мумкин:

$$(20\%/120\%)*ҚҚ+(25\%/125\%)*Кмх*ҚҚ+0,20х(1-0,25/1,25)*Кмх*ҚҚ + 0,10 * (0,80-Кмх-Кам)*ҚҚ = [0,25+0,26*Кмх-0,1*Кам]*ҚҚ.$$

Шундай қилиб, амалдаги солиққа тортиш тизимида асосан корхоналар давлатга қўшилган қийматдан бир қисмини солиқлар ва мажбурий тўловлар сифатида берилиши лозим бўлган миқдори тўғридан-тўғри иш ҳақи, материал ва амортизация харажатлари билан боғлиқ бўлади.

Ушбу йўналишни қўллаш орқали қўшимча қийматда солиқларни улушини ишлаб чиқариш турига ва рентабеллилига қараб аниқлаш мумкин.

Солиқларни тўлагандан сўнг корхона ихтиёрида қолаётган қўшилган қиймат миқдорида қараб корхонанинг ривожланиш имкониятларини аниқлаш мумкин.

Юқорида келтирилган тенгламадаги кўрсаткичларни ўзгартириб (материал сиғими, фонд сиғими, меҳнат сиғими) қўшилган қийматдаги солиқларнинг улушини аниқлаб олиш мумкин. Ушбу йўналишга асосан солиқларнинг ставкаларини кўтариш ёки пасайтириш, имтиёзларни кўпайтириш корхоналарнинг ривожланиш суръатига таъсир этиш даражасини аниқлаб олиш мумкин.

Ушбу йўналишнинг асосий камчилиги шуки унда қуйидаги ер ости бойликлари, акциз, мол-мулк, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлари ўз ифодасини топмаган.

Тўртинчи йўналиш. Бу йўналишга асосан мутлоқ ҳамда нисбатан солиқ юкини фарқлаш лозим. Лекин, бизнинг фикримизча, корхоналарда маҳсулотни сотишдан тушган тушумни асос қилиб солиқ юкини аниқлаш етарли даражада тўғри, деб бўлмайди.

Мутлоқ солиқ юки – бу бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ўтказилиши лозим бўлган солиқлар ва суғурта бадаллари, яъни хўжалик субъектларнинг солиқ мажбуриятларининг мутлоқ миқдори. Ушбу кўрсаткич

Ўзида бюджетга ҳақиқатдан ўтказилган солиқ тўловлари ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий суғурта бадаллари, ҳамда ушбу тўловлар бўйича боқимондаларни ифодалайди. Мутлоқ солиқ юкининг миқдорини ҳисоблашда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва нафақа жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган тўловлар ҳисобга олинмайди, чунки унинг тўловчилари жисмоний шахслардир, корхоналар эса ушбу солиқни йиғиб бюджетга ўтказди.

Хўжалик субъектлари томонидан бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган суғурта бадаллари мажбурий тўловлар деб эътироф этилади ва уларнинг хусусияти солиқларникига ўхшаб кетгани учун уларни солиқ юкини ҳисоблашда эътиборга олиш лозим.

Мутлоқ солиқ юки солиқ мажбуриятларининг қай даражада оғирлигини кўрсатмайди, шунинг учун нисбий солиқ юки кўрсаткичи ҳисобланади. У мутлоқ солиқ юкининг янги қўшилган қийматга нисбати орқали аниқланади, яъни солиқ, суғурта бадаллари ва боқимондаларнинг қўшилган қийматдаги улушини аниқлаб беради. Нисбий солиқ юкини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$H_c = (CT + IY) * 100 / YAK = (CT + IY) * 100\% / (MX + IY + A + F + CT) \quad (3.15)$$

Бу ерда: YAK - янги яратилган қиймат;

CT – солиқ тўловлари.

MX – материал ҳаражатлар;

IY – ижтимоий ўтказмалар;

A – амортизация;

MX – меҳнат ҳақи;

F- корхона фойдаси;

Шундай қилиб, бу йўналиш ҳам солиқ юкини аниқлашда фонд сифими, материал сифими, маҳсулотни ишлаб чиқариш учун меҳнат сифимларига ўхшаган кўрсаткичларни ва уларнинг молиявий ҳолатга таъсирини инобатга олмайди.

Ушбу йўналишнинг кучли томони шундаки, у орқали аниқ корхоналарда солиқ юкини таққослаш мумкин, ҳамда уларнинг тармоқларига қарамай хусусий тадбиркорлар учун ҳам таққослаш мумкин. Салбий томони эса солиқларнинг сонига, уларнинг ставкасига ва имтиёзларга қараб иқтисодий фаолликни ўзгаришини режалаштириш имкони йўқ.

Бешинчи йўналиш. Ушбу йўналишга асосан солиқ юки кўрсаткичи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, корхонада солиқларнинг таркиби, солиққа тортишнинг механизми билан боғланади. Солиқ юки кўрсаткичи қуйидаги тенглама асосида ҳисобланади:

$$T=ST/TV*100\% \quad (3.16)$$

Бу ерда: ST – солиқлар миқдори;

TV – тўлов манбасининг миқдори.

Умумий солиқлар миқдорига барча тўланаётган солиқлар ҚҚС, акциз солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, бюджетдан ташқари жамғармаларга бадаллар, ва ҳоказолар киритилади.

Ушбу йўналиш маълум бир корхонанинг хусусиятларини инобатга олади, яъни қўшилган қийматда материал харажатлар, амортизация, меҳнат харажатларнинг улушларини ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ҳам инобатга олинади.

Юқорида келтирилган бешта йўналишларнинг ўзига яраша ижобий ва салбий томонлари бор. Солиқ юкини тўлиқ ва кенг қамровли таҳлил қилиш учун шундай кўрсаткич керакки, унда солиқ юки корхонани ривожланиш модели билан боғлиқ бўлиши лозим. Ушбу шартга учинчи йўналиш жавоб беради. Ушбу йўналишнинг кучли томони шуки унда солиқ юки келтирилган тенглама орқали ҳисобланиши тавсия этилмоқда. Бу тенгламада ўзгарувчан кўрсаткичларни ҳар бирини ўзгартириб солиқ юкининг умумий миқдорини аниқласа бўлади. Ушбу тенглама солиқлар ставкасини, ишлаб чиқаришнинг фонд, меҳнат ҳамда материал сифимини, ва (айрим модернизация ишларини ўтказгандан сўнг) ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасини эътиборга олади.

Лекин корхоналарда солиқ юкини аниқлашда максимал эффектга эришиш учун таҳлил ўтказаетганда ва солиқ юкини ўзгариши корхонанинг иқтисодий фаоллигига таъсирини аниқлаш учун учинчи ва бешинчи йўналишлардан фойдаланиш лозим.

III боб бўйича хулоса

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, олинган маълумотларни нархларни ўзгаришига қараб корхона махсулотларига бўлган талабнинг ўзгариши таҳлили билан тўлдириш лозим, бу ўз навбатида истеъмолчига тушаётган эгри солиқларнинг оғирлиги даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Солиққа тортиш борасида бу хилдаги «янгиликлар»нинг жорий этилиши муносабати билан корхоналарнинг бухгалтерия бўлимларининг иши янада оғирлашади. Умуман олганда, солиқларни ундириш билан боғлиқ чоратadbирлар корхоналарга ҳам, давлатга ҳам жуда қимматга тушмоқда. Шундан келиб чиқиб, солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлашимиз лозим.

Фикримизча, корхоналарда номинал ва реал солиқ юкини фарқлаш лозим. Солиқ юкининг реал даражаси реал равишда (тўланган) амалга оширилган солиқ тўловларига қараб аниқланади. Номинал солиқ юки даражаси кўрсаткичи деганда, хўжалик юритувчи субъект томонидан олинадиган қўшилган қийматнинг ҳар бир сўмига нисбатан белгиланадиган ўртача солиқ юки тушунилади.

Тадқиқот давомида амалга оширилган ҳисоб-китобларимиз шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарнинг зиммасидаги номинал ва реал солиқ юкининг даражалари ўртасида тегишлича мосликка эришиш лозим.

Миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича солиқ юкининг ўртача даражасини аниқлаб олиш зарур. У эса, ўз навбатида, самарали ривожланиш имкониятини ва бюджетга тушумларни барқарор равишда келиб тушишини таъминлаб беради. Бунда таҳлил асосида ҳақиқий статистик маълумотлар

хизмат қилиши лозим. Миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича солиқ юкининг чегараларини аниқлаб олгандан сўнг иқтисодиётнинг секторлари бўйича солиқ юкининг оптимал моделини, солиқларнинг иқтисодий ривожланиш суръатларига таъсирини аниқловчи математик моделлар тузиш имкинияти туғилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

– мамлакат иқтисодиётидаги солиқ юки давлат солиқ сиёсатининг натижаси бўлиб, солиқ тизимининг сифатини ифодалайди. Шу билан бирга олинаётган солиқлар даражаси, бир томондан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига, бошқа томондан эса, давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи миқдори билан белгиланади. Шу сабабли солиқ юкининг оғирлигини камайтириш, биринчи навбатда, давлат харажатларини қисқартириш билан боғлиқдир;

– солиқ юкини оптималлаштириш - бу шундай жараёнки, бунда нафақат солиқ ставкасини, балки солиқ базасини, солиқдан имтиёзларни, солиқни тўлаш муддатларини ва давлатнинг ижтимоий эҳтиёжларини оптимал даражалари асосида шаклландиган кўрсаткични тушуниш мумкин;

– солиққа тортиш амалиётида солиқ базасини аниқлаш услубиётини такомиллаштириш корхоналар молиявий ҳолатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади;

– тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарнинг зиммасидаги номинал ва реал солиқ юкининг даражалари ўртасида ўзаро мутаносибликка эришиш лозим;

– муаллиф корхоналарнинг солиқ юкини давлат бюджетига тўланган барча солиқлар, тўловлар ва ажратмаларнинг қўшилган қийматга нисбати орқали аниқлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Шунда солиқ юкининг реал даражасини аниқлаш имконияти туғилади;

– тадқиқот натижалари кўрсатмоқдаки, қўшилган қийматнинг юқори бўлиши солиқ юки даражасига тескари пропорционал бўлгани учун, солиқ юки даражасини камайтиради, аммо солиққа тортиладиган базанинг кенгайиши ҳисобига давлат бюджетига кўпроқ солиқ тушади;

– корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблашда соф ва умумий солиқ юкини ҳисоблаш лозим. Бунда соф солиқ юки хўжалик юритувчи субъектнинг тўлайдиган барча солиқлари, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга қиладиган ажратмаларини ифодаласа, умумий солиқ юки юқоридагилар билан бирга ишчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқлар ва бадаллар юкини ифодалайди;

– солиқ юкини аниқлаш жараёнини енгиллаштириш учун корхоналар томонидан мажбурий равишда топшириладиган ҳисоботлар таркибига қўшилган қиймат кўрсаткичини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ;

– иқтисодиётнинг турли тармоқ корхоналарида солиқ юкининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, солиқ юкининг асосий қисми саноат корхоналари зиммасига бориб тушмоқда. Шунинг учун келажакда иқтисодиёт тармоқлариаро солиқ юкининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш лозим;

– мамлакат ҳудудлари бўйича солиқ юки нотекис тақсимланган. Солиқ юкининг асосий қисми 5 та вилоятга бориб тушмоқда. Шунинг учун солиқ юкини имконият даражасида ҳудудлар бўйича тенглаштириш лозим;

– солиқларни ундириш билан боғлиқ жараёнларни ташкиллаштириш ва бунга сарфланадиган харажатлар кўламини камайтириш лозим. Чунки, солиқ тўловларини амалга ошириш турли ҳисоботларни тайёрлаш ва топширишни талаб этади, жорий ҳисоботларнинг шакли тез-тез ўзгартирилиши вазиятни янада оғирлаштирмоқда. Натижада солиқларни ундириш билан боғлиқ чора-тадбирлар корхоналарга қимматга тушмоқда;

– тадқиқот таҳлиллари шуни кўрсатдики, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш лозим, яъни улар учун ялпи даромад, мол-мулк солиғи ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларни бирлаштириб, ягона солиқ тўлови жорий этилса, тизимдаги корхоналарда солиқ юки камаяди. Бунинг натижасида уюшган савдони ривожлантириш, улгуржи ва чакана савдо корхоналари ўртасида тизимли савдони йўлга қўйиб, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга эришиш мумкин;

– солиқ солишда юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш лозим. Ҳозирги кунда бир хил қувват ва ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар учун солиқ солиш тизими турличадир. Масалан, сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юридик шахслар ягона солиқ ёки умумий белгиланган тартибдаги солиқларни тўласалар, худди шундай фаолиятни амалга оширувчи якка тадбиркорлар фақатгина қатъий солиқ ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ойлик тўловни амалга оширадilar. Бу каби ҳолатлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс томонидан фуқароларни ёллаб ишлатиб «конверт» усулида меҳнатга ҳақ тўлаш усулини кучайтирмоқда.

Шу сабабли мураккаб технология асосида маҳсулотларни ишлаб чиқаришни фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши тавсия этилади. Мазкур тартибни жорий этиш оқибатида қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

биринчидан, бир турдаги фаолият билан шуғулланиб, бир хил қувватга ва ҳажмларда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга солиқ юки тенг тақсимланади ва бюджетга тушум кўпаяди;

иккинчидан, янги иш ўринлари яратилиб, фуқаролар (ишчи-хизматчилар) даромади ошади ва ижтимоий ҳимояси таъминланади;

учинчидан, хуфиёна иқтисодиётнинг олди олинади;

тўртинчидан, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати яхшиланади ва истеъмолчилар ҳуқуқи таъминланади;

бешинчидан, бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари юритилиб, ҳақиқий молиявий ҳолатни назорат қилиш имконияти яратилади.

– бугунги кунда товар айланмасига нисбатан солиқ юкининг юқорилиги учун айрим субъектлар томонидан солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаш ва боқиманда ҳосил қилиш ҳоллари учрамоқда. Шунингдек, савдо фаолиятини амалга ошириб, йирик пул маблағлари айланмасига эга бўлган корхоналар томонидан бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловларни

тўламаслик ҳоллари учрамоқда. Мазкур ҳолатни бартараф этиш учун бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича ставкаларни пасайтириш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар келгусида мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.- Т.: ЎзР ДСҚ РАММ, 2006.-76 б.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом./Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари бюллетени. №3, 1999. 55-87 б.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ДСҚнинг 2002 йил 14 январдаги 15-сонли ва 2002-12-сон билан тасдиқланган, Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 13 февралда 1109-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома”//Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари бюллетени. №5, 2002. 99-124 б.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ДСҚнинг 2002 йил 22 январдаги 25-сонли ва 2002-13-сон билан тасдиқланган, Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 11 мартда 1107-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсларни мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома”//Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари бюллетени. №4, 2002. 139-156 б.

1.5. 2004 йил 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларни солиқ солиш тартибидаги ўзгаришлар тўғрисидаги тўплам.- Т.: №3Р ДСҚ РАММ, 2004. 76 б.

1.6. Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан. Изменения налогообложения в 2007 году. –Т., 2007. 71 с.

II. Махсус адабиётлар:

- 2.1.Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. - Т.: Ўзбекистон, 1992. 82 б.
- 2.2.Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1994. 2-том, 380 б.
- 2.3.Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. – 5 том. - Т.: Ўзбекистон, 1997. 384 б.
- 2.4.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.:Ўзбекистон, 1998. 686 б.
- 2.5.Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. - 7 том.- Т.: Ўзбекистон, 1999. 410 б.
- 2.6.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.:Ўзбекистон, 2000. 352 б.
- 2.7.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 92 б.
- 2.8.Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 528 б.
- 2.9.Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Халқ сўзи, 2015 й. 18 январ.
- 2.10. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб.- Т.: Меҳнат, 1997. 432 б.
- 2.11.Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб.- Т.: Меҳнат, 1998. 352 б.
- 2.12.Абдуллаев Ё., Яхёев Қ. Солиқ мавзусида 100 савол ва жавоб.- Т.: Меҳнат, 1997. 192 б.

2.13.Александров И.М. Налоговые системы России и зарубежных стран.-М.: Бератор-Пресс, 2002. 192 с.

2.14.Ваҳобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. ТМИ, 2002.

2.15.Вылкова Е.С., Романовский М.В. Налоговое планирование. –СПб.: Питер, 2004. 193 с.

2.16.Вышкова Е., Романовский М. Налоговое планирование. -СПб.: Питер, 2004. 634 с. (Серия Учебник для вузов).

2.17.Глухов В.В., Дольдэ И.В., Некрасова Т.П. Налоги. Теория и практика: Учебник. 2-е изд. - СПб.: Издательство Лань, 2002. 448 с.

2.18.Грисимова Е.Н. Налогообложение: Учеб. пособие.-СПб.: Изд-во С.-Петербург. ун-та, 2000. 264 с.

2.19.Дробозиной Л.А Финансы.. -М.: ЮНИТИ, 2002. 158 б.

2.20.Евстигнеев Е.Н., Викторова Н.Г. Основы налогообложения и налогового законодательства.-СПб.: Питер, 2004.- 256 с.: ил.-(Серия Краткий курс).

2.21.Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. -Т.: Фан, 2004.

2.22.Завалишина И. А. Практическое налогообложение. - Ташкент: Издательский дом “Мир экономики и права”, 2003. - 432 с.

2.23.Иванова Н.Г., Вайс Е.А., Кацюба И.А., Петухова Р.А. Налоги и налогообложение. Схемы и таблицы.- СПб.: Питер, 2001.- 304 с.: ил.-(Серия Учебные пособия)

2.24.Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. Монография, Академия, Т.: 2005 й. 130 бет.

2.25.Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари.- Т.: Академия, 2002. 204 б.

2.26.Маманазаров А.Б. Солиқ сиёсати. Т.: Молия , 2003. 148 б.

2.27. Пардаев А., Азимов Б. Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш. –Т.:ZAR-QALAM, 2005. 109 б.

2.28.Сабилов Х.Р., Фаттахов А.А., Иминов О.К. Налогообложение предприятий малого и среднего бизнеса Республики Узбекистан,- Т.: Молия, НУПКФ Ташкент -12 и Бизнес Инкубатор Техномаркет, 2000. 116 с.

2.29.Собиров Х. Ўзбекистон давлат молияси тарихи. -Т.: М.Ч.Таълим манбаи жамияти, 2002. 152 б.

2.30.Соколов А.А. Теория налогов.- М.: ООО ЮрИнфоР-Пресс, 2003. 506 с.

2.31.Солиқлар. Ўқув қўлланмаси.//С.А.Алимбоев таҳририда./ -Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, 1999. 288 б.

III. Илмий журналларда чоп этилган мақолалар:

3.1.Қодиров А., Содиков А. Солиқ тизимини такомиллаштириш. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000. 3-сон. 42 б.

3.2.Жўраев А. Солиқларнинг бюджет тизими бўғинлариаро тақсимланиши. «Бозор, пул ва кредит», №11, 2004 й.

3.3.Маликов Т. С. Солиқ ва имтиёз диалектикаси //Халқ сўзи газетаси, 2005. 9 сентябрь. 2-3 б.

3.4.Назарова Р. Легко ли быть отечественным производителем. //Экономическое обозрение. 2004, №1. стр. 3-6.

IV. Диссертация ва авторефератлар:

4.1.Абдурахманов О.Қ. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. / Автореф. дис. и.ф.д. –Т.: RIZO, 2005. 42 б.

4.2.Альмардонов М.И. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири. / Автореф. дис. и.ф.д., -Т.: RIZO, 2004. 40 б.

4.3.Азимов Б.Ф. Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш механизминини такомиллаштириш йўналишлари. / Автореф. дис. и.ф.н. –Т.: Талаба, 2004. -22 б.

4.4.Асатуллаев Х.С. Макроиқтисодий мувозанатликни таъминлашда давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг ўрни. / Автореф. дис. и.ф.н., -Т.:

RIZO, 2003. 22 б.

4.5.Норкулов А.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида дебиторлик-кредиторлик қарзлари ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш муаммолари. / Автореф. дис. и.ф.н., -Т.: ТМИ, 2005. 20 б.

V.Статистик маълумотлар:

5.1.Статистический ежегодник регионов Узбекистана 2013/ Статистический сборник. - Т.: ОКМП Государственного Комитета Республики Узбекистан по статистике, 2014.

5.2.Статистический сборник Содружества Независимых Государств. –М., 2003.

VI. «INTERNET» тармоғи бўйича фойдаланилган веб-сайтлар:

5.1.www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

5.2.www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси сайти.

5.3.www.soliq.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси сайти.